# ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ 2021 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАДОРЛИГИ ВА ДАВЛАТ МУЛКИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА

# ЙИҒМА ҲИСОБОТ

2022 ЙИЛ

## МУНДАРИЖА

Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг кириш сўзи ... 5

**I. ДАВАКТИВ АГЕНТЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ ... 7**

1.1. Давактив агентлиги ҳақидаги умумий маълумот ... 7
1.2. Давактив агентлигининг вазифа ва функциялари ... 8
1.3. Ҳисобот даврининг муҳим воқеалари ... 8

**II. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ... 11**

2.1. Стратегияни ишлаб чиқиш асослари ... 11
2.2. Стратегияни амалга ошириш ҳолати ... 11

**III. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ... 15**

3.1. Давлат иштирокидаги корхоналар сони ... 15
3.2. Давлат иштирокидаги корхоналарда давлат улуши бўйича акциядор (иштирокчи, мулкдор) функциясини бажарувчи органлар ... 17
3.3. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг йиғма кўрсаткичлари ... 18
3.4. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг капитал бозоридаги иштироки ... 30
3.5. Даромад, соф фойда, КПИ ва бошқа кўрсаткичлари кўрсатилган йирик корхоналар ... 31

**IV. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРДА АУДИТ ... 78**

4.1. Ташқи аудит ... 78

**V. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ... 78**

5.1. Акциядорлар (иштирокчилар, мулкдорлар) умумий йиғилишлари натижалари ... 78
5.2. Кузатув кенгаши таркиби ... 78
5.3. Ижроия органи тайинланиши ва таркиби ... 78

**VI. ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ УСЛУБЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ... 79**

6.1. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ... 79
6.2. Давлат иштирокидаги корхоналар веб-сайти ҳолати ... 79
6.3. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий ҳисоботни МҲХС бўйича тузишга ўтиш ҳолати ... 80
6.4. Ички аудит, мувофиқлик хизмати ва кузатув кенгашлари қошидаги қўмиталар ... 80

**VII. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР СОНИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ҲОЛАТИ ...... 81**

7.1. Қайта ташкил қилинган ва тугатилган корхоналар ...... 83
7.2. Хусусийлаштирилган корхоналар, хусусийлаштиришдан тушумлар ...... 83

**VIII. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ...... 84**

**IX. ДАВЛАТ МУЛКИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ...... 85**

**ИЛОВАЛАР**

Илова – 1. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активлари ...... 86
Илова – 2. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг мажбуриятлари ...... 87
Илова – 3. Жорий кредиторлик қарздорликлари мавжуд корхоналар орасида энг кўп қарздорликлари бўлган корхоналар ...... 88
Илова – 4. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг даромадлари ...... 89
Илова – 5. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг даромалари ҳудудлар кесимида ...... 90
Илова – 6. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг жами харажатлари ...... 90
Илова – 7. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар кесимида соф фойда/зарарлари ...... 91
Илова – 8. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар тармоқлар кесимида ...... 91
Илова – 9. 2022 йилга мўлжалланган соғломлаштириш бўйича «йўл хариталари» мақсадли кўрсаткичлари ҳудудлар кесимида ...... 92
Илова – 10. Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан тўланган солиқлар иқтисодиёт тармоқлари кесимида ...... 93
Илова – 11. Энг кўп солиқ тўлаган давлат иштирокидаги корхоналар ...... 93
Илова – 12. Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан тўланган дивидендлар ҳудудлар кесимида ...... 94
Илова – 13. Давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш ҳудудлар кесимида ...... 94
Илова – 14. Сотиш, тугатиш ва ўзгартиришга таклиф қилинаётган давлат иштирокидаги корхоналар ...... 95

# ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ КИРИШ СЎЗИ

Мамлакатимизда иқтисодиётни изчил либераллаштириш, рақобат муҳитини ривожлантириш ва давлатнинг инвестиция жозибадорлигини оширишга қаратилган тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Давлатимиз Раҳбари томонидан илгари сурилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** ҳамда **2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси**да ҳам айнан асосий мақсад ва йўналишлардан бири сифатида давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувини чеклаш, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кенг шароитлар яратиш, шунингдек, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш орқали иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини ошириш белгилаб берилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь ва 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат иштирокидаги корхоналарни ўзгартириш, хусусийлаштириш ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори билан тасдиқланган **Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси** юқоридаги мақсадларни ифодаловчи муҳим ҳужжатдир.

Стратегияни амалга ошириш натижасида давлат корхоналари сонини 75 фоизга қисқартириш мақсад қилиб қўйилган ва бунинг учун биз тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, давлат корхоналари билан биргаликда барча зарур чораларни кўришимиз лозим.

Мазкур Стратегия доирасида Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан халқаро молия институтлари ва маслаҳатчилар билан ҳамкорликда давлат корхоналари фаолияти тўғрисидаги ушбу йиғма ҳисобот ишлаб чиқилди.

Ҳисобот давлат корхоналари тўғрисидаги йиллик жамланган маълумот бўлиб, уларнинг бошқарув тузилмаси, фаолияти натижалари, молиявий ривожланиши ва ҳисобот йилидаги муҳим воқеалар билан танишиш имконини беради. Шунингдек, йиғма ҳисобот Давактив агентлиги фаолияти, хусусан давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш, давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш бўйича маълумотларни ўз ичига олган.

Шакли халқаро амалиёт асосида тузилган бўлиб, уни ишлаб чиқиш жараёнида бир қатор давлатлар тажрибаси, жумладан Норвегия, Финляндия ва Швециянинг тажрибаси ўрганиб чиқилган.

2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада давлат иштирокидаги корхоналар сони 2 144 тани ташкил этиб, 72 та вазирлик ва идоралар томонидан бошқарилган.

Давлат мулкининг пировард эгаси Ўзбекистон халқидир, шунинг учун ҳам бу корхоналарда шаффофлик ва ишончлилик тамойиллари давлат мулкининг пойдевори ҳисобланади.

Давлатнинг мулкдор сифатидаги мақсадлари – мумкин қадар юқори даромад ва давлат сиёсати мақсадларига энг самарали эришиш ҳисобланади. Бунинг учун компаниялар барқарор бўлиши керак. Жамиятдаги ривожланиш тенденцияларини, шу жумладан таваккалчиликлар ва имкониятларни тушунадиган ва бошқарадиган компаниялар давлат мулкининг пировард мулкдори ҳисобланмиш Ўзбекистон халқи манфаатлари учун узоқ муддатли қиймат яратишга ҳисса қўшадиган рақобатдош устуникка эга бўладилар.

Давактив агентлиги давлат номидан эгалик қилувчи сифатида корхоналарнинг фаолиятида шаффофлик ва очиқликни асосий тамойиллар сифатида белгилаб олган. Бу эса Ўзбекистон халқига ўз манфаатлари йўлида давлат корхоналарини бошқариш самарадорлигини кузатиб бориш имкониятини беради.

Шу муносабат билан, Давактив агентлиги томонидан давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарининг расмий веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 81-сон қарори билан тасдиқланган бўлиб, мулкдорлар ва жамоатчилик учун муҳим бўлган барча турдаги ахборот ва ҳисоботларни, шунингдек, уларни корхоналар веб-сайтларида жойлаштириш муддатлари ва тартибини белгилайди.

2021 йилда Давактив агентлиги илк бор республиканинг энг даромадли 20 та корхонаси рўйхатини эълон қилди. Зарар кўрган 10 та компания ҳақида ҳам маълумотлар ошкор қилинди.

Бундай маълумотлар тизимли равишда жорий йилда ҳам эълон қилинди ва келажакда бу борадаги ишлар тизимли равишда давом эттирилади.

Корхона фаолиятини тушуниш муваффаққиятли эгалик қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади, ҳисобдорлик эса корхоналар учун юксак мақсадларга эришишда энг тўғри омил бўлиши мумкин.

Мазкур ҳисоботда мамлакатнинг йирик корхоналаридан 15 таси *(«Навоий КМК» ДК, «Олмалиқ КМК» АЖ, «Ўзметкомбинат» АЖ, «Ўзбекнефтегаз» АЖ, «Ҳудудгазтаъминот» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзавтосаноат» АЖ, «Ўзбекгеофизика» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзагросуғурта» АЖ, «Биокимё» АЖ, «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» ДК, «Тошкент» РФБ АЖ)* тараққиёти билан боғлиқ муҳим тенденцияларга мувофиқ ўзларининг фаолияти ва бизнес стратегиясини ишлаб чиқиш ҳақида батафсилроқ маълумот тақдим этган. Шулардан 12 таси ўтган йилга нисбатан ўз даромадлилик кўрсаткичларини яхшилаган.

Бироқ, зарар кўрган компаниялар ҳам мавжуд. Айниқса, нефть ва газ саноати, транспорт соҳаси компаниялари катта зарар кўрган. Ушбу корхоналарнинг бошқарув органлари вазиятни тўғри баҳолаб, зарур чораларни кўришлари лозим.

Мамлакатимиз иқтисодиёти юксалиши, аҳоли фаровонлигини ошириш учун бор куч-ғайратимизни ишга солишимиз керак.

Умид қиламанки, мазкур ҳисобот Сиз учун фойдали бўлади!

***Давлат активларини бошқариш***
***агентлиги директори*** **А.Ж. Ортиқов**

# I ДАВАКТИВ АГЕНТЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

## 1.1. Давактив агентлиги ҳақида умумий маълумот

Давлат активларини бошқариш агентлиги Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** ва Ўзбекистон Республикаси **Маъмурий islоҳотлар концепциясида** белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси қайта ташкил этилиши натижасида тузилган.

**Давактив агентлиги тузилмаси** марказий аппарат ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаларидан таркиб топган.

Шунингдек, Давактив агентлиги тузилмасига **Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази** *(14 та ҳудудий бошқармалари билан)*, «УзАссетс» ИК АЖ, «Электрон онлайн-аукционларни ташкил қилиш маркази» ДУК, «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» ДК, Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини ўрганиш маркази киради.

Давактив агентлиги давлат активларини самарали бошқариш бўйича **ягона давлат сиёсатини юритувчи ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланади.**

### Давактив агентлиги фаолиятининг асосий йўналишлари




**Тизимдаги ташкилотлар**

- **«Uzassets» инвестиция компанияси АЖ**
- **Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази**
- **«Электрон онлайн-аукционларни ташкил қилиш маркази» ДУК**
- **Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази**
- **«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси»ДК**

## 1.2. Давактив агентлигининг вазифа ва функциялари

Давактив агентлигининг **асосий вазифа ва функциялари:**

– давлат активларини самарали бошқариш бўйича **ягона давлат сиёсатини юритиш**;

– илғор хорижий тажриба асосида давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий **корпоратив бошқарув шакл ва усулларини жорий қилиш**, уларни бошқаришда кузатув кенгаши ва акциядорларнинг ролини тубдан ошириш;

– давлат манфаатларини таъминлаган ҳолда, шу жумладан давлат акция пакетларини (улушларини) **ишончли бошқарувга бериш** орқали инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

– давлат иштирокидаги корхоналарнинг облигация ва акцияларини чиқариш ва реализация қилиш, шу жумладан **маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида IPO/SPO бўйича эмиссияларни жойлаштириш** ҳисобига, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, шунингдек портфель инвестицияларни жалб қилиш;

– давлат активларини **реализация қилиш (хусусийлаштириш) ва ижарага** беришнинг очиқ ва шаффоф механизмини таъминлаш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция ва **ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши устидан мониторинг қилиш**, шунингдек давлат хусусий шериклик бўйича таклифларни тайёрлашда иштирок этиш;

– таҳлил асосида давлат иштирокидаги фаолият юритмаётган, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни аниқлаш, уларни **молиявий соғломлаштириш** ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

– **банкротлик тўғрисидаги** ишлар бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

– **баҳолаш фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниш**ини таъминлаш, мол-мулкни баҳолаш стандартларини тасдиқлаш, шунингдек **риэлторларни сертификатлаштириш.**

## 1.3. Ҳисобот даврининг муҳим воқеалари

2021 йилда мамлакатимиз тарихида хусусийлаштириш жараёнларининг янги босқичи амалга оширилди. Бунда, давлат активларини сотишнинг барча босқичларида очиқ, шаффоф ва ошкораликни таъминлаш, активлар ўзининг янги муносиб эгаларига топширилишига эътибор қаратилди.

Жумладан, ҳисобот йилининг асосий воқеаларига тўхталиб ўтадиган бўлсак:

**Биринчидан,** Давактив агентлиги фаолиятининг асосий йўналишларини тартибга солувчи қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича 3 та *(«Давлат мулкини бошқариш тўғрисида», «Хусусийлаштириш тўғрисида» , «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида» )* қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди ва улардан 1 таси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар эндиликда Давактив агентлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, 2021 йилда Давактив агентлиги томонидан 77 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилди. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Қонуни – 5 та, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та Фармони ва 2 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 30 та қарори ва 24 та фармойиши ҳамда 11 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

**Иккинчидан,** 2021 йил давомида хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш бўйича 2 та Фармон ва 1 та қарор қабул қилинди *(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6167-сон ва 2021 йил 30 июлдаги ПФ-6273-сон Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сон қарори)*. Ушбу ҳужжатлар асосида йил давомида 750 та давлат активлари 7,1 трлн. сўмга (*сўнгги 4 йилга нисбатан* 5,5 баробар *ортиқ)* сотилиб, 3,8 трлн сўмлик тушум таъминланди.

*Халқаро тажриба асосида хусусийлаштириш жараёнига Rothschild&Co, Deloitte, KPMG, Grant Thornton International каби нуфузли молиявий консультантларни жалб этишнинг янги тартиби йўлга қўйилди. Халқаро тажрибага асосланган янги тартиб ўзининг ижобий натижаларини берди.*

*Хусусийлаштириш борасида тўпланган тажриба асосида 10 дан ортиқ йирик активларни самарали сотилишига эришилди.*

**Учинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПҚ-5197-сон «Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорига асосан «E-auksion» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукционни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби соддалаштирилди, жараёнларнинг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш, иштирокчилар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, аҳолининг аукционда қатнашиши учун қулайликлар яратилди.

Хусусан, аукцион иштирокчиларига масофадан туриб, **электрон рақамли имзо бепул тақдим қилиниши йўлга қўйилди,** объектларни аукционга чиқариш учун тўланадиган **йиғим бекор қилинди,** шунингдек, мижозлар сони очиқланиб, савдо жараёнини **онлайн режимда кузатиш** имконияти яратилди, **иштирокчини рози қилиш (эскроу) механизми** ишга туширилди ва ҳоказо.

*«E-auksion» электрон савдо платформасида 25 та турдаги мол-мулклар сотилмоқда. Хусусан, 2021 йилда бошланғич нархи 1,81 трлн. сўм бўлган 23,4 мингта мол-мулклар 2,33 трлн. сўм (ўсиш суръати 128,7 фоиз)га сотилган бўлиб, шундан давлат активлари 874 млрд.сўмни ташкил этган.*

*Бугунги кунда, аукционда бошланғич қиймати 2,1 трлн. сўмлик 920 дан ортиқ давлат активлари бўйича савдолар давом этмоқда.*

**Тўртинчидан,** 2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 29 март куни 166-сон қарори билан тасдиқланди. Стратегиянинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида, Жаҳон банки билан ҳамкорликда 2021 йил 27 май куни халқаро конференция ташкил этилди.

Унда дунёнинг турли мамлакатларидан 400 дан ортиқ иштирокчилар, жумладан халқаро молия институтлари, инвестициявий ва консалтинг компаниялари, тижорат банклари, маҳаллий ва халқаро ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.

Мазкур ҳужжат билан давлат мулкини бошқариш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, давлат иштирокидаги корхоналарни тўлиқ бозор механизмларига ўтказиш, корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, 2021 йилда корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилиш натижалари бўйича Агентлик томонидан **энг катта соф фойда олган (20та) ва энг кўп зарарга кирган (10та)** корхоналарнинг молиявий натижалари илк бор эълон қилинди.

Шунингдек, Давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти ҳисобини юритиш ва мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўйича халқаро миқёсда тендер эълон қилинди. Ҳозирда, тендер якунлари бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва тендер ғолибини танлаш ишлари олиб борилмоқда.

**Бешинчидан,** Корпоратив бошқарув соҳасида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

а) давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида, Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарининг расмий веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 81-сон қарори билан тасдиқланди.

Мазкур низом билан давлат иштирокидаги корхоналар расмий веб-сайтида ошкор этилиши лозим бўлган ахборотлар, уларни жойлаштириш тартиби ва даврийлиги, сайтни юритиш ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар белгиланган;

б) давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари бошқарув органларига номзодларни шакллантириш бўйича Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) давлатлари тажрибаси ўрганилди, натижада:

«Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув органларига номзодларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси;

«Хўжалик жамиятлари кузатув кенгашларининг мустақил аъзоларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди;

в) «Навоий КМК» ДК мол-мулклари негизида қуйидагилар «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ, «Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси» давлат муассасаси, «Навоийуран» давлат корхонаси ташкил этилди;

г) Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 ноябрдаги 684-сон қарори доирасида мамлакатда биринчи «UzVC миллий венчур фонди» МЧЖ ташкил этилиб, унинг устав капиталидаги 100 фоиз давлат улушини ишончли бошқарувга бериш бўйича танлов эълон қилинди.

Танловда 3 та компания (Sturgeon Capital LTD *(Буюк Британия)*, Most Investment LTD *(Қозоғистон Республикаси)* ва «Unicorns Venture Fund» МЧЖ *(Ўзбекистон Республикаси)* орасидан Sturgeon Capital LTD компанияси ғолиб деб топилди ва у билан шартнома имзоланди;

д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5083-сон Қарори доирасида «Қизилқумгеология» , «Сурхонгеолгия» , «Тошкентгеолгоия» , «Самарқандгеология» ва «Ҳисоргеология» АЖлар негизида «Ўзбекгеологияқидирув» АЖ ташкил этилди;

е) давлат иштирокидаги корхоналарнинг йиғма кўрсаткичлари, шунингдек Давактив агентлиги иштирокидаги корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари, уларнинг бошқарув ва назорат органлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этишга мўлжалланган **янги сайт *(*kpi.davaktiv.uz/sitenew*)* ишга туширилди;**

ж) давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгашлари таркибига номзодларни жалб этиш бўйича танловларни ўтказиш ва номзодларни саралаш бўйича **махсус веб-портал яратилди** *(*https://cns.davaktiv.uz/uz*)*. Ҳозирда, ушбу веб-порталга давлат иштирокидаги 2 148 та корхоналарнинг бошқарув ва назорат органларидаги жами 3 974 та аъзолари тўрисидаги маълумотлар киритилиши таъминланди;

з) давлат иштирокидаги корхоналар акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши мажлисларида **электрон овоз бериш (E-Vote)** орқали **иштирок этиш** йўлга қўйилди *(олдин барча корхоналарда жойига борган ҳолда ўтказилган)*;

*Маълумот учун, бугунги кунга қадар 50 та корхоналар бошқарув органларининг 95 та йиғилишлари бевосита* ***электрон овоз бериш (E-Vote)*** *орқали амалга оширилди.*

**Олтинчидан,** рақамлаштириш соҳасида:

а) Риэлторлик ва баҳолаш соҳасида жисмоний ва юридик шахсларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз давлат хизматларини кўрсатиш мақсадида, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали 4 та давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди;

б) Давактив агентлиги ҳамда **12 та вазирлик ва идоралар ўртасида электрон ахборот алмашинуви жорий қилинди** *(Олий суд, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Кадастр агентлиги, «Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси» АЖ, «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК ва бошқалар)*.

в) Адлия вазирлиги ва Давактив агентлиги ўртасида алоҳида уй-жой (хонадон, уй, хонадоннинг ёки уйнинг бир қисми)ни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисидаги маълумотларни электрон олиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида, «order.davactiv.uz» ахборот тизими ишга туширилди.

# II ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ

## 2.1. Стратегияни ишлаб чиқиш асослари

2021–2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Стратегия илғор хорижий тажрибани, шу жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув бўйича тамойилларини ва илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарини бошқариш ва ислоҳ қилишнинг мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишларини белгилайди.

Кўплаб давлатларда бу каби ҳужжат **давлат мулки сиёсати** деб эътироф этилади.

Стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида Халқаро молия институтлари (Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки), жумладан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ва унинг техник кўмагида жалб этилган Nestor Advisors (Буюк Британия), Boytsun Governance Architects ва Kinstellar консалтинг компаниялари (консорциум) иштирок этган.

Бундан ташқари, Стратегия нормалари юзасидан жамоатчиликнинг таклиф ва мулоҳазалари олинган. Жумладан 2020 йилнинг 13 март куни Тошкент шаҳрида халқаро молия институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда мамлакатимизнинг йирик корхоналари вакиллари иштирокида Стратегия муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Натижада, 2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси, уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» ва Мақсадли кўрсаткичлар Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори билан тасдиқланди.

Стратегия доирасида:

- Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- Давлат иштирокидаги корхоналарни кескин қисқартириш;
- Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини тўлиқ бозор механизмларига ўтказиш;
- Корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш;
- Шаффофлик ва маълумотни ошкор қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланди.

## 2.2. Стратегияни амалга ошириш ҳолати

**Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича:**

1) Стратегия нормаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги **Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди** *(2022 йил 29 мартда қабул қилинди)*.

***Унда,*** *давлатнинг «Олтин акция» махсус ҳуқуқи бекор қилинди; тафтиш комиссияларини ташкил этиш мажбурияти бекор қилинди; ижро органи ва кузатув кенгаши аъзоларининг ваколат муддати уч йилга узайтирилди; давлат унитар корхоналарида кузатув кенгаши*

*жорий этилиши белгиланди; аудиторлик текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи 5 фоизга эга бўлган акциядорларга тақдим этилди.*

2) Ўзбекистон Республикасининг **«Давлат мулкини бошқариш тўғрисида» ги** Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди *(2022 йил 13 июнда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди).*

***Унда,*** *давлат мулкини бошқаришнинг асосий принциплари, давлат мулкига эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишнинг умумий қоидалари, давлат мулкини бошқариш субъектлари ва уларнинг ваколатлари, давлат мулкига нисбатан мулк ҳуқуқининг юзага келиш асослари, давлат мулки негизида корхоналарни ташкил этиш ва уларни қайта ташкил этиш, давлат мулки объектлари реестрини юритишнинг умумий қоидалари ва бошқа нормалар белгиланмоқда.*

3) Ўзбекистон Республикасининг «**Хусусийлаштириш тўғрисида»ги** Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди (Ҳозирда лойиҳа Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилмоқда).

***Унда,*** *хусусийлаштиришни амалга ошириш тартиби; хусусийлаштириш услублари; хусусийлаштирилган объектларга бўлган мулк ҳуқуқини расмийлаштириш; хусусийлаштиришдан кейинги ўтказиладиган мониторинг; хусусийлаштириш жараёнларининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини тартибга солувчи қоидалар белгиланмоқда.*

4) Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув органларига номзодларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

***Унда,*** *давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича номзодларни ва корхоналарнинг ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига номзодларни саралаш тартиби, номзодларга қўйиладиган талаблар, номзодларни саралаш босқичлари, номзодларни белгиланган мезонлар асосида баҳолаш назарда тутилган.*

**Давлат иштирокидаги корхоналар сонини қисқартириш бўйича:**

Давлат иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, уларнинг сонини қисқартириш бўйича ўтган даврда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони *(500 дан ортиқ корхоналарни хусусийлаштириш белгиланди)*;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 февралдаги ПФ-6167-сон «Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида» ги Фармони *(йирик корхоналарни хусусийлаштириш белгиланди)*;

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги «Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 350-сон қарори *(593 та корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш белгиланди)* қабул қилинди.

*Давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги улушини қисқартириш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида ушбу йиғма ҳисоботнинг ВИИ бўлимида батафсил маълумот берилган.*

Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини тўлиқ бозор механизмларига ўтказиш бўйича:

1. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг вазифаларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларга нисбатан тижорат ва нотижорат мақсадларни аниқлаш мақсадида Стратегия талабларига биринчи навбатда жорий этиладиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармонининг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган йирик корхоналари учун халқаро молия институтлари ва консултантлар жалб қилинди.

Хусусан, ҳозирда корхоналарга нисбатан тижорат мақсадлари ва нотижорат мақсадларни аниқлаш, уларни мониторингини юритиш, мулкдор ва тартибга солиш вазифаларини ажратиш, корхоналарни ишончли бошқарувга бериш тизимини, шу жумладан уларга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш учун Европа тикланиш ва тараққиёт банки кўмагида халқаро ва маҳаллий консалтинг компанияларидан *(Nestor Advisors, Boytsun Governance Architects, Ernst&Young, Kinstellar ва Avesta Investment Group)* иборат консултантлар

консорциуми жалб этилди ва амалга ошириладиган ишлар бўйича чора-тадбирлар режаси белгиланди.

2. Давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони билан **13 та** фаолият тури бўйича хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш орқали мавжуд монополияларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, жорий йил 13 июнда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган «Давлат мулкини бошқариш тўғрисида» ги қонунига асосан давлат иштирокидаги корхоналарга ва нодавлат юридик шахсларга улар хўжалик фаолиятини юритиши учун тенг шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек давлат иштирокидаги корхоналарга қўшимча имтиёзлар ва преференциялар берилмаслиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, давлат мулкига эгалик қилиш мезонларига мувофиқ бўлмаган давлат унитар корхонаси ёки давлат муассасаси хўжалик фаолиятини юритишда бошқа нодавлат юридик шахслар билан тенг шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятининг самарадорлигини, очиқлигини ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда корпоратив бошқарувни жорий этиш мақсадида хўжалик жамияти этиб ўзгартирилиши лозимлиги белгиланди.

4. Хўжалик бошқаруви органлари институтини бекор қилиш ва улар томонидан мувофиқлаштирилган иқтисодиёт тармоқларини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, Иқтисодий тараққиёт вазирлигига таклифлар киритилди.

**Корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш бўйича:**

1. Давактив агентлиги томонидан **Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича номзодларни ҳамда Давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига номзодларни саралаш тартиби тасдиқлашни назарда** тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

2. Молия вазирлиги билан биргаликда давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзолари меҳнатига **ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш** бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси шаклида Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

3. Ўзбекистон **кузатув кенгашлари мустақил аъзолари ассоциациясини** ташкил қилиш бўйича барча ташкилий ишлар амалга оширилди (ҳозирда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди).

4. Кузатув кенгашлари мавжуд 76 та давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларида 97 нафар мустақил аъзо сайланди.

Шунингдек, Жаҳон банкининг «Институционал салоҳиятни ошириш ИБЛ» лойиҳаси доирасида йирик корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо сифатида хорижий мутахассисларни «Хэдхантер» компаниялари орқали жалб этиш мақсадида 2021 йилнинг 1 декабрь куни халқаро танлов эълон қилинди.

Мазкур лойиҳа доирасида 38 та давлат иштирокидаги йирик корхоналар кузатув кенгашлари таркибига халқаро тажрибага эга бўлган 79 та мустақил аъзоларни жалб этиш, шунингдек кейинчалик давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарувига киритиш учун 100 нафар малакали ва салоҳиятли бошқарувчилар заҳирасини шакллантириш кўзда тутилган.

Ҳозирда танлов жараёнлари якунига етказилиб, келиб тушган таклифлар асосида «Strikitsa Consulting Ltd» Лтд (Буюк Британия) компаниясининг техник ва молиявий таклифи энг мақбули деб топилди.

5. Европа тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан Давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг ижро этувчи органи вакиллари ва корпоратив маслаҳатчилар учун 2021 йилнинг февраль ойида «Корпоратив бошқарув ва комплаенс» мавзусида тренинг ўтказилди.

6. Осиё тараққиёт банки экспертлари билан хамкорликда корпоратив бошқарув тизимини (кузатув кенгаши фаолиятини) баҳолашнинг (scorecard) методологияси ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжатни амалиётга татбиқ этиш мақсадида, 2021 йил 3 ва 17 ноябрь кунлари 50 та корхона учун тренинглар ўтказилди. Янги методология буйича 26 та корхонада баҳолаш ишлари амалга оширилиб, унинг натижалари кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ва «scorecard» ни такомиллаштириш учун Осиё тараққиёт банкига юборилди.

**Европа тикланиш ва тараққиёт банки кўмагида** халқаро консультант **«Ernst & Young»** компанияси томонидан давлат иштирокидаги корхоналарда **«уч ҳимоя чизиғи»** ёндашувига асосланган таваккалчиликни бошқариш тизими бўйича ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилди.

7. Давлат иштирокидаги 121 та корхонада кузатув кенгашининг қошида тегишли йўналишлар бўйича *(стратегия ва инвестициялар қўмитаси, аудит қўмитаси, тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси)* 480 та қўмита, шу жумладан, 120 тасида аудит қўмитаси ташкил этилди.

**Шаффофлик ва маълумотни ошкор қилиш борасида:**

1. Давактив агентлиги томонидан ҳар йили **давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти натижадорлиги ва Стратегияни амалга ошириш тўғрисидаги ахборотни** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига **тақдим этиш тизими йўлга қўйилди**.

Мазкур йиғма ҳисобот халқаро молия институтлари ва жалб қилинган ҳорижий экспертлар кўмагида ишлаб чиқилиб, илк бор тузилган.

2. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг **веб-сайтларини мониторинг қилиш тизими йўлга қўйилди.**

Хусусан, Давактив агентлигида тузилган махсус ишчи гуруҳ ҳар чорак якуни бўйича давлат иштирокидаги корхоналар мавжудлиги, уларнинг актуал маълумотлар билан тўлдирилганлиги ва доимий равишда янгиланиб боришини кузатиб боради.

Ўрганиш натижалари бўйича тузилган таҳлилий маълумот Вазирлар Маҳкамасига киритилди ва корхоналарга аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

*Давлат иштирокидаги корхонларнинг веб-сайтлари ҳолати тўғрисидаги батафсил маълумот мазкур ҳисоботнинг 6.2.-бандида келтирилган.*

# III ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

## 3.1. Давлат иштирокидаги корхоналар сони

2022 йил 1 январь ҳолатига давлат иштирокидаги корхоналар сони 2 144 тани ташкил этиб, шундан 231 таси акциядорлик жамиятлари (кейинги ўринларда – АЖ), 871 таси масъулияти чекланган жамият (кейинги ўринларда – МЧЖ) ва 1 042 таси давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда – ДУК) ҳисобланади. Ислоҳотлар доирасида барча ДУКлар бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга ўзгартирилади.

2021 йилда давлат иштирокидаги корхоналар сони, асосан МЧЖ ва ДУКлар[1] ҳисобига 23 фоизга қисқарган (1-диаграмма).

**1-Диаграмма. Давлат иштирокидаги корхоналар ташкилий шакл кесимида**




Давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти Тошкент шаҳрида жойлашган (1-жадвал) – 680 та ёки 32%, шулардан 320 таси ёки 47% – ДУК.

[1] *Маълумот учун:* 2021 йил 1 январь ҳолатига 2 781 та давлат иштирокидаги корхоналар мавжуд бўлган (253 та – АЖ, 1 121 та – МЧЖ ва 1 407 та – ДУК).

**1-жадвал. Давлат иштирокидаги корхоналар, ҳудудлар кесимида:**

| Ҳудуд | Корхона сони | АЖ | МЧЖ | ДУК |
|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 89 | 7 | 43 | 39 |
| Андижон вилояти | 92 | 7 | 53 | 32 |
| Бухоро вилояти | 110 | 16 | 47 | 47 |
| Жиззах вилояти | 106 | 3 | 57 | 46 |
| Қашқадарё вилояти | 196 | 14 | 144 | 38 |
| Навоий вилояти | 83 | 7 | 48 | 28 |
| Наманган вилояти | 117 | 3 | 68 | 46 |
| Самарқанд вилояти | 122 | 6 | 73 | 43 |
| Сурхондарё вилояти | 89 | 5 | 57 | 27 |
| Сирдарё вилояти | 80 | 3 | 37 | 40 |
| Тошкент вилояти | 174 | 14 | 74 | 86 |
| Фарғона вилояти | 109 | 17 | 58 | 34 |
| Хоразм вилояти | 97 | 9 | 43 | 45 |
| Тошкент шаҳри | 680 | 120 | 240 | 320 |
| **ЖАМИ** | **2 144** | **231** | **1 042** | **871** |

Ушбу корхоналарнинг 106 тасида давлат улуши 25 фоиздан кам, 119 тасида 25 фоиздан 50 гача (50 фоиз кирмаган) ва қолган 1 919 тасида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ ҳисобланади.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг 304 таси тугатиш жараёнида, 143 таси фаолиятсиз, 85 таси тўловларни бўлиб тўлаш шарти билан сотилган, 17 тасига нисбатан банкротлик таомили қўлланилган, 10 таси бошқа юридик шахслар устав капиталига берилиши белгиланган, 1 586 таси фаолият юритаётган корхоналар ҳисобланади.

Давлат корхоналарининг энг катта улуши бозорлар ва савдо мажмуаларига тўғри келади (2-диаграмма) (26%). Шунингдек, йўл-транспорт инфратузилмаси (15%) ва ижтимоий соҳа, туризм ва фармацевтика соҳасида (8%) давлат корхоналари кўп. Йўл-транспорт инфратузилмасидаги кўпчилик корхоналар ДУК шаклида фаолият юритади (тармоқдаги барча корхоналарнинг 89%).

**2-Диаграмма. Давлат иштирокидаги корхоналар сони соҳалар кесимида**




## 3.2. Давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор (иштирокчи, мулкдор) функциясини бажарувчи органлар

Давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор (иштирокчи, муассис) функцияси **72 та** вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилади.

Хусусан, (3-Диаграмма) Давактив агентлиги – 390 та корхонада (жами давлат корхоналарининг 18,2 фоизи), Автомобиль йўллари қўмитаси – 258 та (12 фоиз), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – 74 та (3,4 фоиз), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – 48 та (2,2 фоиз), Молия вазирлиги – 44 та (2,0 фоиз), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси – 39 та (1,8 фоиз), Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 38 та (1,7 фоиз) ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари – 846 та (39,5 фоиз) мулкдор функциясини бажариб келмоқда *(шундан энг кўпи Тошкент шаҳар ҳокимлигида 135 та, Қашқадарё вилояти ҳокимлигида 112 та)*.

Автомобиль йўллари қўмитаси бошқарувида бўлган корхоналарнинг катта фоизини ДУКлар ташкил этади (97%). Барча ДУКлар ўртасида энг кўпи ушбу қўмитага тегишли (24%). Шунингдек, ДУКларнинг салмоқли фоизи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бошқарилади (20%).

**3-Диаграмма. Давлат иштирокидаги корхоналар, мулкдор функцияларини бажарувчи органлар кесимида.**




## 3.3. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг йиғма кўрсаткичлари

Давактив агентлиги томонидан давлат иштирокидаги корхоналар молия-хўжалик фаолиятини таҳлил ва мониторингини амалга ошириш мақсадида манфаатдор вазирлик, идораларнинг, хусусан:

– молиявий ҳисоботлар бўйича Давлат солиқ қўмитаси;

– корхоналар томонидан амалга оширилган импорт, экспорт ва божхона омборларида 3 ойдан ортиқ сақланаётган товарлар бўйича Давлат божхона қўмитаси;

– корхоналарнинг ишчилар сони ва таркиби бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;

– корхоналар томонидан амалга оширилган харидлар бўйича «Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси» АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Электрон кооперация порталининг (cooperation.uz) ахборот тизими билан ўзаро ахборот алмашинуви йўлга қўйилган[1].

Мавжуд маълумотлар асосида ҳисоботлари тақдим этилган жами 1 743 та давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2021 йил якуни бўйича фаолияти таҳлил қилинди (4-Диаграмма).

2021 йилда давлат корхоналаридан солиқлар ва дивидендлар кўринишидаги даромадлар давлат бюджети даромадларининг 40,5 фоизини ташкил этди. Давлат корхоналарида бандлик аҳоли бандлигининг 4,2 фоизини ташкил этди. Ялпи қўшилган қийматдаги давлат корхоналарининг улуши 22,8 фоизни ташкил этди.

Битимлар сони бўйича давлат корхоналари 58% дан ортиқни ташкил қилади. Ҳаммаси бўлиб, фонд бозоридаги битимларнинг умумий ҳажмининг 18% дан зиёдроғи.

---

[1] *Ушбу ҳисоботда келтирилган маълумотлар давлат иштирокидаги корхоналар тўғрисида Давактив агентлигида мавжуд маълуотлар асосида шакллантирилган, айрим корхоналар томонидан молиявий ва бошқа ҳисоботлари аудиторлик текширувдан кейин қайтадан топширилган ёки ўзгартирилган бўлиши мумкин.*

**4-Диаграмма.**




**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИДА**

2021 йилда 52 681,5 млрд. сўм солиқ ва 13 965 млрд. сўм дивидендлари Давлат бюджетига тўланган




**ЖАМИ БАНД АҲОЛИСИГА НИСБАТАН**

Давлат иштирокидаги корхона ва уларнинг тизим ташкилотларида банд аҳоли сони 575,6 минг нафар.




**ЯЛПИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТДАГИ УЛУШИ**

2021 йилда давлат иштирокидаги корхоналар томонидан 155 471,8 млрд. сўмлик ялпи қўшилган қиймат яратилган




**ФОНД БОЗОРИДАГИ ИШТИРОКИ**

«Тошкент» РФБда давлат иштирокидаги корхоналар томонидан 234,5 млрд. сўмлик битимлар амалга оширилган, битимлар сони 41,4 мингта, корхоналарнинг капиталлашув даражаси 47 520 млрд. сўм

## Давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги улуши[1]

## Жами активлари

Корхоналарнинг жами активлари 1 142 057,2 млрд. сўмни ташкил этиб (5-Диаграмма), ўтган йилга (949 445,1 млрд. сўм[2]) нисбатан 17 фоизга ўсган. Бунда активларнинг 91 фоизи 51 та йирик корхоналар *(1 042 866,4 млрд. сўм)*, шу жумладан 12 та тижорат банклари *(598 858,1 млрд. сўм)* ва 2 та суғурта компаниялари *(1 366,4 млрд. сўм)* ҳиссасига тўғри келади (1-жадвал)[3].

**Активлари юқори бўлган корхоналар** жумласига:

***– йирик корхоналардан***:

- «Навоий КМК» –121 236,2 млрд. сўм *(ўсиш 4 баробар, корхона қайта ташкил этилиши муносабати билан мол-мулкларини баҳолаш ҳисобига кўпайган);*
- «Ўзбекнефтгаз» АЖ – 74 408,6 млрд. сўм *(ўсиш 114,3%);*
- «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ – 31 729,6 млрд. сўм *(106%)*;
- «Ўзтрансгаз» АЖ – 30 893,3 млрд. сўм *(116%);*
- «Олмалиқ КМК» АЖ – 30 356,4 млрд. сўм *(129%);*
- «Ўзбекистон хаво йўллари» АЖ – 20 197,2 млрд. сўм *(105%)*;

***– тижорат банкларидан***:

- «Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки» АЖ – 130 943,9 млрд. сўм *(ўсиш 108,7%);*
- «Агробанк» АЖ – 78 540,3 млрд. сўм *(ўсиш 111,5%);*
- «Асакабанк» АЖ – 76 144,3 млрд. сўм *(ўсиш 100%);*
- «Ўзсаноатқурилишбанк» АЖ – 71 823,6 млрд. сўм *(ўсиш 110,6%);*

«Ипотека банк» АЖни – 69 191,3 млрд. сўм *(118,8%)* киритиш мумкин.

Умуман олганда, жами активлари 906 та корхоналарда ўтган йилга нисбатан кўпайган бўлса, 468 тасида камайган ва 247 тасида ўзгаришлар кузатилмаган.

Масалан, 3 та йирик корхоналарда *(«Уранкамёбметгеология» АЖда 58%га, «Ўздонмаҳсулот» АЖда 17%га, «Ўзбеккўмир» АЖда 58%га)* камайган, 7 тасида *(«Янги Ангрен ИЭС, «Ангрен*

---

[1] *401 та фаолиятсиз ва тугатилаётган корхоналар ҳамда маълумотлари конфиденциал ҳисобланган корхоналар бўйича маълумотлар мавжуд эмас.*

[2] *– Маълумот учун: 2021 йилда (2021 йил декабрдан 2020 йил декабргача) Ўзбекистонда инфляция даражаси 10 фоизни ташкил қилди.*

[3] *– Маълумот учун: устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган 1578 та корхона активларининг қиймати 1 078 885,2 миллиард сўмни (жами активларнинг 94,5 фоизини) ташкил этади.*

*ИЭС», «Ўзагросуғурта» АЖ, «Ўзагроэкспортбанк» АЖ, «Асака банк» АЖ, «Тошкент» РФБ АЖ, «Ўзэкспомарказ» АЖ)* ўзгармаган (1-иловани каранг).

**5-Диаграмма. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активлари соҳалар кесимида (млрд. сўм)**




## Дебиторлик қарздорлик

Корхоналарнинг жами дебиторлик қарздорлиги 358 126,5 млрд. сўмни *(ўтган йилга нисбатан 8,8 фоизга ўсган)* ташкил этган, дебиторлик қарздорликнинг 93,5 фоизи ёки 334 691,0 млрд. сўми 51 та йирик корхоналарга тўғри келади.

Ўтган йилга нисбатан дебиторлик қарздорлик 582 та корхонада 4 949,1 млрд. сўмга камайган бўлса, 752 та корхонада 34 781,6 сўмга кўпайган, шунингдек, 108 та корхонада ўзгармаган.

Йирик корхоналарнинг 36 тасида 30 891,2 млрд. сўмга кўпайган:

- «Иссиқлик электр станциялари» АЖ – 4 баробарга;
- «Узбекистан Аирпортс» АЖ -171%;
- «Олмалиқ КМК – 151%;
- «Навоийазот» АЖ – 113,5%;
- «Ўзбеккўмир» АЖ – 84%;
- «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ – 50,6%.

Тижорат банклари ҳисобга олинмаганда дебиторлик қарздорликлари **энг юқори бўлган корхоналар**:

- «Ўзтрансгаз» АЖ – 18 960,7 млрд. сўм *(йил бошига нисбатан 11,1 фоизга ўсган)*;
- «Ўзбекнефтгаз» АЖ – 10 191,2 *(ўсиш 15 фоиз)*;
- «Ҳудудгазтаъминот» АЖ – 7 812,9 млрд. сўм *(ўсиш 67 фоиз)*;
- «Ўзбекистон МЭТ» АЖ -5 710,4 млрд. сўм *(ўсиш 33 фоиз)*;
- «Навоий КМК» АЖ – 3 273,4 млрд. сўм *(ўсиш 34,3 фоиз)*;
- «Ўзметкомбинат» АЖ – 2 613,5 млрд. сўм *(ўсиш 67 фоиз)*;
- «Олмалиқ КМК» АЖ – 2 452,6 млрд. сўм *(ўсиш 151 фоиз)*;

- «Ўзбекистон ҳаво йўллари» АЖ -2 139,7 млрд. сўм *(ўсиш 11%);*
- «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ – 1 243,2 млрд. сўм *(камайиш 8 фоиз);*
- «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ – 958,2 млрд. сўм *(ўсиш 51 фоиз).*

Шунингдек, дебиторлик қарздорлик қуйидаги корхоналарда:

- «Ўзбекистон темир йўллари» АЖда 114,7 млрд.сўм (8,45%);
- «Янги Ангрен ИЭС» АЖда 31,4 млрд. сўм (22,8%);
- «Фарғонаазот» АЖда 100,8 млрд. сўм (35,2%);
- «Тошкент металлургия заводи» МЧЖда 145,4 млрд. сўм (35,4%);
- «Уранкамёбметгеология» АЖда 5,7 млрд. сўм (44,8%);
- «Ўзкимёсаноат» АЖда 36,6 млрд. сўм (50,5%);
- «Тошшаҳартрансхизмат» АЖда 40,6 млрд. сўм (51,3%)га камайган.

Йирик бўлмаган корхоналарда дебиторлик қарздорлиги кўп бўлган корхоналар қаторига «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ – 1 233,1 млрд. сўм (ўсиш суръати 115,3%), «Ўзагролизинг» АЖ – 733,9 млрд. сўм (386%), «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» ДУК – 716,3 млрд. сўм (116%), «Тошиссиққуввати» ДУК – 436,3 млрд. сўм (127,4%), «Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари» МЧЖни – 420,4 млрд. сўм (416%) киритиш мумкин.

## Мажбуриятлар

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг жами мажбуриятлари 798 247,0 млрд. сўм (ўсиш суръати 113%)ни ташкил этиб, шундан банк кредитлари 110 999,4 млрд. сўм (122,2%)ни, жорий кредиторлик қарздорликлари 643 403,5 млрд. сўм (111,3%)ни ёки ЯИМга нисбатан 87,5 фоизни ташкил этган.

Жами мажбуриятларнинг давлат корхоналари активларига нисбати 2021 йилда 70 фоизни (2020 йилда 74 фоиз), банк кредитларининг активларга нисбати 10 фоизни (2020 йилда ҳам 10 фоиз) ташкил этди.

Бунда, тижорат банкларни ҳисобга олмаганда корхоналарнинг жами жорий кредиторлик қарздорлиги 102 211,8 млрд. сўм (ўсиш суръати 122,7%)ни ёки ЯИМга нисбатан 14 фоизни ташкил этган, шундан жами кредиторлик қарздорликнинг 64,4 фоизи (65 878,7 млрд. сўм) 39 та йирик корхоналарга тўғри келади (2-иловага қаранг).

Жорий кредиторлик қарздорликлари мавжуд корхоналар орасида энг кўп қарздорликлари бўлган корхоналар ичида *(тижорат банкларидан ташқари)* энг кўп қарздорлик «Ўзтрансгаз» АЖда (2021 йилда 26 692,5 млрд. сўмни ташкил қилган) (3-иловага қаранг).

## Даромадлар

Корхоналарнинг жами даромадлари 287 498,8 млрд. сўм *(2020 йилга нисбатан ўсиш суръати 121,3%)*ни ёки ЯИМга нисбатан 39 фоизни ташкил этган, жумладан тижорат банкларнинг даромадлари 51 564,7 млрд. сўм, 39 та йирик корхоналарнинг даромадлари 202 039,5 млрд. сўм, бошқа корхоналарнинг даромадлари 33 894,6 млрд. сўмни ташкил этган.

Даромадларнинг таркибида соф тушумнинг улуши 89,2 фоиз (256 685,9 млрд. сўм), молиявий даромад 8,2 фоиз (23 792,3 млрд. сўм) ва бошқа даромадлар 2,4 фоиз (7 020,5 млрд. сўм)ни ташкил этади.

**Энг кўп даромад олган** корхоналар:

- «Навоий КМК» ДК – 54 718,2 млрд. сўм (жами улуши 19%);
- «Олмалиқ КМК» АЖ – 32 250,7 млрд. сўм (11,2%);
- «Ўзтрансгаз» АЖ – 21 122,9 млрд. сўм (7,3%);
- «Ўзбекистон МЭТ» АЖ – 19 688,9 млрд. сўм (6,8%);
- «Ўзбекнефтгаз» АЖ – 14 696,0 (5,1%);
- «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ – 10 493,3 млрд. сўм (3,6%).

Ушбу корхоналарга жами даромаднинг 53,2 фоизи ёки 152 970,0 млрд. сўми тўғри келади (4-иловага қаранг).

Бунда 1 135 та корхоналарнинг даромадлари ўтган йилга нисбатан кўпайган, 348 та корхоналарда камайган, 62 та корхоналарда ўзгармаган.

**Тармоқлар кесимида** энг кўп даромад кўрган соҳалар:

- металлургия корхоналари жами даромаднинг 34 фоизи (97 419,0 млрд. сўм, ўсиш суръати 122,3%);
- тижорат банклари 19,2 фоизи (55 145,9 млрд. сўм, ўсиш 137,6%);
- нефт-газ тармоғи 16 фоизи (45 638,2 млрд. сўм, ўсиш 107%);
- йўл-транспорт инфратузилмаси 8,6 фоизи (24 703,8 млрд. сўм, ўсиш 131,4%);
- энергетика 8,4 фоизи (24 139,4 млрд. сўм, ўсиш 112%);
- ахборот технологиялари 3 фоизи, (8 683,7 млрд. сўм;
- ўсиш 124%), кимё саноати 2 фоизи (8 086,4 млрд. сўм, ўсиш 152,6%)га тўғри келади.

Умуман олганда ушбу соҳаларга давлат иштирокидаги корхоналар даромадининг 92 фоизи тўғри келади.

Тармоқлар кесимида даромадлар таҳлилига кўра, 7 та соҳаларда даромадлар ўтган йилга нисбатан камайганлигини кўриш мумкин, масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида ўртача 40 фоиз, ёғ-мой саноатида 24 фоиз, машинасозлик корхоналарида 40 фоиз, шаробсавдо базаларида 50 фоиз, енгил саноат тармоғи корхоналарида 45 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари қайта ишлаш 65 фоиз, боғдорчилик корхоналарида 58 фоизга камайган.




2021 йилда Тошкент шаҳрида жойлашган давлат корхоналарининг даромадлари 166 632,5 миллиард сўмни ёки давлат улушидаги барча даромадларнинг 58 фоизини ташкил этди. Иккинчи ўринда Навоий вилоятида жойлашган давлат корхоналари (61 159,7 млрд. сўм ёки 21%) (5-иловага қаранг).

## Харажатлар

**Корхоналарнинг жами харажатлари** 187 755,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 115,5 фоизни ташкил этган. Жумладан, харажатларнинг 72,2 фоизи *(135 679,0 млрд.сўм)ни* таннарх, 20,0 фоизи *(37 190,5 млрд. сўм)ни* давр харажатлари, 8 фоизи *(14 885,9 млрд.сўм)ни* молиявий харажатлар ташкил этган (6-иловага қаранг).

Бунда 1 175 та корхоналарда харажатлар ўтган йилга нисбатан кўпайган бўлса, 371 та корхоналарда эса, харажатлар камайган, 52 та корхоналарда ўзгармаган.

Корхоналарнинг жами харажатлари улар даромадларининг 76,2 фоизини ташкил этади. Бунда, 263 та корхоналарнинг харажатлари улар даромадларидан кўп ҳисобланади.

Таннархнинг соф тушумдаги улуши 61 фоиз (156 243,4 млрд. сўм)ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўртача 4 фоизга ўсган.

Таннарх 490 та корхоналарда ўтган йилга нисбатан ўсган бўлса, 294 тасида камайган, 168 тасида ўзгармаган.

Шунингдек, 74 та корхоналарда таннарх соф тушумдан ва 47 та корхоналарда эса уларнинг жами даромадидан юқори ҳисобланади, яъни, уларнинг даромадлари ишлаб чиқарилган маҳсулотлари (хизматлари) **таннархни қоплашга етмайди**.

## Соф фойда ва зарар

2021 йил якуни бўйича ҳисоботлари мавжуд жами 1 743 та корхоналардан 1 408 таси 32 070,6 млрд. сўм соф фойда кўрган (ўсиш суръати 126 фоиз) бўлса, 335 та корхоналар ўз фаолиятини жами 8 946,7 млрд. сўм сўм зарар билан якунлаган (ўсиш суръати 123,7 фоиз).[1]

Шундай қилиб, 2021 йил учун давлат корхоналари портфелининг соф фойдаси 23 123,90 миллиард сўмни, активлар рентабеллиги 2 фоизни ташкил этди (7-иловага қаранг).

**Соф фойданинг:**

– 77,6 фоизи (24 898,1 млрд. сўм) 30 та йирик корхоналарга *(«Навоий КМК» ДК 11 459,3 млрд. сўм, «Олмалиқ КМК» АЖ 5 359,9 млрд.сўм, «Ўзбекнефтгаз» АЖ 3 348,8 млрд. сўм, «Ўзметкомбинат» АЖ 1 471,5 млрд. сўм)*;

– 13 фоизи (4 159,4 млрд. сўм) 10 та тижорат банкларига *(«Ўзсаноатқурилишбанк» АЖ 993,0 млрд. сўм, «Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки» АЖ 981,6 млрд. сўм, «Асакабанк» АЖ ва «Асакабанк» АЖ 722,6 млрд. сўмдан);*

9,4 фоизи (3 013,1 млрд. сўм) бошқа 1 368 та корхоналарга *(«УЗБАТ» АЖ 725,3 млрд. сўм, «Ўзбек-Уммон инвестиция компанияси» МЧЖ 122,0 млрд. сўм, «Ўзаэронавигация маркази» ДУК 96,9 млрд. сўм)* тўғри келади.

**Жами зарарнинг:**

62,2 фоизи (5 564,7 млрд. сўм) 9 та йирик корхоналарга *(«Ўзтрансгаз» АЖ – 2 515,8 млрд. сўм, «Ўзбекистон МЭТ» АЖ – 2 105,2 млрд. сўм, «Янги Ангрен ИЭС» АЖ – 304,0 млрд. сўм, «Ҳудудгазтаъминот» АЖ-301,9 млрд. сўм)*;

24,3 фоизи (2 203,6 млрд. сўм) 2 та тижорат банкларига *(«Халқ банки» АЖ -2 186,8 млрд.сўм, «Ўзсаноатэкспортбанк» АЖ – 16,7 млрд. сўм);*

13,2 фоизи (1 178,5 млрд. сўм) бошқа 324 та корхоналарга *(«Тошиссиққуввати» ДУК – 534,3 млрд. сўм, «Ангрен иссиқлик энергияси» ДУК – 68,3, «Тошкент иссиқлик маркази» ДУК – 53,6 млрд. сўм, «Ўзавтотранс сервис» МЧЖ – 51,5 млрд. сўм)* тўғри келади.

Мазкур корхоналарнинг зарар кўриб фаолият юритишининг асосий сабаби, улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг (кўрсатиладиган хизматларнинг) реализация қилиниши уларнинг таннархидан паст эканлиги ҳисобланади.

---

1 – *Маълумот учун: 2020 йил якуни бўйича 1 420 та корхона 25 444,5 млрд. сўм соф фойда кўрган бўлса, 323 та корхона 7 231,2 зарар кўрган.*

## Энг кўп соф фойда (ТОП-30) кўрган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати

*(млрд.сўм)*

| № | Номи | соф фойда | | Ўсиш сурати, % | Жами фойдадаги улуши, % |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2020 йил | 2021 йил | | |
| **Жами** | | **23 221,0** | **30 009,0** | **129,2** | **100,0** |
| **Тижорат банклари** | | **3 620,7** | **4 108,0** | **113,5** | |
| 1 | «Ўзсаноатқурилишбанк» АЖ | 798,2 | 993,0 | 124,4 | 3,3 |
| 2 | «Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки» АЖ | 1 182,1 | 981,6 | 83,0 | 3,3 |
| 3 | «Асакабанк» АЖ | 457,7 | 722,6 | 157,9 | 2,4 |
| 4 | «Ипотекабанк» АЖ | 457,7 | 722,6 | 157,9 | 2,4 |
| 5 | «Қишлоққурилишбанк» АЖ | 224,7 | 317,6 | 141,4 | 1,1 |
| 6 | «Агробанк» АЖ | 211,3 | 192,2 | 91,0 | 0,6 |
| 7 | «Туронбанк» АЖ | 118,9 | 101,0 | 84,9 | 0,3 |
| 8 | «Алоқабанк» АЖ | 170,1 | 77,3 | 45,5 | 0,3 |
| **Йирик корхоналар** | | **18 660,9** | **24 780,7** | **132,8** | |
| 9 | «Навоий КМК» ДК | 10 183,8 | 11 459,3 | 112,5 | 38,2 |
| 10 | «Олмалиқ КМК» АЖ | 3 944,9 | 5 359,9 | 135,9 | 17,9 |
| 11 | «Ўзбекнефтгаз» АЖ | 3 293,0 | 3 348,8 | 101,7 | 11,2 |
| 12 | «Ўзметкомбинат» АЖ | 220,3 | 1 471,5 | 668,0 | 4,9 |
| 13 | «Навоийазот» АЖ | 35,2 | 779,8 | 2 214,0 | 2,6 |
| 14 | «Ўзбектелеком» АЖ | 69,3 | 473,9 | 683,4 | 1,6 |
| 15 | «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ | 34,1 | 400,4 | 1 175,3 | 1,3 |
| 16 | «Иссиқлик электр станциялари» АЖ | 89,8 | 360,1 | 400,9 | 1,2 |
| 17 | «Фарғонаазот» АЖ | 292,6 | 348,8 | 119,2 | 1,2 |
| 18 | «Агрокластер» МЧЖ | 82,0 | 194,8 | 237,5 | 0,6 |
| 19 | «Ўзбекистон Республикси Товар ҳом ашё биржаси» АЖ | 94,8 | 140,1 | 147,7 | 0,5 |
| 20 | «Ўзавтосаноат» АЖ | 160,3 | 136,5 | 85,1 | 0,5 |
| 21 | «УМС» МЧЖ | 31,7 | 96,5 | 304,3 | 0,3 |
| 22 | «Ўзбекистон ҳаво йўллари» АЖ | **-755,7** | 53,8 | | 0,2 |
| 23 | «Ўзкимёсаноат» АЖ | 40,8 | 53,4 | 130,9 | 0,2 |
| 24 | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ | 37,7 | 51,9 | 137,8 | 0,2 |
| 25 | «Ўзбекгэофизика» АЖ | 50,5 | 51,4 | 101,9 | 0,2 |
| **Бошқа корхоналар** | | 939,4 | **1 120,4** | **119,3** | |
| 26 | «УЗБАТ АО» АЖ | 740,4 | 725,3 | 98,0 | 2,4 |
| 27 | «Ўзбек-Уммон инвестиция компанияси» МЧЖ | 86,4 | 122,0 | 141,1 | 0,4 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 28 | Тошкент вино комбинати АЖ | 91,7 | 116,2 | 126,6 | 0,4 |
| 29 | «Ўзаэронавигация маркази» ДУК | -6,6 | 96,9 | | 0,3 |
| 30 | «Пойтахт қурилиш ва хизмат» ДУК | 20,8 | 60,0 | 288,0 | 0,2 |

## Энг кўп зарар (ТОП 20) кўрган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати

*(млрд.сўм)*

| № | Номи | Зарар | | Ўсиш сурати, % | Жамиятдаги улуши, % |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2020 йил | 2021 йил | | |
| **Жами** | | **-4 774,1** | **-8 112,4** | **169,9** | **100,0** |
| **Тижорат банки** | | **505,1** | **-2 186,8** | | **27,0** |
| 1 | «Халқ банки» АЖ | 505,1 | -2 186,8 | | |
| **Йирик корхоналар** | | **-4 936,3** | **-5 546,2** | **112,4** | **68,4** |
| 2 | «Ўзтрансгаз» АЖ | -3 683,9 | -2 515,8 | 68,3 | |
| 3 | «Ўзбекистон МЭТ» АЖ | 5,4 | -2 105,2 | | |
| 4 | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | -245,6 | -304,0 | 123,8 | |
| 5 | «Ҳудудгазтаъминот» АЖ | -454,6 | -301,9 | 66,4 | |
| 6 | «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ | 0,0 | -127,6 | | |
| 7 | «Тошкент металлургия заводи» МЧЖ | -379,9 | -104,1 | 27,4 | |
| 8 | «Ангрен ИЭС» АЖ | -177,7 | -87,6 | 49,3 | |
| **Бошқа корхоналар** | | **-342,9** | **-379,4** | **110,6** | **4,7** |
| 9 | «Тошиссиққуввати» ДУК | -605,2 | -534,3 | 88,3 | |
| 10 | «Ангрен иссиқлик энергияси» ДУК | -54,6 | -68,3 | 125,0 | |
| 11 | «Тошкент иссиқлик маркази» ДУК | -12,3 | -53,6 | 434,1 | |
| 12 | «Ўзавтотранс сервис» МЧЖ | -25,7 | -51,5 | 200,3 | |
| 13 | «Бунёдкор ФК» МЧЖ | -32,8 | -37,0 | 112,8 | |
| 14 | «Голд Моон Ташкент» МЧЖ | -20,2 | -30,5 | 151,0 | |
| 15 | «Пахтакор ФК» МЧЖ | -82,8 | -30,3 | 36,7 | |
| 16 | «Чирчик ИЭИЧК» ДУК | -36,9 | -27,2 | 73,8 | |
| 17 | «Тошкент метрополитени» ДУК | -35,9 | -24,7 | 68,6 | |
| 18 | «Олмалиқ иссиқлик манбаи» МЧЖ | -6,6 | -19,9 | 300,7 | |
| 19 | «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖ | -20,5 | -18,6 | 91,1 | |
| 20 | «Тошкент вилоят иссиқлик манбаи ишлаб чиқариш бошқармаси» ДУК | -14,6 | -17,8 | 122,4 | |

Соҳалар кесимида зарар кўрган корхоналар бўйича маълумот 8-иловада келтирилган.

Тармоқлар кесимида корхоналар зарар кўриб фаолият юритиш сабаблари:

| | |
|---|---|
| ***а) Иссиқлик таъминоти корхоналари*** | • марказлашган иссиқлик таъминоти тизими, магистрал ва тақсимловчи иссиқлик тармоқлари ҳамда марказий қозонхоналар эскирганлиги;<br>• иссиқлик энергияси кўп миқдорда йўқотилаётганлиги *(ўртача 48,5%)*;<br>• истеъмолчиларнинг йилдан йилга қисқариб бораётганлиги *(аҳоли томонидан газ ёки муқобил иситиш тизимига ўтилаётганлиги)*. |
| ***б) Ёғ-мой корхоналари*** | • коронавирус пандемияси, техник пахта чигитини биржа савдолари орқали эркин сотиб олиниши натижасида чигит нархларининг кескин ошиб кетиши сабабли хом-ашё етишмовчилигидан корхоналарнинг тўлиқ қувватда ишламаслиги;<br>• кластерлар томонидан етиштирилган пахта маҳсулотлари тўлиқлигича уларнинг ўзлари томонидан қайта ишланаётганлиги;<br>• айланма маблағлари билан етарли даражада таъминланмаганлиги, натижада банкдан кредит маблағлари жалб этилиши ҳисобига фоиз харажатлар корхоналар учун норентабел бўлиши. |
| ***в) Электр энергия таъминоти тизимидаги корхоналар*** | • валютада жалб қилинган кредитлар бўйича валюта курси фарқи *(масалан, «Ангрен ИЭС» АЖ – 119,0 млрд. сўм, «Янги Ангрен ИЭС» АЖ – 115,0 млрд. сўм)*, етказиб берилган иссиқлик энергияси учун маблағларнинг вақтида тўланмаслиги, нархларнинг пастлиги, энергоблокларнинг паст қувватда ишлаши, кўмир ёқилғиси табиий газга нисбатан қимматлиги. |
| ***г) Газета, журнал ва босма нашриёт корхоналари*** | • жамоатчилик учун чиқариладиган янгилик, ахборот ва хабарларнинг тезкор «онлине» интернет нашрлари томонидан эълон қилиниб борилаётганлиги *(масалан Кун.уз, Дарё.уз, Қалампир.уз, блогерлар)*;<br>• харажатлар мақбуллаштирилмаганлиги, яъни босма дастгоҳлар, қоғоз, канцелярия маҳсулотлари ва ишчи кучига ортиқча маблағлар сарфланаётганлиги;<br>• газета ва журналларга талаб кескин камайиб кетганлиги; |
| ***д) Йўл-транспорт инфратузилмаси*** | • коронавирус пандемияси сабабли халқаро йўналишладаги қатновлар чекланганлиги, йўловчилар оқимининг пастлиги, чекланган тариф асосида аҳолига хизмат кўрсатилиши;<br>• асосий воситаларнинг эскирганлиги ва эхтиёт қисмлар нархи қимматлиги;<br>• қурилиш моллари хом-ашёсининг нархи ошиб кетганлиги;<br>• энергия ресурслари, тижорат банк кредитлари ва бошқа қарздорликлар сабабли МИБ ва бошқа ташкилотлар томонидан ҳисоб рақамларига таъқиқ қўйилиши; |
| ***е) Бошқа корхоналар*** | • қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг орқали сотиш ҳажмларининг камайганлиги;<br>• фаолиятнинг айрим турлари бўйича рухсат берувчи сертификат (лицензия) муддатининг тугаганлиги;<br>• савдода хусусий сектор ривожланганлиги сабабли, рақобатга бардош бера олмаётганлиги;<br>• ёқилғи сарфи ошиши, хорижий кредит маблағлари жалб қилиниши сабабли манфий курс фарқи. |

Давактив агентлиги томонидан 2021 йил якуни бўйича давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлил қилиниб, натижаси бўйича, 255 та зарар кўрган *(154 та)* ва иқтисодий таваккалчилик ҳолатидаги *(101 та)* корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилган ва 2022 йил 29 апрелда Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Натижада, жами 169 та *(зарар кўрган 94 та) ва (иқтисодий таваккалчилик ҳолатидаги 75 та)* давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича 2022 йилга мўлжалланган «йўл хариталари» юқори турувчи ташкилоти ва мулкдорлари билан бирга ишлаб чиқилди.[1]

Ушбу 169 та корхоналар бўйича ишлаб чиқилган «йўл хариталари» да белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида корхоналарга 1 181,1 млрд сўмлик инвестициялар жалб этилиши, ўтган йилга нисбатан қўшимча 1 230,3 млрд сўм миқдоридаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва пировард натижада 49,0 млрд сўм соф фойда олиниши кўзда тутилмоқда (9-иловага қаранг).

## Бюджетга тўловлар

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан 2021 йилда давлат бюджетига жами 52 681,5 млрд. сўм (ўсиш суръати 106 фоиз) солиқ тўловлари тўланган бўлиб, давлат бюджети даромадларининг 32 фоизини ташкил этган. Жумладан, Давлат бюджети даромадларининг 10,2 фоизи «Навоий КМК» ДК, 5,4 фоизи «Олмалиқ КМК» АЖ, 3,1 фоизи «Ўзбекнефтгаз» АЖ, 2 фоизи «Ўзтрансгаз» АЖ, 1,3 фоизи «Ҳудудгазтаъминот» АЖ, 1,2 фоизи «УЗБАТ» АЖ томонидан тўланган солиқларга тўғри келади *(бошқа йиғимлар ва дивидендлар ҳисобга олинмаганда)*.

Шу билан бирга, 2021 йилда давлат иштирокидаги 846 та корхоналар 23 267,6 млрд. сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланган (10-иловага қаранг).

Тўланган солиқларнинг 82 фоизи ёки 43 354,1 млрд. сўми 39 та йирик корхоналар ҳиссасига, 3,8 фоизи ёки 1 976,6 млрд.сўми 12 та тижорат банкларига ва 14 фоизи ёки 7 350,8 млрд.сўми қолган 1 692 та давлат иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади (11-иловага қаранг).

## Дивиденд

2021 йилда 1 233 та давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасидан давлат улуши бўйича жами 11 454,1 млрд. сўм дивиденд ва ажратмалар тўланиши режалаштирилган бўлиб, амалда 1 269 та корхоналар томонидан 13 965,0 млрд. сўм *(прогнозга нисбатан 122 фоиз)* дивиденд ва ажратмалар давлат бюджетига тўланган, 2020 йил *(9 826,7 млрд. сўм)га* нисбатан 1,4 баробар ва 2019 йил *(2 763,0 млрд. сўм)га* нисбатан эса, 5 баробарга кўпайган.

Бунда, тўланган дивидендлар Давлат бюджети жами даромадларининг 8,5 фоизини ташкил этган (12-иловага қаранг)[2].

---

[1] *Маълумот учун: 2021 йилда зарар кўрган ва иқтисодий таваккалчилик ҳолатидаги 44 та корхоналар бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд эмас (шундан, 23 таси фаолиятсиз ва тугатиш жараёнида, 12 таси 2022 йилнинг ўтган даврида барқарорлашган, 5 таси бюджет ва ҳомийлик маблағлари ҳисобига молиялаштирилади, 4 таси сотиш ва қайта ташкил этиш жараёнида).*

[2] *– Маълумот учун: 2021 йилда тўланган дивидендларнинг 93 фоизи 5 та йирик корхона ҳиссасига тўғри келади («Навоий КМК» – 9 955,1 млрд. сўм, «Олмалиқ КМК» АЖ – 2 445,2 млрд. сўм, «Ўзбекнефтгаз» АЖ – 690,5 млрд. сўм, «Coscom» МЧЖ – 142,3 млрд. сўм, ва «Ўзметкомбинат» АЖ – 131,3 млрд. сўм).*

**7-диаграмма. 2019–2021 йилларда давлат иштирокидаги корхоналар томонидан тўланган дивидендлар тўғрисида маълумот**




Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан жами тўланган дивидендлар (13 965,0 млрд. сўм) ва солиқларни (52 681,5 млрд. сўм) қўшиб ҳисоблаганда (жами 66 645,5 млрд. сўм), Давлат бюджети даромадларининг 40,4 фоизини ташкил этади.

## Импорт ва экспорт




**ЭКСПОРТ**

**194** та давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг тизим корхоналари томонидан **5 305,0 млн. долларлик** товарлар **экспорт қилинган**




**ИМПОРТ**

**298** та давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг тизим корхоналари томонидан жами **7 663,1 млн. долларлик** товарлар **импорт қилинган**

2021 йил якуни бўйича 194 та давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг тизим корхоналари томонидан 5 305,0 млн долларлик товарлар экспорт қилинган *(режага нисбатан 21,7 фоизга, 2020 йилга нисбатан 26,5 фоизга кўпайган)*. Бунда, корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт хажми республика жами экспортининг 32 фоизини ташкил этган.

Шунингдек, 36 та корхоналарда экспорт бўйича белгиланган режа кўрсаткичи бажарилмаган, жумладан, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар – 10 та, ахборот технологиялари корхоналари – 4 та, йўл-транспорт, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва электротехника тармоғи корхоналари – 3 тадан ва бошқалар – 10 та.

Шу билан бирга, 2021 йил давомида 298 та давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг тизим корхоналари томонидан жами 7 663,1 млн долларлик товарлар импорт қилинган ёки жами республика импортининг 30 фоизини ташкил этган *(2020 йилга нисбатан ўсиш – 34,0%)*.

Бунда, импорт хажмининг асосий қисми машинасозлик ва электротехника – 32,0 %, металлургия – 18,8 %, нефть ва газ – 11,0 % ахборот технологиялари – 7,0%, йўл-транспорт – 6,4 %, молия ташкилотлари – 6,2 %, энергетика – 5,5 %, кимё саноати соҳасига – 2,7% тўғри келади.

## Ижроия органи фаолияти самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (KPI)

2021 йил якуни бўйича тугатиш жараёнида бўлган, фаолият юритмаётган, банкротлик таомили қўлланилган, бўлиб тўлаш шарти билан сотиш ҳамда тижорат банкларини ҳисобга олмаганда 1 657 та корхонада ижроия органи самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (кейинги ўринларда – СМК) жорий этилиши белгиланган.

Шундан, 1 283 та *(77,4 фоиз)* давлат иштирокидаги корхоналар томонидан Давактив агентлиги расмий веб-сайтига 2021 йил якуни бўйича жойлаштирилган СМК натижалари қуйидагича:

620 таси (45,2 фоиз) юқори даражада баҳоланган *(100 фоиздан ошган)*;
138 таси (10,8 фоиз) етарли *(90 фоиздан ошган)*;
155 таси (11,1 фоиз) ўрта *(80 фоиздан ошган)*;
193 таси (14,1 фоиз) етарли эмас *(60 фоиздан ошган)*;
64 таси (4,7 фоиз) паст *(40 фоиздан ошган)*;
202 таси (14,7 фоиз) қониқарсиз даражада *(40 фоиздан кам)*.

**9-диаграмма. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг асосий кўрсаткичлари**




## Ишчилар сони

Давлат иштирокидаги корхоналарда уларнинг тизим корхоналари билан бирга жами 575 667 нафар ишчи-ходимлар фаолият юритиб, бу рақам республика бўйича банд аҳолининг 4,2 фоизини ташкил этади. Жумладан, ишчиларнинг 113 788 нафар (20 фоиз)и маъмурий бошқарув ходимлари, қолган 453 812 нафари уларнинг тизимидаги корхоналар ишчилари ҳисобланади.

Ишчиларнинг 74 фоизи ёки 42,4 минг нафари 6 та тармоқларга тўғри келади *(йўл-транспорт инфратузилмаси 148,0 минг, Металлургия 107,7 минг, Нефт-газ 50,2 минг, кимё саноати 48,2 минг, Банклар 40,8 минг, Ахборот технологиялари 31,5 минг)*.

Ишчиларнинг ўртача 65,4 фоизи ёки 384,4 минг нафари эркаклар ҳамда 34,6 фоизи ёки 191,3 минг нафари аёллар ҳисобланади.

Бунда банклар, ижтимоий соҳа, фармацевтика, нашриёт, енгил саноат, электротехника тармоқларида аёллар жами ишчиларнинг ўртача 50 фоизни ташкил этади.

Шунингдек, энергетика, коммунал уй-жой қурилиш ва сув хўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, геология, алкоголь махсулотларини ишлаб чиқариш, лизинг, эркин иқтисодий зоналарда аёлларнинг улуши ўртача 20 фоизни ташкил этади.

### Давлат иштирокидаги корхоналарнинг ишчилари

*(минг нафар)*

| Номи | Корхона сони | Жами ишчилар | Маъмурий бошқарув ходимлари | Тизим корхоналари ишчилари | Эркаклар | Аёллар | Улуши, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Жами** | **1 743** | **576** | **114** | **454** | **384** | **191** | **100,0** |
| Йўл-транспорт инфратузилмаси | 288 | 148 | 25 | 123 | 103 | 45 | 25,7 |
| Металлургия | 8 | 108 | 12 | 95 | 70 | 38 | 18,7 |
| Нефт-газ | 44 | 50 | 6 | 43 | 35 | 15 | 8,7 |
| Кимё саноати | 10 | 48 | 17 | 31 | 29 | 19 | 8,4 |
| Банк | 15 | 41 | 7 | 34 | 23 | 18 | 7,1 |
| Ахборот технологиялари | 59 | 31 | 3 | 29 | 21 | 10 | 5,5 |
| Бошқа соҳалар | 1 319 | 149 | 44 | 99 | 103 | 46 | 25,9 |

## 3.4. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг капитал бозоридаги иштироки

**10-диаграмма. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг капитал бозоридаги иштироки**




2022 йилнинг 1 январь ҳолатига Фонд биржаси листингидаги 137 та акциядорлик жамиятларидан 77 тасида *(56,2 фоиз)* давлат улуши мавжуд бўлиб, улар томонидан 41 477 та *(жами битимлар сонининг 58,02 фоизи)* ёки 234,54 млрд. сўмлик *(жами битимлар суммасининг 18,61 фоизи)* битимлар тузилган.

# «НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АЖ

## Компания тўғрисида маълумот

Компаниянинг асосий фаолияти қимматбаҳо металларни қазиб олиш, таркибида қимматбаҳо ва ноёб металлар мавжуд бўлган саноат маҳсулотларини қайта ишлаш, аффинаж қилинган олтинни сотишдан иборат. Компания маҳсулотлари миллий ва халқаро бозорларда юқори баҳоланади.

**Муҳим фактлар:**

**Ташкил қилинган сана:** 1958 йил.

**Маҳсулотлари:** 100 дан ортиқ номланишда.

**Минерал ресурслари. Умумий ресурслар:** 2 469,5 млн тонна, шундан, олтин 2 422,5 млн тонна, кумуш 47,0 млн тонна.

**Ходимлар сони:** 45 минг нафардан кўпроқ.

**Эгаллаб турган майдон:** 35,9 минг гектар.

Компаниянинг асосий ишлаб чиқариш активлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– 7 та гидрометаллургия комплекси;
– 2 та олтинни уюмда ишқорлаш цехлари;
– 13 та асосий конлар.



**Ж.А. Қўчқоров**



**Қ.С. Санақулов**

**Давлат улуши** – 100%

Кузатув кенгаши аъзолари ва аудитор

**Раис:** Ж.А. Қўчқоров

**Аъзолар:** О.К. Шадиев, Т.А. Ишметов, Р.К. Давлетов, А.Ж. Ортиқов, Б.К. Абдиназаров, О.И. Понкратова, А.Р. Жуманазаров

**Ижро органи:** Қ.С. Санақулов

**Аудитор:** Deloitte & Touche

Компания узлуксиз ишни таъминлаш учун қуйидаги ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш бўлинмаларини ташкил қилган: машиналар ва ускуналарнинг ишга яроқлилигини бир маромда сақлаш ҳамда уларнинг ўз вақтида таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича Зарафшон қурилиш бошқармаси, геология-қидирув ишларини амалга ошириш бўйича Геология-қидирув экспедицияси ҳамда Жамият бўлинмаларини электр энергияси, иситиш тизими, сув ресурслари, транспорт ва бошқа хизматлар билан таъминлаш учун Тармоқлар ва подстанциялар цехи, автокорхоналар, Моддий-техника базалари, Марказий илмий тадқиқот лабораторияси, Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармаси ва Ахборот-коммуникация технологиялар бошқармаси каби бўлинмалар ташкил қилинган.

## Ҳисобот йилидаги муҳим воқелар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги «2021–2023 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4937-сон қарорига мувофиқ 2021 йилда Марказий кон бошқармасида йилига 15 млн. тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаш имконини берувчи умумий қиймати 187,9 млн. долл. бўлган 7-гидрометаллургия заводи фойдаланишга топширилди, «Аумин-зо-Амантой маъданли майдонида олтин маъданларини қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини қуриш (ГМЗ-5)» лойиҳаси доирасида қиймати 111 млн. долл. бўлган 1- ва 2-сон тегирмон блоклари ишга туширилди. Ундан ташқари, 2-гидрометаллургия заводида умумий қиймати 26,0 млн. долл. бўлган 31-сон тегирмон блоки фойдаланишга топширилди.

2021 йилда «Навоий КМК» АЖ томонидан 51,2 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 11,3 фоизни ташкил қилди.

Комбинат фаолиятининг 2021 йил якуни бўйича соф фойдаси10,7 триллион сўмни ташкил этиб, рентабеллик даражаси 44,6 фоизга тенг бўлди.

2021 йилда комбинат жаҳондаги етакчи олтин ишлаб чиқарувчи компаниялар рейтингида 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

## Барқарор бизнес мақсадлар

Жамият фаолиятининг асосий мақсади даромад олиш мақсадида қимматбаҳо металларни қазиб олиш ҳисобланади.

Шунингдек, жамият ўз фаолиятини кон ва металлургия ишлаб чиқариш соҳасидаги давлат сиёсатига мувофиқ амалга оширишни таъминлайди.

## Ривожланиш стратегияси

«Навоий КМК» АЖ фаолиятини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга McKinsey & Company халқаро консалтинг компанияси жалб қилинган.

| 2021 йил даромад кўрсаткичлари | Прогноз (млрд сўм) | Амалда (млрд сўм) |
|---|---|---|
| Соф тушум | 48 451,9 | 51 266,5 |
| Асосий фаолиятдан олинган фойда | 24 129,0 | 27 235,5 |
| Солиққача тушум | 22 708,2 | 26 227,1 |
| Соф фойда | 10 037,7 | 10 729,8 |










### Ишлаб чиқариш суръати, фоиз




### Гендерлик нисбати



### Корпоратив бошқарув

«НКМК» АЖ ягона акциядорининг 2021 йил 29 апрелдаги 2-сон ва 2021 йил 25 майдаги 5-сон қарорларига мувофиқ ташкил қилинган Кузатув кенгаши таркиби 8 нафар аъзолардан иборат бўлиб, улардан 2 нафари мустақил аъзолар ҳисобланади.

Жамият ягона акциядорининг 2021 йил 25 майдаги 5-сон қарорига мувофиқ жамият корпоратив бошқаруви органларининг фалиятини тартибга солувчи қуйидаги ҳужжатлар тасдиқланди:

- «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги низом;
- «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом;
- «Бошқарув тўғрисида»ги низом.

«НКМК» АЖ Кузатув кенгашининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва корпоратив бошқарувининг илғор тажрибасини татбиқ этиш мақсадида Кузатув кенгаши ҳузурида:

- Аудит қўмитаси;
- Стратегия ва инвестициялар қўмитаси;
- Тайинлаш ва рағбатлантиришлар қўмитаси;
- Барқарор ривожланиш қўмитаси ташкил этилди.
- Шунингдек, «НКМК» АЖ Кузатув кенгаши ҳузурида Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилди.

Юқоридаги қўмиталарнинг ҳар бирига Кузатув кенгаши аъзоларидан 3 нафардан аъзолар сайланган ҳамда қўмиталар фаолиятини тартибга солувчи низомлар тасдиқланди.

«НКМК» АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил 20 майдаги 1-сон мажлис баённомасига асосан 5 нафардан иборат бўлган Бошқарув ташкил этилди. «НКМК» АЖда Ягона акциядор, Кузатув кенгаши ва Бошқарув ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, корпоратив бошқарув тамойилларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида жамиятда корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилди

### Ютуқлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сонли қарорига мувофиқ «НКМК» АЖ захираларининг 90 фоизини ўзида мужассамлаштирган 30 та кон захиралари бўйича JORC кодексига мувофиқ ҳисобот тайёрланди. Улардан 12 та йирик кон захираларининг ҳисоботлари SRK Consalting ва Mining One компаниялари томонидан мустақил аудитдан ўтказилди.

Кон захираларини халқаро стандартлар асосида қайта баҳолашни давом эттириш ва тайёрланган ҳисоботларини янгилаш учун Навоий шаҳрида замонавий керна сақлаш омбори қуриб битказилди. JORC кодексига мувофиқ ҳисобот тайёрлаш бўйича 7 нафар мутахассис Австралиянинг кончилик иши ва металлургия институтининг аъзолигига қабул қилинди. «НГМК» АЖ бошқармаси таркибида Ресурслар буйича директор лавозими ҳамда Минерал хом-ашё ресурслар ва Кон ишларини режалаштириш бўлимлари ташкил этилди.

«НКМК» АЖ томонидан ишлаб чиқарилган олтин сифати Лондон қимматбаҳо металлар бозорининг London Good Delivery сифатига эга.

### Йирик лойиҳалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сонли қарорига мувофиқ 2023 йилда «НКМК» АЖнинг акцияларини маҳаллий ва халқаро фонд бозорларида оммавий равишда бирламчи (IPO) ва иккиламчи жойлаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6207-сон Фармони билан 2021–2023 йилларда акциялари фонд биржаси орқали оммавий жойлаштирилиши белгиланган корхоналар рўйхатида «НКМК» АЖ ҳам ўрин олган.

Ушбу Фармон билан 2023 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий эмитентлар ўз акцияларини дастлаб республика фонд биржасида жойлаштиргандан сўнг андеррайтер тавсиясига кўра, хорижий фонд бозорларида жойлаштириши мумкинлиги белгиланган.

### Ижтимоий масъулият

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2021 йил 30 мартдаги 170-сон қарорига кўра 2021 йил 1 июндан ижтимоий соҳага оид объектлар, даволаш муассасаси ва ёрдамчи хўжалик корхоналари «НКМК жамғармаси» давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) тасарруфига ўтказилган.

Юқоридаги қарорга кўра 2021 йил 1 июндан бошлаб Жамғарма фаолиятини мувофиқлаштириш учун «НКМК» АЖ томонидан хайрия маблағлари ажратиб келинмоқда.

Хайрия маблағлари Жамғарманинг ижтимоий-маданий, даволаш, спорт-соғломлаштириш, уй-жой ва маиший хўжалик бинолари ҳамда бошқа инфратузилма объектларининг фаолияти бўйича харажатларини молиялаштириш учун мақсадли йўналтирилмоқда.

«НКМК» АЖ томонидан Жамғармага 2021 йил давомида 427,9 млрд сўм миқдорида хайрия маблағлари ажратилган.

Бугунги кунда, «НКМК» АЖ ишчи ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва пенсионерларининг ижтимоий-маданий, даволаш, спорт-соғломлаштириш, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, уй-жой, ётоқхона ва бошқа ижтимоий соҳа билан боғлиқ эҳтиёжлари Жамғарма томонидан амалга ошириб келинмоқда.

# «ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АЖ

## Компания тўғрисида маълумот

Компаниянинг асосий фаолияти сулфид рудаларни, олтин ва полиметалл таркибли рудаларни қазиб олиш ва бойитиш, тозаланган мисни, металл ҳолатидаги рухни, қимматбаҳо ва нодир металларни иккиламчи маҳсулотлар ва улар асосида қотишмаларни ишлаб чиқаришдан иборат. Компания маҳсулотлари миллий ва халқаро бозорларда юқори баҳоланади.

**Муҳим фактлар:**
**Ташкил қилинган сана:** 1949 йил.
**Маҳсулотлари:** 100 дан ортиқ номланишда.
**Минерал ресурслари. Умумий ресурслар:** 19,5 млрд. тонна; мис рудаси ресурслари: 45,3 млн. тонна.
**Экспорт ҳажми:** 1,1 млрд доллар.
**Экспорт йўналишлари:** 20 дан ортиқ мамлакатлар.
**Ходимлар сони:** 38 минг нафардан кўпроқ.
**Эгаллаб турган майдони:** 23,5 минг гектар.
**Ишлаб чиқариш майдони:** 3,5 миллион квадрат метрдан кўпроқ.

Компаниянинг асосий ишлаб чиқариш активлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– 7 та кон;
– 5 та бойитиш фабрикаси;
– 2 та металлургия заводи;
– 2 та цемент ишлаб чиқариш заводи;
– мис қувурлари ишлаб чиқариш заводи.



**А.Н. Арипов**



**А.Х. Хурсанов**

**Давлат улуши** – 98,8%

Сайланган кузатув кенгаши аъзолари ва аудитор
**КК раиси:** А.Н. Арипов

**КК аъзолари:** Б.Ф. Исламов, О.З. Насритдинходжаев, А.Ж. Ортиқов, Б.Қ. Абдиназаров, Ш.А. Вафаев, М.М. Икрамов, А.Р. Жуманазаров, Б.Б. Сидиқов.

**Ижро органи:** А.Х. Хурсанов

**Аудитор:** Ernst & Young

Компания узлуксиз ишни таъминлаш учун қуйидаги ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш бўлинмаларини ташкил қилган: юклар, хом ашё, материаллар, тайёр маҳсулот ва ходимларни ташишни таъминлайдиган автомобил, технологик транспорт ва саноат темир йўл транспорти бошқармалари;

Машиналар ва ускуналарнинг ишга яроқлилигини бир маромда сақлаш учун уларнинг ўз вақтида таъмирланишини, шунингдек эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилишини, қурилиш ишларини ва ҳ.к. таъминлайдиган марказий таъмирлаш-механик заводи; энергия тармоқлари бошқармаси, Компания бўлинмаларини электр энергия, иситиш тизими билан таъминлаш ва сув таъминоти бошқармаси; моддий-техник ресурслар, шунингдек ёнилғи-мойлаш материаллари бўйича харидлар бўлими.

## Ҳисобот йилидаги муҳим воқелар

**«Ёшлик-I» инвестиция лойиҳаси**

Компания 2017 йилдан бошлаб умумий қиймати 4,9 миллиард АҚШ долларига тенг «Ёшлик-I» мис-молибден конини ўзлаштиришга қаратилган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширмоқда. Узоқ муддатли даврда Компания олдида турган асосий вазифалар қуйидагича: янги заҳираларни ўзлаштириш; рангли, қимматбаҳо ва нодир металларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш; мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишдан иборат. Янги конда биринчи босқичда йилига 65 миллион тонна руда қазиб олинади. 60 миллион тонна мис-молибден рудани қайта ишлаш қувватига эга учинчи мис бойитиш фабрикаси («МОФ-3») қурилиши бошланган ва ундан ташқари бу ерда оҳак заводи, 650 мегаватт қувватли энергия тизими ва бошқа инфратузилма объектлари ҳам қурилади. «Ёшлик-I» инвестиция лойиҳасининг 1-босқичининг 1-навбатини 2024 йилда ишга тушириш режалашти-

рилмоқда. Шу билан бирга, қўшимча мис концентратини қайта ишлаб, 2025 йилга келиб жами 290 минг тонна мис катоди ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш мақсадида «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ мавжуд мис эритиш заводи ҳудудида тахминан 1 млрд. долларлик янги металлургия қувватларини яратиш ишлари бошланган. Ушбу ишлар лойиҳанинг биринчи босқичининг иккинчи навбати доирасида амалга оширилмоқда.

## Барқарор бизнес мақсадлар

Жамиятнинг фаолият мақсади даромад олиш ҳисобланади. Жамият шунингдек, ўз фаолиятини қуйидаги мақсадларда амалга оширади: Кон ва металлургия ишлаб чиқариши соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, экспортга маҳсулотлар сотиш ва етказиб бериш бозорларини кенгайтириш, буюртмалар портфелининг шакллантиришини ва маҳсулотнинг кафолатланган сотилишини таъминлаш.

«Олмалиқ КМК» АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қарорига асосан, НАТСН томонидан комбинатнинг 2030 йилгача бўлган узоқ муддатли ривожланиш стратегияси мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ижобий хулоса олинди.

| 2021 йил даромад кўрсаткичлари | Режа (млн. сўм) | Амалда (млн. сўм) |
|---|---|---|
| Соф тушум | 26 097 882 | 30 788 490 |
| Операцион тушум | 17 127 069 | 18 318 610 |
| Солиққача тушум | 9 015 921 | 13 932 065 |
| Соф фойда | 4 135 841 | 5 359 855 |










| Маҳсулот | Ўлчов бирлиги | 2020 йил | | 2021 йил | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | режа | амалда | режа | амалда |
| Мис катоди | т | 148 000 | 148 443 | 148 000 | 148 509 |
| Метал цинки | т | 102 000 | 80 613 | 100 000 | 90 020 |
| Сулфат кислота | т | 760 890 | 771 822 | 759 090 | 795 721 |






## Корпоратив бошқарув

2016 йил «Олмалиқ КМК» АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг қарори билан Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 2015 йил 30 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари асосида Кузатув кенгаши қошида Аудит, Харидлар, Инвестиция ва стратегиялар ва Рағбатлантириш бўйича Қўмиталар ташкил этилиб, Кузатув кенгаши аъзоларидан ҳар бир қўмитага кенгаш аъзоларидан 3 нафардан қўмита аъзолари сайланди. Қўмита ишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва Кузатув кенгаши таркибига 1 та мустақил аъзо киритилди.

## Ютуқлар

«S&P GLOBAL RATINGS» агентлигидан комбинатга «Барқарор» башоратга эга «B+» кредит рейтинги берилди;

«FITCH RATINGS» агентлигидан комбинатга қўшимча кредит рейтинги олинмоқда;

«Олмалиқ КМК»АЖ томонидан KPMG билан биргаликда «2020 йил учун «Олмалиқ КМК» акциядорлик жамиятини барқарор ривожлантириш тўғрисида ҳисобот» тайёрланди. Мазкур ҳисобот Барқарор ривожланиш соҳасида глобал ташаббуслар Стандартларига (GRI Стандартларига) мувофиқ тайёрланди ва журнал версияда (ўзбек, рус, инглиз) уч тилда нашр этилди;

Халқаро молия институтлари ва экспорт-кредит агентликлари (ECA) талабларидан келиб чиқиб «Deloitte and Touche» халқаро консалтинг ва аудит ташкилоти билан ҳамкорликда комбинатнинг операцион Молиявий модели ишлаб чиқилди;

«SRK Consulting» томонидан «Олмалиқ КМК» АЖ кон захиралари JORC (2012) кодекси асосида баҳоланди;

«Олмалиқ КМК» АЖ Лондон Қимматбаҳо металлар бозорининг аъзоси бўлиб, ишлаб чиқараётган кумуш ва олтин бўйича London Good Delivery сифатига эга.

## Йирик лойиҳалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2019 йилдаги ПҚ-4124-сонли «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2023 йилда «Олмалиқ КМК» АЖ га инвесторларни фақат акцияларни маҳаллий ва халқаро фонд бозорларида оммавий равишда бирламчи (IPO) ва иккиламчи жойлаштириш орқали жалб этиш кўзда тутилган.

«Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207 – сон Фармони билан 2021-2023 йилларда акциялари фонд биржаси орқали оммавий жойлаштирилиши белгиланган корхоналар рўйхатига мувофиқ тасдиқланган, хусусан «Олмалиқ КМК» АЖ ҳам шу рўйхатдан ўрин олган.

Ушбу Фармон билан 2023 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий эмитентлар ўз акцияларини дастлаб республика фонд биржасида жойлаштиргандан сўнг андеррайтер тавсиясига кўра хорижий фонд бозорларида жойлаштириши мумкинлиги белгиланган.

## Ижтимоий масъулият

«Олмалиқ КМК» АЖ тасаруфида 16 мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд. Мактабгача таълим ташкилотларининг (кейинги ўринларда МТТ) асосий вазифаси комбинатимизда фаолият юритаётган ишчи-ходимлар фарзандларини Мактабгача таълим билан қамраб олишдан иборат бўлиб, жами 3096 ўринли бўлган бугунги кунда тўллиқ қувватда ишламоқда. 16 та МТТдан 14 таси Олмалиқ шаҳрида жойлашган бўлиб, 2 таси Тошкент вилояти Оҳангарон туманида жойлашган. 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига МТТлардаги жами ишчи-ходимлар сони 914 нафарни ташкил этиб, улардан 439 нафари педагог ходимлар, 475 нафари ишчилар ҳисобланишади.

Санаторий-профилакторийда комбинат таркибий бўлинмаларида фаолият олиб бораётган ишчи-ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари (ота онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари) йил давомида ўз саломатликларини тиклаши, янада соғломлаштирилиши мумкин бўлади. Бошқарув раисининг тегишли буйруғи асосида ушбу объект мукаммал таъмирланиб 2021 йилнинг 19 майдан фойдаланишга топширилди. Бир кунда 214 нафаргача дам олувчиларни қамраб олиш қувватига эга.

# «ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АЖ

## Компания тўғрисида маълумот

Компаниянинг асосий фаолияти қора металл прокати, пўлат шарлар, мис ва мис маҳсулотлар, иссиқлик ўтказмайдиган материаллар, сирланган идишлар, ферросилиций ва ферросиликомарганец ишлаб чиқаришдан иборат. Компания маҳсулотлари миллий ва халқаро бозорларда юқори баҳоланади.

**Муҳим фактлар:**

**Ташкил қилинган сана:** 1944 йил.

**Маҳсулотлари:** 20 дан ортиқ номланишда.

**Экспорт ҳажми:** 93,5 млн доллар.

**Экспорт йўналишлари:** 15 дан ортиқ мамлакатлар.

**Ходимлар сони:** 10 минг нафардан кўпроқ.

**Эгаллаб турган майдон:** 412 гектар.

**Ишлаб чиқариш майдони:** 410 543 квадрат метр.

**Маъмурий бино:** 230 000 квадрат метр.

Компаниянинг асосий ишлаб чиқариш активлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1 та электр пўлат эрутивчи цехи;
- 2 та навли прокат цехи;
- 1 та ферроқотишмалар ишлаб чиқрувчи цехи;
- 1 та рангли металлар ишлаб чиқариш цехи;
- 1 та иссиқлик изоляция материалларини ишлаб чиқраиш цехи;
- 1 та пўлат сими ишлаб чиқариш цехи;
- 1 та истеъмол товарларини ишлаб чиқариш цехи.



**А.Н. Арипов**



**Р.Х. Пирматов**

**Давлат улуши** – 80,68%

Сайланган кузатув кенгаши аъзолари ва аудитор

**КК раиси:** А.Н. Арипов

**К аъзолари:** Ш.А. Вафаев, О.Р. Исаков, А.М. Бобоев, Б.Х. Каримов, А.Р. Жуманазаров, Д.Н. Каландаров, А.Э. Миралиев, Ж.С. Файзуллаев.

**Ижро органи:** Р.Х. Пирматов.

**Аудитор:** Ernst & Young

Комбинатнинг 2021–2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясига ишлаб чиқариш қуввати 2,5 миллион тоннагача оширишга қаратилган, шу жумладан 1,04 миллион тонна иссиқ ҳолда прокатланган лист ўрамалари «Қуюв прокатлаш мажмуасини қурилиши» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш билан биргаликда.

## Ҳисобот йилидаги муҳим воқеалар

Облигацияларни жойлаштириш муваффақиятли амалга оширилди. Аукцион 24 декабр куни NEGO сайтида бўлиб ўтди. «Ўзметкомбинат» АЖ номинал қиймати 5 млн. сўм бўлган 10 000 та облигация чиқарди. Жойлаштириш даври бир ярим йилни (543 кун) ташкил этди. Потенциал харидорлардан 478,5 млрд. сўм миқдорида аризалар қабул қилинди, бу комбинат облигациялари таклиф қилинган миқдордан 9,57 баравар кўп бўлди. Жойлаштиришнинг ҳақиқий ҳажми 50,6 млрд. сўмни ташкил этди. Облигациялар бўйича ҳақиқий фоиз ставка 22% ни ташкил этди.

Бухгалтерия ходимларига МҲХС бўйича ўқув курсларидан ташкиллаштирилди. 1С тизимида МҲХС бўйича бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш амалга оширилмоқда. Комбинат 2021 йил учун МҲХС молиявий ҳисоботларини якунланмоқда. Комбинатнинг 2017–2022 йиллар давомидаги ҳисоботлари МҲХС бўйича аудиторлик хулосасини олган ҳолда тайёрланди.

Миллий ва халқаро даражада «Ўзметкомбинат» АЖ брендди хабардорлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда комбинат фаолияти ва унинг режаларини ахборот билан таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

## Барқарор бизнес мақсадлар

«Ўзметкомбинат» АЖ барқарор ривожланиш тамойилларини жорий этишни мўлжаллаган. ESG барқарор ривожланиш тамойиллари бу комбинатнинг экология, ижтимоий ва корпоратив бошқарув кўрсатгичларини халқаро стандартларга мувофиқ жорйи этиш. Шу мақсадда комбинатда узоқ муддатли барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш режалаштирилган.

«Ўзметкомбинат» АЖ халқаро кредит рейтингини қўлга киритиш мақсадида жалб қилинган халқаро консультант билан биргаликда ишларни бошлади. Ушбу ишлар натижасида халқаро кредит рейтинг агентлиги «FITCH LTD» билан шартнома имзоланди.

| 2021 йил даромад кўрсаткичлари | Режа (млн. сўм) | Амалда (млн сўм) |
|---|---|---|
| Соф тушум | 7 257 760 | 8 352 753 |
| Фаолиятнинг бошқа даромадлари | 92 418 | 123 630 |
| Солиққача тушум | 1 551 670 | 1 762 386 |
| Соф тушум | 1 318 920 | 1 471 468 |










| Маҳсулот | Ўлчов бир. | 2020 йил | | 2021 йил | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | режа | амалда | режа | амалда |
| Қора металл прокати | тонн | 993 300 | 1 010 067 | 1 026 000 | 1 075 394 |
| Рангли металлар | тонн | 1 600 | 1 514 | 1 600 | 2 534 |
| Сирланган идишлар | тонн | 3 000 | 2 769 | 3 000 | 3 144 |
| Иссиқлик ўтказмайдиган материаллар | тонн | 12 000 | 11 195 | 10 800 | 12 363 |
| Ферроқотишмалар | тонн | 25 000 | 25 077 | 25 000 | 19 640 |






## Корпоратив бошқарув

«Ўзметкомбинат» АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг 2016 йил 25 июндаги 11-сонли қарори билан Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 2015 йил 30 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари асосида Кузатув кенгаши қошида:

- Аудит;
- Харидлар;
- Инвестиция ва стратегиялар;
- Тайинлов ва рағбатлантиришлар бўйича;
- Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталари ташкил этилиб;
- Кузатув кенгаши аъзоларидан ҳар бир қўмитага кенгаш аъзоларидан 3 нафардан қўмита аъзолари сайланди.

Қўмита ишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

## Ютуқлар

– 2021–2023 йиллар учун (3 йиллик) бизнес-режалари (молиявий модели) ишлаб чиқиш бўйича – Комбинат томонидан катта тўртлик аудиторлик ташкилотига (Big four) кирувчи Ernst & Young аудиторлик ташкилоти жалб этилди ва комбинатнинг узоқ муддатга мўлжалланган молиявий модели ишлаб чиқилди;

– «Ўзметкомбинат» АЖ 2020 йил 30 сентябрдаги 1073 сонли «Тузилмавий ўзгаришлар тўғрисидаги» буйруғига асосан молиявий ҳисоботларни ҳалқаро стандартларга (IFRS) асосида тайёрлаш бўйича алоҳида бўлим ташкил этилди;

– Бюджетлаштиришни автоматлаштириш жараёни якунланди, хусусан, йиллик харид режаси 1-С дастурига автоматлаштирилди;

– Умумий овқатланиш тизимида хизматлар учун ID-карталар орқали нақдсиз тўловни амалга ошириш тизими (эквайринг), юридик ва жисмоний шахслардан қора метал парчалари ва чиқиндилари қабул қилиш мақсадида @ikmbot телеграмм бот, фуқароларни ишга қабул қилишда resume.uzbeksteel.uz сайти, ходимларнинг иш ҳақи тўғрисида SMS-хабарнома ҳамда @umkoylikbot телеграмм бот ишга туширилди;

– Ўзбекистон Республикаси Инвестиция институтлари миллий ассоциацияси (ЎМИ) томонидан Ўзбекистон капитал бозорининг профессионал иштирокчилари ҳамда акциядорлик жамиятлари ўртасидаги танловда «Ўзметкомбинат» АЖ 2021 йилда энг яхши корпоратив бошқарув ишга қўйилган жамият деб топилган.

## Йирик лойиҳалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.12.2019 йилдаги ПҚ-4077-сонли «Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 09.01.2018 йилдаги ПҚ-4563-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2020–2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ «Ўзметкомбинат» АЖ да «Қуюв прокатлаш мажмуасини қурилиши» инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиха қуввати йилига 1,04 миллион тонна иссиқ ҳолда лист ўрамларини ташкил этади.

Лойихани технологик ускуналар билан таъминлаш мақсадида италиянинг «Danieli & Co. Officine Meccaniche S.p.A» компанияси жалб этилган. Лойиҳа технологик бино ва иншоотларини туркиянинг «Renaissance Heavy Industries» компанияси томонидан амалга оширилади.

2021 йил натижасида лойиҳа бўйича 63,1 млн. долл. Миқдорида сармоялар ўзлаштирилди ва 64,3 млн. долл. Миқдорида сармоялар жалб қилинди.

Лойиҳани молиялаштириш мақсадида хорижий кредит линияси очиш бўйича ишлар бошланди. Ушбу кредит линияни экпорт кредит агенликлари сўғурта қопламалари асосида жалб этилиши мўлжалланган.

## Ижтимоий масъулият

«Металлург» пансионати Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён-Чорбоғ курорт худудида жойлашган бўлиб, 2002 йил фойдаланишга топширилган бўлиб асосий бино 6 қаватдан иборат. «Металлург» пансионат фаолияти асосан комбинат ишчи ва ходимлари хамда уларнинг оила аъзоларига дам олиш оромгоҳи сифатида хизмат кўрсатади. Пансионатда бир вақтнинг ўзида жами 132 нафар дам олувчини қабул қилиш учун мўлжалланган 71 та дам олиш хоналари бўлиб, шундан, 4 та люкс, 4 та ярим люкс, 53 та икки кишилик стандарт, 10 та бир кишилик хоналардан иборат. «Металлург» пансионатида дам олувчиларга хизмат кўрсатиш учун бир сменада 32 нафар ишчи ходимлар хизмат кўрсатиб, жами ходимлар сони 74 нафарни ташкил қилади.

«Саховат уйи»нинг асосий вазифаси тиббий ижтимоий муассаса бўлиб, 60 нафар парваришга ва тиббий хизматга мухтож кексаларнинг доимий яшашлари учун мўлжалланган. «Саховат уйи»да хозирда турли миллатли 17 нафар ёлғиз парваришга ва тиббий хизматга мухтож кексалар бўлиб, шундан, 9 нафари эркаклар, 8 нафари аёллардан иборат. 2022 йилнинг 1 июн ҳолатига «Саховат уйи»да жами ишчи-ходимлар сони 25 нафарни ташкил этади.

# «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» АЖ

## Жамият тўғрисида маълумот

Жамиятнинг асосий фаолияти углеводородларни қазиб олиш, уларни бирламчи тайёрлаш, қайта ишлаш натижасида табиий газ, газ конденсати, суюлтирилган газ ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш, транспорт ва технологик хизмат кўрсатишдан иборат.

**Муҳим фактлар:**

**Ташкил қилинган сана:** 1998 йил.

**Маҳсулотлари:** 100 дан ортиқ номланишда.

**Тасдиқланган углеводород ресурслари** – 1 881 трлн.куб.м.

**Экспорт ҳажми:** 9,0 млн доллар.

**Экспорт йўналишлари:** 23 дан ортиқ мамлакатлар.

**Ходимлар сони:** 13,98 минг нафардан кўпроқ.

**Эгаллаб турган майдон:** 4 694,72 га

**Ишлаб чиқариш майдони:** 46 947,2 минг кв.м.

Компаниянинг асосий ишлаб чиқариш активлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 5 та қазиб чиқариш бошқармаси;
- 2 та нефтни қайта ишлаш заводи;
- 1 та газ кимё мажмуаси;
- 1 та газни қайта ишлаш заводи;
- 14 та нефть маҳсулотларини ташиш ва сақлаш корхоналари.



Р.А. Гулямов



М.Р. Абдуллаев

**Давлат улуши** – 99,96%

Сайланган кузатув кенгаши аъзолари ва аудитор:

**КК раиси:** Р.А. Гулямов

**КК аъзолари:** А.С. Султанов, Р.Қ. Давлетов, А.Ж. Ортиқов, О.З. Насритдинходжаев, Б.К. Абдиназаров, М.М. Мирзаев.

**Ижро органи:** М.Р. Абдуллаев.

**Аудитор:** Ernst & Young

Жамият узлуксиз ишни таъминлаш учун қуйидаги ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш бўлинмаларини ташкил қилган: юклар, хом ашё, материаллар, тайёр маҳсулот, шунингдек қурилиш ишлари ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш марказий таъмирлаш-механик бўлинмалари, энергия тармоқлари цехлари, бошқармаларни электр энергия, иситиш тизими ва сув билан таъминлаш инфратузилмалари мавжуд. Бундан ташқари, тизимда геология қидирув ишлар, ишлатиш қудуқларини бурғилаш, уларда геофизик тадқиқот ишларини амалага ошириш корхонлари мавжуд.

## Ҳисобот йилидаги муҳим воқелар

2017–2021 йилларда углеводород хом ашёси қазиб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш бўйича Дастурнинг иккинчи босқичи бўйича бизнес-режа Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 ноябрдаги 752-сон қарори билан тасдиқланган. Ҳозирда дастурни амалга ошириш натижасида 296 та қудуқда бурғулаш ишлари якунланди ва 328 та қудуқда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди, ҳамда иккинчи босқич доирасида 185 та қудуқдан 160 таси бурғуланди. Шунингдек, «Ғарбий» конида блок-модулли қудуқ усти компрессор қурилмаси, «Самантепе», «Алан» ва «Зеварди» конларида сиқув компрессор станциялари, «Арслан» конида газни комплекс тайёрлаш қурилмаси, «Учқир» конида олтингугуртдан тозалаш қурилмасининг 6-тармоғи ва сиқув компрессор станцияси ишга туширилди. Ҳозирги кунда «Денгизкўл» ва «Жанубий Тандирча» конларида сиқув компрессор станцияларини қуриш ишлари давом этмоқда.

Шунингдек, Россия банкларининг санкцияга тушиши сабабли, Япониянинг «MUFG» ва Европанинг «Deutsche Bank» молия институтларидан муқобил кредит маблағларини жалб қилиш масалалари ўрганиб чиқилмоқда. Шўртан газ кимё комплексининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш лойиҳаси доирасида Россия банкларининг санкцияга тушиши сабаб-

ли, бошқа давлатлардан муқобил кредит маблағларини жалб қилиш масаласи ўрганиб чиқилмоқда, жумладан Европанинг банклари ва Экспорт-кредит агентликлари билан музокаралар давом этмоқда. Булар орасида «Landesbank Baden-Wuerttemberg», «Bank Helaba», «Deutsche Bank», «Société Générale S.A», «Euler Hermes», «Atradius» ва «SACE» молия институтлари бор.

## Барқарор бизнес мақсадлар

Республика аҳолиси ва иқтисодиётини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида Boston Consulting Group халқаро консалтинг компанияси томонидан «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилиб, ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолияти таҳлил қилинди ва бир қатор йўналишлар бўйича ишлар белгиланди.

«Ўзбекнефтгаз» АЖ Лондон фонд биржасида 700 млн АҚШ доллари қийматидаги халқаро облигацияларни йиллик 4,75 фоиздан 7 йил муддатга жойлаштирди. Облигация харидлари асосан АҚШ, Европа ва Осиё давлатларидан 120 дан ортиқ сармоячилар ҳисобига тўғри келди.

| 2021 йил даромад кўрсаткичлари | Режа (млн. сўм) | Амалда (млн. сўм) |
|---|---|---|
| Соф даромад | 13 058 537 | 12 426 519 |
| Операцион фаолият ялпи фойдаси | 4 366 098 | 3 744 442 |
| Солиққача даромад | 3 884 615 | 3 830 523 |
| Соф фойда | 3 301 923 | 3 348 793 |










| Маҳсулот | Ўлчов бирлиги | 2020 йил | | 2021 йил | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | режа | амалда | режа | амалда |
| Табиий газ | млрд. куб. м | 34,6 | 33,1 | 34,1 | 33,9 |
| Газ конденсати | минг. тонн | 1 423,6 | 1 414,7 | 1 414,7 | 1 208,3 |
| Нефть | минг. тонн | 108 | 125,1 | 109,0 | 116,1 |
| Суюлтирилган газ | минг. тонн | 678,5 | 609,9 | 677,8 | 513,0 |
| Олтингугурт | минг. тонн | 194,4 | 280,7 | 205,9 | 255,1 |






### Корпоратив бошқарув

«Ўзбекнефтгаз» АЖ акциядорларининг 2016 йил 4 ноябрда ўтказилган умумий йиғилишининг қарорига асосан жамият томонидан Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинган.

Жамиятда 2021 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ишлари «DEPOZIT SERVIS» МЧЖ томонидан амалга оширилган. Баҳолаш натижаларига кўра жамият корпоратив бошқарув тизими «юқори» деб эътироф этилган ва 805 балл тўплаган.

Кузатув кенгашининг қарорларига асосан кенгаш қошида Аудит, Тайинлаш ва рағбатлантириш, Стратегия ва инвестициялар ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталари ташкил этилган. Кузатув кенгаши таркибига 2 та мустақил аъзоларни жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

2022 йилда жамиятда Корпоратив бошқарув кодекси, Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидаларига риоя этиш ва «IPO»га тайёргарлик жараёнида жалб этилган ҳалқаро маслаҳатчиларнинг корпоратив бошқаруви даражасини яхшилаш, хусусан ҳалқаро талабларга мослаш бўйича тавсиялари асосида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

### Ютуқлар

Жамиятнинг корпоратив кредит рейтингини олиш мақсадида, «Fitch», «Moody's», «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентликлари ва инвестицион банклар билан ҳамкорликда ишлар амалга оширилиб, 2021 йил 29 сентябрда «Fitch Ratings» ва 21 октябрда «S&P Global Ratings» халқаро рейтинг агентликлари томонидан жамият корпоратив кредит рейтинги «барқарор» прогнози билан «BB-» даражаси олинди.

2021 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 ноябрдаги 668-сон қарорига мувофиқ амалга оширилаётган трансформация жараёнларини давом эттириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш мақсадида, Молия вазирлиги кўмагида жамият ўз тарихида илк бор Лондон фонд биржасида RegS/144A форматида 7 йил муддатлик 700,0 миллион АҚШ доллари миқдоридаги еврооблигацияларини муваффақиятли жойлаштирди.

«Ernst&Young» компанияси билан «Ишлаб чиқариш жараёнларининг самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш» лойиҳаси босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

### Йирик лойиҳалар

2022–2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида жамият томонидан қуйидаги лойиҳалар амалга оширмоқда:

1. Шўртан газ кимё комплексининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш;
2. Сечанкўл, Оқжар ва Чимбой инвестицион блокларида геологик қидирув ишларини олиб бориш, ҳамда Урга, Оқчалоқ ва Чандир гуруҳи конларида қазиш ишларини амалга ошириш;
3. Республика инвестиция блокларида жамият томонидан геологик қидирув ишларини амалга ошириш;
4. Углеводород қазиб чиқаришни кўпайтириш учун нефт ва газ қудуқларини қайта тиклаш ва бурғулаш;
5. Хартум, Шарқий Хартум ва Жанубий Оламушук конларидан нефтни қазиб олишни кўпайтириш;
6. Алан конида газни комплекс тайёрлаш қурилмасини реконструкция қилиш.

2022 йилдаги инвестиция лойиҳаларига 1 090,5 млн. долл. миқдорида инвестицияларни жалб этиш кўзда тутилган.

### Ижтимоий масъулият

Жамият тасарруфида Бухоро ва Фарғона нефть ва газ саноати коллежлари мавжуд. Ушбу ўқув марказларининг асосий вазифалари меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишдан иборатдир. Шунингдек, И.М Губкин номидаги Россия Давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ҳамда унинг қошидаги академик лицейни сақлаш харажатлари жамият томонидан қоплаб берилмоқда.

Ўзбекистонда футболни аҳоли ўртасида энг оммавий спорт турига айлантириш, иқтидорли ёш футболчиларни саралаб олиш ва уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, мамлакат футболини ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш мақсадида, «Бунёдкор» ПФК МЧЖ, «Бунёдкор стадиони бинолари ва иншоотларидан фойдаланиш Дирекцияси», ҳамда «Машъал» ПФК МЧЖ футбол клублари моддий қўллаб қувватланмоқда.

# «ҲУДУДГАЗТАЪМИНОТ» АЖ

## Жамият тўғрисида маълумот

Республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, нефт ва газ хўжалиги корхоналарининг молиявий соғломлаштирилишини таъминлаш, соғлом рақобатни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, замонавий рақамли технологиялар ва илғор бошқарув усулларини жорий этиш мақсадида халқаро амалиётдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефт-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзтрансгаз» АЖнинг ҳудудий газ таъминоти корхоналари негизида «Ҳудудгазтаъминот» АЖ ва унинг ҳудудий газ таъминоти корхоналари масъулияти чекланган жамиятлар шаклида тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида «Ҳудудгазтаъминот» АЖга қўшимча юклатилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудий газ таъминоти корхоналари, масъулияти чекланган жамиятлари негизида «Ҳудудгазтаъминот» АЖ филиаллари ташкил этилди.



**А.С. Султанов**



**Б.Б. Эшмуратов**

**Давлат улуши – 100%**
Сайланган кузатув кенгаши аъзолари ва аудитор
**КК раиси:** А.С. Султанов
**КК аъзолари:** А.С. Султанов, Д.Ш. Хаджиханов, А.Б. Воитов, Д.Ш. Султанов, У.Ш. Мухаммадиев
**Ижро органи: Б.Б. Эшмуратов**
**Аудитор:** «HLB Tashkent» МЧЖ

## Муҳим фактлар:

**Ташкил қилинган сана:** 2019 йил.

**Фаолияти:** газ тақсимлаш тармоқларига уланган истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш ва маиший газ баллонлар орқали суюлтирилган газ етказиб бериш.

**Ходимлар сони:** 15 минг нафардан кўпроқ.

**Жамиятнинг қуйи тизим ташкилотлари:**

14 та газ таъминоти филиаллари;
2 та унитар корхона;
2 та масъулияти чекланган жамият;
3 та филиал.

«Ҳудудгазтаъминот» акциядорлик жамияти 89 954,4 км газ тақсимлаш тармоқлари ва 76 248 дона газни тартибга солиш пунктларидан фойдаланади. Бу тизим республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олиб, ижтимоий соҳа объектларини ва республика аҳолисини табиий газ билан таъминлайди.

## Жамият фаолиятининг мақсади

Жамиятнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

– хавфсиз фойдаланиш қоидаларининг меъёрий талабларига риоя қилган ҳолда газ тақсимлаш тармоқлари ва тегишли ускуналардан фойдаланиш;

– суюлтирилган газни харид қилиш, етказиб бериш, сақлаш ва аҳолига ҳамда ижтимоий соҳа объектларига сотиш;

– «Ҳудудгазтаъминот» АЖнинг энг муҳим вазифаси табиий газни истеъмолчиларга етказиб беришда йўқотишларни камайтириш, шу жумладан:

- мавжуд газ тақсимлаш пунктлари ва тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш;
- барча тоифадаги истеъмолчилар учун табиий газни мониторинг қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини тўлиқ жорий этиш;
- газ тақсимлаш тармоқлари ва улар билан боғлиқ ускуналардан фойдаланиш, шунингдек, табиий газни давлат-хусусий шериклик асосида истеъмолчиларга сотиш бўйича функцияларни амалга ошириш учун газ таъминоти объектларини босқичма-босқич хусусий операторларга бериш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги ПФ-6010-сон «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра:

– «Ўзтрансгаз» АЖ зиммасига табиий газни «Ҳудудгазтаъминот» АЖ ва магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчиларга бевосита шартномалар бўйича сотиш функциясини юклаш;

– «Ўзтрансгаз» АЖдан табиий газни олди-сотди шартномаси бўйича «Ҳудудгазтаъминот» АЖнинг магистрал газ узатиш тизими орқали етказиб берилганда, шунингдек табиий газ ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри газ тақсимлаш тармоқларига етказиб берилганда Вазирлар Маҳкамасининг Идоралараро тариф комиссияси томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича сотиб олиш, газ тақсимлаш тармоқларига уланган республика ичидаги истеъмолчиларга, шу жумладан аҳолига сотиш.

| **2021 йил даромад кўрсаткичи** | **Режа (млн сўм)** | **Амалда (млн сўм)** |
|---|---|---|
| Соф тушум | 10 273 981 | 9 058 720 |
| Харажатлар | 10 177 089 | 9 445 121 |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | 96 892 | -595 433,5 |
| Соф фойда | 48 757 | -666 746,4 |

**Табиий газ истеъмолчилари (аҳоли) сонининг ўсиши динамикаси (минг та)**




**Суюлтирилган газ истеъмолчилари сонининг ўсиш динамикаси (минг та)**




**Республика аҳолисига табиий газ етказиб бериш ҳажмининг ўсиш динамикаси (млн куб м)**






## «Ҳудудгазтаъминот» АЖ томонидан 2021 йил давомида сотиб олинган ва сотилган табиий газ ҳажмлари тўғрисида
## МАЪЛУМОТ

| № | Истеъмолчилар номи | Етказиб бериш ҳажми, млн. куб. м | Сотиш нархи сўм/1000 куб.м | | Қиймати ҚҚС ва Акциз солиғисиз, млрд. сўм | ҚҚС, млрд. сўм | Акциз, млрд. сўм | Қиймати ҚҚС ва Акциз солиғини, млрд. сўм |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ҚҚС ва Акциз солиғи билан бирга | ҚҚС ва Акциз солиғини ҳисобга олмаганда | | | | |
| 1 | 2 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| **I** | **Сотиб олиш, жами** | **21 726** | **350 296** | **304 605** | **7 611** | **993** | | **6 618** |
| 1.1 | «Ўзтрансгаз» АЖ | 20 531 | 340 000 | 295 652 | 6 980 | 910 | | 6 070 |
| 1.2 | «Ўзбекнефтегаз» АЖ | 71 | 250 000 | 217 391 | 18 | 2 | | 15 |
| 1.3 | Epsilon | 1 125 | 544 524 | 473 499 | 612 | 80 | | 533 |
| **II** | **Сотиш, жами** | **21 333** | **573 544** | **415 612** | **12 235** | **1 596** | **1 773** | **8 866** |
| 2.1 | «Ўзкимёсаноат» АЖ | 156 | 660 000 | 478 261 | 103 | 13 | 15 | 75 |
| 2.2 | «Ўзпромстройматериали» АЖ | 432 | 1 000 000 | 724 638 | 432 | 56 | 63 | 313 |
| 2.3 | НГМК | 27 | 660 000 | 478 261 | 18 | 2 | 3 | 13 |
| 2.4 | АГНКС | 3 071 | 1 000 000 | 724 638 | 3 071 | 401 | 445 | 2 226 |
| 2.5 | Бошқа рўйхатга асосан | 1 089 | 1 000 000 | 724 638 | 1 089 | 142 | 158 | 789 |
| 2.6 | Бошқа улгуржилар | 2 893 | 660 000 | 478 261 | 1 910 | 249 | 277 | 1 384 |
| 2.7 | Иссиқлик энергияси корхоналари | 1 501 | 660 000 | 478 261 | 991 | 129 | 144 | 718 |
| 2.8 | Аҳоли | 12 163 | 380 000 | 275 362 | 4 622 | 603 | 670 | 3 349 |

| S (strengths) – Кучли томонлари | W (weaknesses) – Заиф томонлари |
|---|---|
| • газ тақсимлаш тармоқлари ва уларга ўрнатилган ускуналардан фойдаланиш бўйича кўп йиллик тажриба;<br>• газ таъминоти тизими муайян меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинганлиги;<br>• Республиканинг барча ҳудудларида инфратузилманинг мавжудлиги. | • Газ қувурлари ва газ тақсимлаш пунктларининг 48 % фоизи 20–30 йил илгари фойдаланишга топширилганлиги (эскириш даражаси юқорилиги);<br>• Замонавий газ ускуналарини ишлаб чиқарувчилар билан газ ускуналарига хизмат кўрсатиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги;<br>• Ишлаб чиқариш жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси (рақамлаштириш даражаси) пастлиги. |
| **O (opportunities) – Имкониятлар** | **T (threats) – Таҳдидлар** |
| • Жамият табиий монополия субъекти ҳисобланади;<br>• Жамият фаолиятининг барча йўналишларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг юқори суръатлари;<br>• кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш имконияти, демак, қўшимча даромад. | • табиий ва суюлтирилган газни сотиш нархларини тартибга солиш;<br>• суюлтирилган газ билан таъминлаш учун ишлаб чиқариш қувватларининг етишмаслиги туфайли учинчи шахсларнинг иштироки. |

### Корпоратив бошқарув

«Ҳудудгазтаъминот» АЖ ягона акциядорининг 2019 йил 30 сентябрдаги 4-сон қарори билан Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 2015 йил 30 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган «Корпоратив бошқарув кодекси»га риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари асосида Кузатув кенгаши қошида Аудит, Харидлар, Инвестиция ва стратегиялар ва Рағбатлантириш бўйича қўмиталар ташкил этилиб, ҳар бир қўмитага кенгаши таркибидан 3 нафардан қўмита аъзолари сайланди. Қўмита ишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

### Эришилган натижалар

Осиё тараққиёт банки томонидан «Ҳудудгаз таъминот» АЖнинг корпоратив диагностикаси ва корпоратив ислоҳотлар режаси тўғрисида» ҳисоботи ишлаб чиқилди. Ҳисоботдаги тавсиялар асосида ишчилар сонини оптималлаштириш ва бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар доирасида Жамиятнинг ташкилий тузилмаси тасдиқланди;

2019–2020 йиллар якуни билан ҳисоботларни «Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари» (МҲХС) асосида тайёрлаш лойиҳаси «Ernst and Young» томонидан амалга оширилди. Жамиятда МҲХСни жорий этиш бўлими фаолияти йўлга қўйилди.

«Ҳудудгазтаъминот» АЖнинг уч йиллик (2021–2023 йиллар) бизнес режаси «KPMG» томонидан ишлаб чиқилди ва Жамият кузатув кенгаши томонидан 2022 йилдан бошлаб бизнес режа ишлаб чиқишнинг уч йиллик циклига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Ўрта муддатли ҳамда узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини молиявий соғломлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш» лойиҳаси «HLB Tashkent» МЧЖ томонидан амалга оширилди.

«Ҳудудгазтаъминот» АЖ харид тизими «Grant Thornton» МЧЖ томонидан ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимларининг самарадорлигини ошириш («форензик») лойиҳаси «KPMG» томонидан аудитдан ўтказилди ва ижобий хулосалар олинди.

«Ҳудудгазтаъминот» АЖ фаолиятининг операцион самарадорлигини ошириш бўйича «Йўл харитаси» ва чора-тадбирлар режаси «HLB Tashkent» МЧЖ билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда ва 2022 йил 1 сентябрга қадар якунлаш кўзда тутилган.

### Йирик лойиҳалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 сентябрдаги ПҚ-4840-сон «Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини тўлиқ жорий қилиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ «Ҳудудгазтаъминот» АЖ халқаро кредит рейтингларини олиш ҳамда 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида»ги Фармонида акцияларни оммавий (IPO) сифатда жойлаштирилиши белгиланган.

### Ижтимоий масъулият

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги ПФ-6010-сон «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида «Ҳудудгазтаъминот» АЖга қўшимча юклатилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудий газ таъминоти корхоналари, масъулияти чекланган жамиятлари негизида «Ҳудудгазтаъминот» АЖ филиаллари ташкил этилди.

Фаолияти: газ тақсимлаш тармоқларига уланган истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш ва маиший газ баллонлар орқали суюлтирилган газ етказиб бериш.

Ходимлар сони: 15 минг нафардан кўпроқ.

Жамиятнинг қуйитизим ташкилотлари:

14 та газ таъминоти филиаллари, 2 та унитар корхона, 2 та масъулияти чекланган жамият, 3 та филиаллардан иборат.

«Ҳудудгазтаъминот» АЖ 89 954,4 км газ тақсимлаш тармоқлари ва 76 248 дона газни тартибга солиш пунктларидан фойдаланади. Бу тизим республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олиб, ижтимоий соҳа объектларини ва республика аҳолисини табиий газ билан таъминлайди.

# «ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖ

## Жамият тўғрисида маълумот

Жамиятнинг асосий фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқарувининг республика идоралари фаолияти (кимё саноати), республика қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини агротехнология нормаларига мувофиқ мутаносиб нисбатдаги азот, фосфор, калий ва комплекс ўғитлар билан барқарор таъминлашдан иборат. Жамият таркибидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлари миллий ва халқаро бозорларда юқори баҳоланади.

## Муҳим фактлар:

Тармоқ корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар: 180 дан ортиқ номланишда.

Тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари (маҳсулотлар кесимида):

– минерал ўғитлар жами 1 824,5 минг тонна, шундан: азотли ўғитлар 1 304 минг тонна, фосфорли ўғитлар 280,5 минг тонна, калийли ўғитлар 240,0 минг тонна.

Экспорт ҳажми: 382 млн. доллар.

Экспорт йўналишлари: 34 та мамлакат.



**Ж.Т. Мирзамахмудов**



**Е.А. Коржиков**

**Давлат улуши** – 100 фоиз.
Сайланган кузатув кенгаши аъзолари ва аудитор.
**КК раиси:** Ж.Т. Мирзамаҳмудов
**КК аъзолари:** Ш.А. Вафаев, Х.Ф. Тешабаев, А.Э. Миралиев, А.О. Кабилов, Т.Ю. Халиков, Х.Б.Мустафаев .
**Ижро органи: Е.А. Коржиков**
**Аудитор:** «XB Finanse konsulting» МЧЖ.

Ходимлар сони: 31 минг нафарга яқин.

Жамият таркибига қуйидаги корхоналар киради:

– 11 та ишлаб чиқариш корхоналари;
– 2 та юкларни ташиш ва етказиб бериш корхоналари;
– 2 та илмий изланиш ва илмий тадқиқот корхоналари;
– 7 та хизмат кўрсатиш корхоналари;
– 4 та лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ташкил этилган қурилиш дирекциялари.

Компания корхоналарини ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турларидан келиб чиқиб, қуйидаги ишлаб чиқариш мажмуаларга бўлиш мумкин:

– минерал ўғитлар, ноорганик моддалар ва энергетика, тоғ-кон ва кимё саноатлари учун кимё реагентлари ишлаб чиқариш мажмуаси;
– органик кимё, сунъий тола ва полимер материаллар ишлаб чиқариш мажмуаси;
– ўсимликларни ҳимоя қилиш кимё воситалари ишлаб чиқариш мажмуаси;
– калцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш мажмуаси.

## Ҳисобот йилидаги муҳим воқеалар

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида жойлашган, мамлакатимизнинг, хусусан Чирчиқ шаҳрининг иқтисодий ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган «Чирчиқ» кимё-индустриал технопаркининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Технопарк тўлиқ ишга тушиши натижасида 2 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиб, йилига технопаркда ишлаб чиқарилган 15 миллион долларлик махсулотлар экспорт қилинади.

Биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми якунлари бўйича «Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан қиймати 1,0 млрд. доллардан ортиқ 5 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувлар имзоланди. Унга кўра 2022-2027 йилларда жами 7,9 млрд. доллар тўғри-

дан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилиб, 18,7 мингта янги иш ўринлари яратилади ва 10 дан ортиқ кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланади.

Менделеев номидаги кимё-технология университетида 100 киловатт қувватли қуёш электр ускунаси ўрнатилиб, йилига 200 минг киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда, 36 та сув иситиш қурилмасини ўрнатиш ҳисобига йилига 4,2 миллион киловатт соат ёки қарийб 2 миллиард сўмлик электр энергияси тежалмоқда.

### Барқарор бизнес мақсадлар

Жамиятнинг фаолият мақсади даромад олиш ҳисобланади. Жамият шунингдек, тармоқда ишлаб чиқаришни янада диверсификациялашга, мамлакат минерал хомашё ресурслари захираларини қайта ишлашга, юқори қўшилган қийматли харидоргир сифатли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва тармоқ корхоналарида технологик хавфсизликни таъминлайдиган юқори технологияли замонавий ускуналар ва инновацион технологияларни тармоққа кенг жорий этишга йўналтирилган ягона техник сиёсатни амалга ошириш.

Харқаро молия корпорацияси тавсиялари асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2035 йилгача кимё, газ-кимё ва нефть-кимё саноатини стратегик ривожлантиришнинг мақсадли дастури тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тасдиқлаш жараёнида.

| 2021 йил даромад кўрсаткичлари | Режа (млн сўм) | Амалда (млн сўм) |
|---|---|---|
| Соф тушум | 10 685 286 | 11 060 232 |
| Операцион фойда | 2 337 089 | 2 701 852 |
| Солиққача фойда | 967 184 | 1 995 774 |
| Соф фойда | 808 171 | 1 640 073 |















| Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | 2020 йил | | 2021 йил | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | режа | амалда | режа | амалда |
| Азотли ўғитлар | минг тн | 949,5 | 859,2 | 1 105,4 | 1 173,1 |
| Фосфорли ўғитлар | минг тн | 137,0 | 111,6 | 133,4 | 139,9 |
| Калийли ўғитлар | минг тн | 210,0 | 210,0 | 216,0 | 197,4 |
| Аммиакли селитра | минг тн | 1 619,0 | 1462,6 | 1 620,0 | 1 778,4 |
| Карбамид | минг тн | 680,0 | 581,5 | 1 020,0 | 1 005,2 |
| Аммоний сульфати | минг тн | 170,0 | 238,8 | 190,0 | 268,9 |
| Аммофос | минг тн | 271,7 | 200,0 | 211,1 | 236,2 |
| Хлорли калий | минг тн | 350,0 | 350,0 | 360,0 | 329,1 |
| Суперфосфат | минг тн | 68,9 | 36,5 | 126,5 | 173,0 |
| ПВХ | минг тн | 66,6 | 48,7 | 90,0 | 50,6 |
| Цианид тузлари | минг тн | 31,0 | 37,2 | 38,0 | 43,4 |
| НАНП | минг тн | 60,0 | 63,2 | 60,0 | 70,2 |
| Кальцийланган сода | минг тн | 192,0 | 185,3 | 185,8 | 184,8 |

### Корпоратив бошқарув

«Ўзкимёсаноат» АЖ ягона акциядорининг 2016 йил 30 июндаги қарорига асосан Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 2015 йил 30 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонига асосан жамият ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди ва унга бўйсунадиган лойиҳа офиси ташкил этилди.

Жамият Кузатув кенгаши ҳузурида Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилиб, Қўмита ишини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжат (низом)лар ишлаб чиқилди. Низомларга асосан Кузатув кенгаши аъзоларидан ҳар бир қўмитага 3 нафардан қўмита аъзолари сайланиши белгиланган.

### Ютуқлар

Ҳозирда умумий қиймати 3,5 млрд долларга тенг 5 та лойиҳанинг (Тошкент вилоятида фосфорли ўғитлар, Навоий вилоятда суюқ ўғитлар, ПВХ-3, МТР, «Фарғонаазот» АЖда DTY толалари) лойиҳаолди ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва жорий йил 25-26 март кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган биринчи халқаро Инвестиция форуми доирасида салоҳиятли инвесторларга «road show» тақдимотлар ўтказилди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини фосфорли ўғитлар билан Россиянинг «Уралхим» компанияси билан Тошкент вилоятида фосфорли ва мураккаб турдаги ўғитлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси ва «Навоийазот» АЖда сульфат калий ва нитрат калий ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси доирасида 2 та қўшма корхона ташкил этилди.

### Йирик лойиҳалар

«Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан 2022–2026-йилларда инновацияларни ривожлантириш стратегияси асосан 4 та йўналишда. Хусусан кимё саноати чиқиндиларини қайта ишлаш, илғор технологиялар асосида углеводородларни қайта ишлашнинг кўп босқичли технологик занжирни яратиш, юқори қўшилган қийматли кичик ҳажмли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси йўналишларида амалга оширилади.

Соҳада инновацион фаолиятни ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассисларни етказиш ва уларни юқори технологиялар жорий этилган ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилади. Шу мақсадда «Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан Тошкент шаҳрининг Мирзо-Улуғбек шаҳарчасида кимё саноати учун инновацион кимёвий илмий-ишлаб чиқариш таълим кластери ташкил этилади.

### Ижтимоий масъулият

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон қарорига мувофиқ Республика бўйича 27 та умумтаълим мактаблари «Ўзкимёсаноат» АЖга кимё ва биология фанларига иқтисослаштириш мақсадида бириктириб берилди. Ҳозирги кунда барча мактабларнинг кимё ва лаборатория хоналари тўлиқ таъмирланиб, керакли жихозлар ва кимёвий реагентлар билан таъминланди.

Ушбу мактаблар билан «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг тизим корхоналари ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчилари доимий ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Жорий йилнинг 27 май кунида Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридаги филиали биносида ўтказилган «Кимё – барқарор ривожланиш учун» илмий ҳафталигининг мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган олимпиадасида тизим ёшлар етакчилари бошчилигида ҳар бир мактабдан 2 нафардан ўқувчилар ва кимё фани ўқитувчилари ташриф буюриб кимё фанидан фаол иштирок этишди.

«Ўзкимёсаноат» АЖ тизимидаги корхоналар тасарруфида 5 та, 1 555 ўринга эга болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд бўлиб, 2022 йил ёз мавсумида 4 сменада жами 6 140 нафар ишчи-ходимлар фарзандларини соғломлаштириш, мазмунли ва мароқли дам олишларини ташкил этиш режалаштирилган.

# «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АЖ

## Компания тўғрисида маълумот

Давлат, жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида темир йўл транспортининг барқарор ва самарали ишлашини, қатновлар хавфсизлигини, кўрсатиладиган транспорт хизматлари сифатини ошириш, жумладан хизмат кўрсатиш талаб даражасида бўлган бошқа юк ташувчилар билан биргаликда таъминлаш, истеъмолчиларга ишлаб чиқариш, савдо, шу жумладан улгуржи савдо хизматлари кўрсатиш, электр энергияси сотиш, сайёҳлик ва бошқа хизматлар кўрсатиш, бунда ташишларнинг мақбул муддатларини, ҳамда йўловчилар соғлиғи ва ҳаётининг сақланишини, шу жумладан ташилаётган юклар бутлигини таъминлашдан иборат.

## Муҳим фактлар:

Ташкил қилинган сана: 1994 йил.

Ходимлар сони: 81 минг нафардан кўпроқ.

Экспорт ҳажми: 2021 йилда 599,9 млн доллар.

2021 йилда умумий темир йўл узунлиги: 7402,9 км. Шундан, асосий йўллар – 5240,2 км, станция йўллари – 1 779,1 км, шаҳобча йўллари – 383,6 км.



**А.Ж. Раматов**



**Х.Н. Хасилов**

**Давлат улуши** – 100%

Сайланган кузатув кенгаши аъзолари ва аудитор

**КК раиси:** А.Ж. Раматов

**КК аъзолари:** И.Р. Махкамов, А.Я. Хайдаров, И.И. Норқулов, А.Д. Абидов, З.М. Астанов.

**Ижро органи: Х.Н. Хасилов.**

**Аудитор**: PWC

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг тизимида қуйидаги йўналишидаги корхоналар мавжуд:

2 та юк ва йўловчи ташиш жамиятлари;

2 та логистика ва экспедиция корхоналари;

7 та темир йўл инфратузилмасини қуриш ва таъмирлаш корхоналари;

5 та темир йўл харакати таркибини қуриш ва таъмирлаш заводи.

Ҳисобот йилидаги муҳим воқелар

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) жорий этиш бўйича 2021 йилда ўтказилган тендер натижаларига асосан 2021–2022 йиллар учун молиявий ҳисоботларини халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиш мақсадида «Катта тўртлик»ка («big four») кирувчи, «PricewaterhouseCoopers» МЧЖ (PwC) аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилди.

Жамият тизимида МҲХСни жорий қилиш мақсадида, Молия бошқармаси таркибида алоҳида, «МҲХС жорий қилиш шўъбаси» тузилиб, малакали мутахассислар билан тўлдирилди. Шунингдек, МҲХС бўйича доимий корпоратив ўқув курслари ташкил қилинди. Жамият томонидан 2021 йил давомида 205 нафар молия ва бухгалтерия тизими мутахассислари «МҲХС асослари, молия ва бизнесни бошқариш» ва «МҲХС асослари, молиявий ҳисоб» курсларида ўқитилди.

2021 йилда ўтказилган энг яхши таклифни танлаш асосида, Жамиятнинг харидлар фаолияти ташқи аудитини ўтказиш мақсадида «Катта тўртлик»ка («big four») кирувчи, «Deloitte & Touche» МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома имзоланди. Бугунги кунда жамиятнинг харидлар фаолияти ташқи аудити таҳлили тўлиқ тугатилган бўлиб, «Deloitte & Touche» МЧЖ томонидан якуний ҳисобот 2022 йил 15 февралдаги Молия вазирлигига тақдим этилди.

## Барқарор бизнес мақсадлар

Жамият ўз фаолиятини қуйидаги мақсадларда амалга оширади: темир йўл соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, аҳолини белгиланган манзилга ўз вақтида олиб бориш, тадбиркорларнинг юкларини белгиланган манзилга ўз вақтида ва сифатли етказиб бериш, Республикада темир йўл транспорти инфратузилмасини ривожлантириш, жамиятнинг импортни камайтириш мақсадида саноат корхоналари томонидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

| **2021 йил даромад кўрсаткичлари** | **Режа (млн сўм)** | **Амалда (млн сўм)** |
|---|---|---|
| Соф тушум | 10 537 | 11 110 |
| Операцион фойда | 10 305 | 10 871 |
| Соликқача фойда | 232,5 | 239,0 |
| Соф фойда | 194,6 | 187 |







### 2020–2021 йилларда асосий фаолият кўрсаткичлари

| Кўрсаткич номи | Ўлчов бирлиги | 2020 йил | | 2021 йил | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | режа | амалда | режа | амалда |
| Юк ташиш | Млн. тонна | 98,0 | 96,0 | 98,55 | 98,87 |
| Юк айланмаси | Млрд.тонна-км | 24,0 | 23,63 | 24,55 | 24,62 |
| Йўловчи ташиш | Млн. йўловчи | 18,4 | 6,3 | 7,7 | 7,97 |
| Йўловчи айланмаси | Млрд. йўловчи-км | 3,8 | 1,8 | 3,2 | 3,2 |






### Корпоратив бошқарув

2016 йил 30 сентябрда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ягона акциядори умумий йиғилишининг қарори билан Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркиби 6 нафар, шу жумладан 1 нафар мустақил аъзодан иборат.

Кузатув кенгаши қошида қуйидаги қўмиталар ташкил этиш юзасидан низомлар тайёрланган:

Аудит қўмитаси;

стратегия ва инвестициялар қўмитаси;

тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси;

коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси

### Ютуқлар

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан

145,1 км узунликдаги «Поп–Наманган–Андижон» темир йўл участкаси электрлаштирилди, «Наманган», «Ангрен», «Термиз» ва «Тошкент жанубий» темир йўл вокзаллари реконструкция қилинди.

Бундан ташқари, қўшимча равишда юқори тезликда ҳаракатланувчи 2 та «Talgo-250» русумли йўловчи электропоездлари, 22 та юк ва 8 та йўловчи локомотивлар харид қилинди.

Шунингдек, 2500 га яқин юк ва 110 та йўловчи янги вагонлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Ҳозирда юқори тезликда ҳаракатланувчи «Talgo-250» русумли 6 та йўловчи электрпоездлар «Тошкент–Самарқанд–Тошкент», «Тошкент–Бухоро–Тошкент», «Тошкент–Қарши–Тошкент» йўналишларида доимий ҳаракати йўлга қўйилди.

### Йирик лойиҳалар

Бугунги кунда «Бухоро–Урганч–Хива» темир йўл участкасини электрлаштириш (465 км), «Мароқанд–Навоий» темир йўл участкасининг иккинчи йўлини электрлаштириш (149 км), «Навоий–Бухоро» темир йўл участкасида иккинчи юқори тезликка мўлжалланган электрлаштирилган темир йўлини қуриш (92,3 км), «Шовот–Қораўзак» янги темир йўл линиясини ҳамда Амударё устидан ўтувчи темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўпригини қуриш» (80,2 км) лойиҳалари амалга оширилмоқда.

### Ижтимоий масъулият

Жамият таркибида 3 та техникум (Тошкент, Самарқанд ҳамда Қўқон темир йўл техникумлари) фаолият юритмоқда.

Тошкент темир йўл техникуми ҳузурида Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази ва Машинист ва машинист ёрдамчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув марказининг фаолияти йўлга қўйилган.

Шунингдек, Тошкент темир йўл техникуми томонидан Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Россия транспорт университети, Шимолий Кавказ кон-металлургия институти, Миллий тадқиқотлар ва технологиялар университети (Москва), Беларуссия давлат транспорт университети (Гомель) ва Петербург давлат темир йўл университети билан имзоланган шартномалар доирасида темир йўл транспорти соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишида фаолият амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, жамиятнинг Соғлиқни сақлаш хизмати таркибида санитария-эпидемиология хизмати, Марказий поликлиника, 11 та шифохона, «Саломатлик» тиббий-санитар ёрдам поезди ҳамда 1 та санаторий-профилактория фаолияти йўлга қўйилган. Темир йўл шифохоналари жами 1470 ўринга мўлжалланган бўлиб, поликлиникалар кунлик жами 4330 амбулатор қатнов имкониятига эга.

Бугунги кунда, Соғлиқни сақлаш хизмати ходимлари жами 4540 нафарни ташкил этиб, улардан 2600 нафардан ортиғи ҳамшира ва врачлардан иборат. Ушбу муассасалар томонидан темирйўчилар билан бир қаторда ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолига ихтисослаштирилган тиббиёт кўрик, малакали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Жамият ишчи ходимлари, уларнинг фарзандлари ҳамда аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш ва бўш вақтларининг мазмунли ўтишини таъминлаш, болаларни тўгаракларга жалб этиш, хорижий тилларни ўрганиш, номоддий маданий меросни кенг тарғиб қилиш, адабиёт ҳамда санъат арбоблари ва профессионал ижодий гуруҳлар билан маънавий-маърифий, маданий-оммавий тадбирлар ташкил этиб, улар иштирокида аҳоли, хусусан, ёшлар билан бевосита бадиий учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиш каби вазифалар жамиятнинг Маданият ва маърифат маркази томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

# «O`ZAVTOSANOAT» AJ

## Компания тўғрисида маълумот

«Ўзавтосаноат» АЖ барча турдаги енгил автомобиллари ва тижорат техникасини ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирадиган компания. Бугунги кунда соҳада «Ўзавтосаноат» доирасида бирлаштирилган ва бевосита 27 мингдан ортиқ ишчи ўрнига эга 72 та тармоқ корхоналари ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида ҳам автомобил, қишлоқ хўжалик ва махсус техника қурилишининг ўзи, ҳам оммавий истеъмол махсулотлари ишлаб чиқарувчи, ўқув ва ижтимоий аҳамиятга эга ташкилотлар мавжуд.

## Жамиятнинг бошқарув корхоналари:

«Автосаноат Инвест» (жамият улуши – 100%), «Uzautocomponents» МЧЖ (жамият улуши – 100%), «Uzauto Passenger Vehicles Management» МЧЖ (жамият улуши – 100%) ва «Uzauto Commercial Vehicles Management» МЧЖ (жамият улуши – 100%).



**А.Р. Жуманазаров**



**Ш.Б. Умурзаков**

**Давлат улуши –** 100%
**Сайланган кузатув кенгаши аъзолари:**
**КК раиси:** А.Р.Жуманазаров
**КК аъзолари:** Рахматов Ф.К., Саидов З.З., Атаджанов М.Б., Шарик Хан, Андреас Эдингер, Б.И.Андерссон
**Ижро органи: Раис – Ш.Б.Умурзаков.**
**Аудитор:** 2021 йил учун танланган – Deloitte.

## Асосий ишлаб чиқариш корхоналари:

«Ўзавто Моторс» АЖ (енгил автомобиллар), «СамАвто» МЧЖ ҚК (Isuzu автобуслари, юк автомобиллари ва D-Max пикаплари), «Uz Truck & Bus Motors» МЧЖ ҚК (MAN, Sinotruck юк автомобиллари), «Ўзавто Трейлер» МЧЖ (Камаз юк автомобиллари, тиркама ва ярим тиркамалар), «Жиззах автомобиль заводи» МЧЖ (енгил тижорат автомобиллари), «Ўзавто Моторс Пауэртрейн» АЖ (куч агрегатлари) ҳамда 25 та маҳаллийлаштириш корхоналари (автокомпанентлар).

## Савдо ва лизинг хизматлари корхоналари:

«Ўзавтосаноат-лизинг» Лизинг компанияси (жамият улуши – 80,4%), 11 та автотеххизмат корхоналари ва 7 та «Ўзавтосаноатсервис» МЧЖ корхоналари.

Жамиятнинг бошқарувига берилган қишлоқ хўжалиги корхоналари:

«TTZ» МЧЖ ва «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази» МЧЖ.

## Муҳим фактлар:

Ташкил қилинган сана: 1994 йил.

Ходимлар сони: 27 минг нафардан кўпроқ.

## Ҳисобот йилидаги муҳим воқелар

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларни қўллаб-кувватлаш мақсадида «Ўзавтосаноат» АЖ таркибида «Autosanoat Agro Lising» МЧЖ лизинг ташкилоти ўз фаолиятини бошлади.

Қозоғистон Республикаси Бош вазири Алихон Смаиловнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида UzAuto ва Allur Group АЖ (Қозоғистон) ўртасида Тошкентда янги мултибрендли автомобил комплекси ва автомобил онлайн-маркетплейси (савдо майдончаси) ташкил этиш хақида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

UzAuto Хитойнинг электромобиллар ишлаб чиқарувчи йирик компанияси BYD Auto Indastry билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олди.

«UzAuto Motors» компанияси Chevrolet Tahoe ва Traverse сотувини бошлади.

«UzAuto Motors» компанияси бозор имкониятларини кенгайтириб, Ливанга Chevrolet, Spark автомобилларининг биринчи партиясини юборди.

«UzAuto Motors» компанияси Асака шаҳридаги заводида тест синов тариқасида 16 дона янги «Tracker-2» «Non-Saleble» автомобилларини ишлаб чиқарди.

«UzAuto Motors» компанияси Миллий маркетинг маркази томонидан ташкил этилган «Йил бренди» танловининг «Транспорт» йўналишида онлайн овоз бериш жараёнида ғолибликни қўлга киритди.

## Барқарор бизнес мақсадлар

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсишини таъминлаш.

CBU автомобиллар экспорти улушини жами 30 фоизга ошириш (2019–2024 йй.)

Автомобил бутловчи қисмлари экспортини умумий ишлаб чиқаришнинг 25 фоизгача ошириш (2019–2024 йй.)

Маҳсулот таннархини 20 фоизгача пасайтириш (2019–2024 йй.).

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш (даромад солиғи, тарифлар, сертификатлаштириш ва бошқалар).

Соҳадаги инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

Ҳукумат ва хусусий сектор ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш.

Муҳандислик салоҳиятини ривожлантириш.

Ҳукумат ва хусусий сектор ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш.

| 2021 йил даромад кўрсаткичлари | Режа (млн сўм) | Амалда (млн сўм) |
|---|---|---|
| Соф тушум | 34 937,3 | 34 802,4 |
| Операцион фойда | 1 984,0 | 2 607,0 |
| Солиққача фойда | 1 784,0 | 2 508,7 |
| Соф фойда | 1 435,5 | 2 048,7 |










## Маҳсулот кесимида

| Маҳсулот | Ўлчов бирлиги | 2020 йил | | 2021 йил | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | режа | амалда | режа | амалда |
| Енгил автомобиллар | дона | 260 000 | 280 080 | 212 500 | 235 750 |
| Автобуслар | дона | 618 | 629 | 667 | 1 002 |
| Юк автомобиллари | дона | 4 628 | 4 176 | 5 558 | 4 462 |
| Енгил тижорат автомобиллари | дона | – | – | 1 000 | 917 |




| Қиймати | Ишлаб чиқариш | Ўсиш |
| --- | --- | --- |
| 31 185 млрд. сўм | 2021 йил | 89,1% |
| 34 052 млрд. сўм | 2020 йил | 95,8 % |
| 33 534 млрд. сўм | 2019 йил | 122,0 % |

## Корпоратив бошқарув

«Ўзавтосаноат» АЖ ягона акциядори 2016 йилдаги қарори билан Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинган.

Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари асосида Кузатув кенгаши қошида Аудит, Стратегия ва инвестициялар, Тайинлаш ва рағбатлантириш бўйича ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталари ташкил этилиб, Кузатув кенгаши аъзоларидан ҳар бир қўмитага кенгаш аъзоларидан 3 нафардан қўмита аъзолари сайланди. Қўмита ишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва Кузатув кенгаши таркибига 2 та мустақил аъзо киритилди.

## Ютуқлар

2021 йил январь ойида Қўқон шаҳрида расмий Škoda дилерлик маркази очилди.

Chevrolet Tracker автомобили янги авлодининг биринчи партияси сотувга чиқди.

Асака шаҳридаги «UzAuto Motors» заводида янги замонавий пайвандлаш цехи фойдаланишга топширилди.

2021 йил февраль ойида «UzAuto Motors» компаниясида SAP S/4HANA корхона ресурсларини бошқариш тизими (ERP-тизим)ни ишга туширилди.

«QBA IT» халқаро қўшма IT-компанияси тузилди.

2021 йил апрель ойида «UzAuto Trailer» ва «КАМАЗ» Ўзбекистонда тягачларни янги моделларини тақдим этди.

«Ўзавтосаноат» АЖ ва «Совкомбанк» ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

«Ўзавтосаноат» АЖ ва Қирғизистон Республикаси Энергетика ва саноат вазирлиги Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Boston Consulting Group (BCG) компанияси билан биргаликда ташкил этилган «Ўзавтосаноат» АЖ ва унинг таркибий корхоналарини ислоҳ қилиш бўйича трансформация офиси ўз фаолиятни бошлади.

«UzAuto Motors» АЖ ўзининг илк халқаро облигацияларии чиқарилишини эълон қилди.

2021 йил май ойида Хоразмдаги янги «UzAuto Motors» пресслаш мажмуаси очилди.

«СарыаркаАвтоПром» МЧЖ «SamAuto» МЧЖ ҚК билан ҳамкорликда Қозоғистоннинг шимолий ҳудудлари учун мослаштирилган СамАвто SAZ LE60 автобусларини ишлаб чиқаришни бошлади.

2021 йил июнь ойида «UzAuto Motors» АЖнинг енгил автомобилларини ишлаб чиқариш «UzAuto Motors Tadjikistan» қўшма корхонасини ташкил этиш бўйича битим имзоланди.

General Motors билан альянс шартномаси доирасида Auto Motors Chevrolet оммавий бозорида сотиладиган транспорт воситаларини Украинада сотишни бошлади.

«Минск трактор заводи» ОАЖ билан ўзаро келишув асосида Ўзбекистонга «Беларус» тракторлари келтиришни бошлади.

2021 йил июль ойида «UzAuto Motors» бошқарув ва ишлаб чиқаришни босқичма-босқич ўзгартириш ишлари доирасида, ягона платформадаги янги автомобил моделларини ишлаб чиқариш йўлга қўйишни бошлади.

2021 йил август ойида «UzAuto Motors» Тожикистон бозорида Chevrolet брендининг дилер марказни очди.

2021 йил сентябрь ойида Ҳажигабул шаҳрида (Озарбайжон) «UzAuto Motors» АЖ ва «SamAuto» заводи ишлаб чиқариш линияси очилди ва «UzAuto Motors» Chevrolet автомобилларини Озарбайжонда сотишни бошлаши ҳақида эълон қилди.

«UzAuto Motors» АЖ ва «Совкомбанк» 100 млн доллар қийматидаги аккредитивлар шартнома имзолади.

«Ўзавтосаноат» ва «Туркменистан-Моторс» Туркманистонда транспорт воситалари ишлаб чиқариш бўйича меморандум имзолади.

2021 йил октябрь ойида «Uz truck and bus motors» компанияси Тошкентда MAN TG3 юк автомобилларининг янги авлодини тақдим қилди.

2021 йил октябрь ойида тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган замонавий кўчма тиббиёт марказлари Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети мутахассислари томонидан «КАМАЗ» русумли автомашина ва «Исузу» автобуси негизида яратилди.

Самарқандда янги Volkswagen ва Škoda дилерлик марказлари очилди.

## Йирик лойиҳалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-72-сон қарорига мувофиқ «Ўзавтосаноат» АЖ томонидан умумий қиймати 800 млн. долларлик 5 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Шу жумладан:

1. Янги автомобиль моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

2. «SamAuto» МЧЖда ишлаб чиқаришни кенгайтириш

3. «UzAuto Motors Powertrain» АЖда янги автомобиль моделлари учун янги турдаги двигателларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

4. «Асака Сити» турар жой мажмуасини қуриш;

5. Замонавий қуйиш цехини ташкил этиш.

2022 йил якунига қадар ушбу лойиҳалар доирасида жами 157,6 млн. долл. маблағлар ўзлаштирилиши режалаштирилган ва «Янги автомобиль моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳасини ишга тушириш кутилмоқда.

Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида «UzAuto Motors» АЖда йиллик қуввати 190 мингта «Onix» ва «Tracker» русумли автомобиллари ишлаб чиқарилади.

## Ижтимоий масъулият

«Ўзавтосаноат» АЖнинг 2021 йилдаги энг муваффақиятли ижтимоий кампаниялари:

2021 йилда компания томонидан кўрсатилган ҳомийлик кўмаги миқдори 297 млрд сўмни ташкил этди.

Ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш, шунингдек, истиқболда бу йўналишда кадрларни тайёрлаш учун Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманида UzAuto томонидан IT-академия қурилиш лойиҳаси амалга оширилди. Замонавий мажмуа «Ўзавтосаноат» ташаббуси билан Ўзбекистонда ёшлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда АКТни ривожлантириш лойиҳалари доирасида амалга ҳаётга татбиқ этилди. Лойиҳа 3,5 гектар ҳудудда 8 500 кв.м. майдондан иборат бино қурилишидаги мажмуа концепциясини ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш ва қуришни ўз ичига олган.

Сўнгги техник талабларга мувофиқ жиҳозланган ёшлар марказидан унумли фойдаланиш мақсадида «Ўзавтосаноат» компанияси томонидан етакчи тадбиркор жалб этилган бўлиб, унинг раҳбарлиги остида «Astrum» IT-академияси ташкил этилди.

АКТ йўналишидаги машғулотлар жараёни Кремний водийси мутахассислари томонидан ишлиб чиқилган.

2021 йилда ёзувчиларнинг дам олиши ва ижод қилиши учун «Ўзавтосаноат» АЖ томонидан Паркент туманида қурилган Паркент ижод уйи лойиҳаси амалга оширилди. Маданий-ижодий майдон 2 га ҳудудда Паркент туманидаги «Заркент» маҳалласини ободонлаштириш доирасида бунёд этилди. 52 ўринга мўлжалланган кўркам 3 қаватли мажмуа маданий ва кўнгилочар тадбирларни очиқ ҳавода ўтказиш учун махсус амфитеатрни ўз ичига олган.

«Ўзавтосаноат» АЖ Ўзбекистоннинг номоддий маданий меросини асраш тарафдори ва «Мақом мактаби» ННТ ҳамда Ўзбек миллий мақом мусиқа санъати маркази бош ҳомийси ҳисобланади.

Ўтган йилда 28 млрд. сўм миқдоридаги молия маблағлари маданият, фан ва спорт соҳалари, шу жумладан, мақом, кинематография, «Зиё» фонди, Андижон футбол клубини ривожлантиришга йўналтирилди.

UzAuto томонидан Жиззах вилоятининг Арнасой туманидаги ободонлаштириш ишларига ўз ҳиссасини қўшиб, «Яшил макон» дастури доирасида 60 минг кўчат экилди.

Ўзавтосаноат соҳаси тармоқнинг ўзида 28 мингга яқин одам ва турдош соҳаларда 200 мингдан ортиқ инсонлар фаолият кўрсатади.

Жамият томонидан 2022 йилда бу соҳада яна 1200 та иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

# «ЎЗБЕКГЕОФИЗИКА» АЖ

## Жамият тўғрисида маълумот

**Асосий фаолият йўналиши:** нефть ва газга истиқболли структураларни қидириш, чуқур бурғу қудуқларида каротаж тадқиқотлари учун дала ва кон геофизикаси ишларини бажариш, бурғу қудуқларидан олинган намуналарнинг (керн) лаборатория тадқиқотларини ўтказиш, нефть ва газ конлари бўйича захираларни ҳисоблаш.

**Муҳим фактлар:**

Ташкил қилинган сана: 1957 йил.

Ходимлар сони: 4 093 та, шу жумладан 1 844 таси муҳандис-техник ходимлар.

Ҳудудлардаги таркибий бўлинмалари (филиаллари): «Устюрт геофизика экспедицияси» филиали – 2 та сейсморазведка партияси, 1 та кон-геофизика партияси; «Бухоро геофизика экспедицияси» филиали – 4 та сейсморазведка партияси, 1 та электроразведка партияси; «Фарғона геофизика экспедицияси» филиали – 3 та сейсморазведка партияси, 1 та кон-геофизика партияси, 1 та электроразведка партияси; «Амиробод кон-геофизика экспедицияси» филиали – 5 та кон-геофизика партияси; «Яккабоғ геофизика экспедицияси» филиали – 6 та сейсморазведка партияси; Бевосита бўйсинувчи бўлинмалар.



Б.Ф. Исламов



Р.А. Юсупжонов

**Давлат улуши – 96.8%**

Сайланган кузатув кенгаши аъзолари ва аудитор

**КК раиси:** Б.Ф. Исламов

**КК аъзолари:** А.Я. Хайдаров, А.Б. Абдуллаев, Т.Н. Набиев, Ш.Ш. Ахмедов, Ш.К. Мирхадиев, Ж.А. Абдушукуров, Н.Ж. Хусанов, Б.А. Маматов

**Ижро органи:** Р.А. Юсупжонов

**Аудитор:** «Deloitte & Touche»

## Ҳисобот йилидаги муҳим воқеалар

Ҳисобот йилида «Ўзбекгеофизика» АЖ томонидан нефть ва газ минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастури ва «Ўзбекнефтегаз» АЖ шартномалари доирасида нефть ва газга истиқболли тузилмаларни аниқлаш ва тайёрлаш мақсадида республикамизнинг барча нефть ва газга истиқболли ҳудудларида 26 та лойиҳа асосида дала геофизика ишлари амалга оширилди. Натижада 2Д сейсмик қидирув ишлари 9000 пог. км ҳажмда режага нисбатан 100,0 % га бажарилди. 3Д сейсмик қидирув ишлари 3 410 кв.км ҳажмда ва режага нисбатан 101,2 % га бажарилди. Бажарилган ишлар натижасида, 17 та нефть ва газга истиқболли структуралар тайёрланиб (режада 16 та, ўсиш кўрстаткичи 106,8%), чуқур бурғилашга топширилди. С3 тоифаси бўйича углеводородлар ресурслари заҳираси 80,764 млн тн ш.ё. эквивалентига оширилди ва режага нисбатан 146,8%, 2020 йилга нисбатан 135,5% ўсиш кўрсатгичига эришилди.

Кон геофизикаси йўналишида жамият томонидан республиканинг нефт ва газга бой маҳсулдор регионларида буюртмачилар («Ўзбекнефтегаз» АЖ, «Eriell» ва бошқа) томонидан берилган жами 2546 та буюртмалар бажарилди, шулардан 466 та буюртмага мувофиқ маҳсулдор қатламларда тўлиқ кон-геофизика тадқиқот ишлари ўтказилди.

## Барқарор бизнес мақсадлари.

Барқарор бизнес мақсадлар «Ўзбекгеофизика» АЖни молиявий соғломлаштириш, операцион самарадорликни ошириш, шунингдек ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган стратегияни амалга ошириш бўйича жамият томонидан ижро механизми, муддатлари ва масъул ижрочилари акс эттирилган «Йўл харитаси» тасдиқланди ва ижроси амалга оширилмоқда.

Маълумот учун. Ҳужжатларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш, жамиятни соғломлаштириш ва стратегияни ишлаб чиқиш «HLB Tashkent» МЧЖ халқаро аудит компанияси (халқаро рейтингда 10 таликка киради) томонидан бажарилди, уларга катта тўртликка кирувчи «Deloitte&Touche» МЧЖ халқаро компанияси аудит хулосасини берди.

| **2021 йил даромад кўрсаткичлари** | **Режа (млн сўм)** | **Амалда (млн сўм)** |
|---|---|---|
| Соф тушум | 443 000 | 454 413 |
| Операцион тушум | 5400 | 8721 |
| Солиққача тушум | 64 000 | 62 639 |
| Соф фойда | 51 000 | 51 440 |

| Иш тури | Ўлчов бирлиги | 2020 йил | | 2021 йил | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Режа | Амалда | Режа | Амалда |
| Сейсмик қидирув 2Д | пог.км | 9100 | 9100 | 9000 | 9000 |
| Сейсмик қидирув 3Д | кв.км | 2500 | 2500 | 3410 | 3410 |
| Структуралар тайёрлаш | объект | 16 | 16 | 16 | 17 |
| $C_3$ тоифаси бўйича углеводородлар заҳирасини ўстириш | млн т.ш.ё | 47,0 | 59,6 | 53,0 | 80,8 |















### Корпоратив бошқарув

«Ўзбекгеофизика» АЖ акциядорлар умумий йиғилишининг 2016 йил 29 июндаги қарори билан 2017 йил 1 январдан Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 2015 йил 30 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган «Корпоратив бошқарув кодекси»га риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

Кузатув кенгашининг карори асосида кенгаш қошида Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталари ташкил этилди.

2021 йил якуни бўйича жамиятда Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра, умумий 995 баллни ташкил этиб, яъни «юқори» деб топилди.

Замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида Кузатув кенгаши таркиби янгиланди ва унда 2 та мустақил аъзолар кўзда тутилди.

### Ютуқлар

Жамиятнинг трансформация офиси доирасида харидлар тизимини автоматлаштириш ва асосий ускуналар ва транспортлар таъмирлаш жараёнини масофадан бошқаришни жорий этиш мақсадида 1С ERP тизимини жорий этиш бошланди. Ҳисобот даврида дастурий таъминот етказиб бериш ва жамият серверини тегишли кучайтириш учун қўшимча деталлар харид қилиш ишлари амалга оширилди. Тасдиқланган «Йўл харитаси»га кўра 2022 йил ноябрь ойигача тизимни жорий этишни якунлаш кўзда тутилган.

Шунингдек, жамият фаолиятини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда дала ва кон геофизикаси маълумотлари олиш, қайта ишлаш ва талқин қилиш бутун вертикал бўйлаб тўлиқ рақамлаштирилди.

Масалан, рақамли форматдаги дала шароитида олинган материаллар онлайн тарзда қайта ишлаш марказига юборилади, замонавий дастурий комплексда қайта ишланади ва талқин қилинади. Натижада, геофизик маълумотларнинг олиш тезлиги, уларнинг сифати ва ишончлилик даражаси сезиларли ошди.

Жорий этилган рақамли геотехнологик станцияларидан буюртмачиларнинг нефть-газ қудуқларида бурғилаш жараёни ҳолати ва кўрсаткичлари мутахассисларимиз томонидан масофадан (Тошкентдан ҳам) туриб онлайн режимда кузатилади ва назорат қилинади.

Шунингдек, жамиятда геофизика маълумотларининг ягона электрон базаси яратилган бўлиб, 1957 йилдан бошлаб олинган материаллар рақамли кўринишда тўлдириб борилмоқда. Бу ишларни 2023 йил охиригача якунлаш кўзда тутилган.

### Йирик лойиҳалар

Ҳисобот даврида замонавий ускуналар жорий этилиши натижасида, Давлат дастури доирасида ва бошқа шартномавий ишларни тўлиқ, сифатли ва ўз муддатларида самарали бажаришга эришилди. Хусусан,

– АҚШ нинг INOVA компаниясининг G3I марказий сейсмик қайд қилиш станцияси жорий этиш орқали янги 3D сейсмик қидирув партиясини ташкил этиш ва йил давомида қўшимча 800 кв.км ҳажмда ишларни бажариш имконини берди. Шу билан бирга ишлаб чиқариш физик унумдорлигини ва кузатув карралигини 2 ҳисса оширишга, 5000 метр чуқурликгача ётувчи истиқболли қуйи геологик қатламларни ўрганишга муваффақ бўлинди. Бажарилган ишлар натижасида Шўртан кони ҳудудида терриген юра горизонтида жойлашган истиқболли структура аниқланиб, «Ўзбекнефтегаз» АЖ га чуқур бурғилашга тавсия берилди;

– Россияда ишлаб чиқарилган «Прогресс-Т3» 1200 каналли 2D телеметрик сейсмик комплекси Сурхондарё вилоятида Коштар лойихасида тадбиқ этилди. Чуқур ва мураккаб геологик қатламларни кўп каналли телеметрик 2D мажмуаси билан мураккаблаштирилган услубиёт билан амалга оширилмоқда. Янги комплекс ишлаб чиқариш самарадорлигини ва кузатув карралигини 2 ҳисса оширишга ва Сурхондарё ҳудудида янги углеводород конларини очиш имкониятларини беради;

– ишлаб чиқаришга янги жорий этилган Россияда ишлаб чиқарилган АГИП-К прибори орқали қудуқ қатламларидан намуналар олиб нефть ва газга тўйинганлик даражаси тўғридан-тўғри аниқлаш имконини берди. КАСКАД ускунаси қия қазилган қудуқларда кон-геофизика ишларининг тўлиқ мажмуасини ўтказиш имконини берди.

### Ижтимоий масъулият

Ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш жамиятнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат жамият кундалик фаолиятида ушбу соҳада режалаштирилган барча чора-тадбирларни таъминлаш ва амалга оширишга бўлган эътиборнинг кучайишини олдиндан белгилаб берди.

2021 йилда жамият ходимларига таътилга кетаётганда даволаниш учун 4,4 млрд сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Миллий байрамлар (Наврўз, 8 март, Рўза-Хайит, Қурбон-Хайит, Мустақиллик куни, Конституция куни) муносабати билан тадбирлар ўтказиш ва ходимларга моддий ёрдам тариқасида 13,2 млрд. сўм ажратилди.

Ноқулай табиий - иқлим, шунингдек, оғир, зарарли меҳнат шароитида ишлаганлик учун компенсация тўловлари 3,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Ходимларнинг юбилей санаси муносабати билан (50,60,70 йиллиги шарафига) 199,5 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Жамият ходимларига жамоа шартномасида назарда тутилган аризалар ва бошқа бир марталик тўловлар бўйича 6,5 млрд сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, шундан нафақага чиққанлиги муносабати билан ходимларга бир марталик нафақа тўловлари 609,5 млн. сўмни ташкил этди.

# «ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО» АЖ

## Компания тўғрисида маълумот

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5044-сон Фармони ва 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2972-сон Қарорига асосан ташкил этилган.

Компаниянинг асосий фаолияти Гидроэлектростанцияларда электр энергиясини ишлаб чиқариш.

**Муҳим фактлар:**

**Ташкил қилинган сана:** 18.05.2017 йил.

**Фаолият тури:** электр энергиясини ишлаб чиқариш.

**Ходимлар сони:** 4,4 минг нафардан кўпроқ.

Жамиятнинг тизимидаги ташкилотлар қуйидагилардир:

4 та акциядорлик жамияти;
7 та маъсулияти чекланган жамият;
15 та унитар корхона.



М.П. Оллоёров



А.А. Сангинов

**Давлат улуши – 100 %**
Сайланган кузатув кенгаши аъзолари ва аудитор
**КК раиси:** М.П. Оллоёров
**КК аъзолари:** Ш.Х. Ходжаев, И.А. Ниматуллаев, А.Б. Махмудов, Х.Б. Мустафаев, С.С. Қурбоналиев
**Ижро органи:** А.А. Сангинов
**Аудитор:** PWC

## Жамиятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

гидроэлектр станцияларда электр энергияси ишлаб чиқариш соҳасида ягона техник сиёсатни амалга ошириш, гидротехник иншоотлардан хавфсиз ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, гидроэнергетика объектларни марказлаштирилган технологик бошқариш;

гидроэнергетика салоҳиятини комплекс ўзлаштириш асосида гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда республикамизнинг энергетика баланси таркибида гидроэнергетиканинг улушини кўпайтиришни таъминлаш;

йирик, ўрта, кичик ва микро гидроэлектр станцияларни лойиҳалаштириш ҳамда қуриш соҳасида замонавий ва ҳар томонлама чуқур асосланган илмий-техник ечимлар асосида янги гидроэлектр станциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизациялаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

янги гидроэлектр станциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этиш бўйича халқаро компаниялар ва молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

республикамизнинг сув салоҳиятига тежамкорлик билан муносабатда бўлишни таъминлаш, гидротехника иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланишда мавжуд флора ва фаунани сақлаш, шунингдек, мамлакатимизнинг иқлим, табиий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини самарали бошқариш;

гидроэнергетика соҳасида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрларни тизимли асосда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ресурсларини ягона бошқарув системасини шакллантириш ва гидроэнергетика обьектларини марказлашган технологик бошқарувини таьминлайди.

## Жамият мақсади Гидроэнергетикани янада ривожлантириш

Электр энергиясини ишлаб чиқаришда мамлакатимиздаги табиий ва сунъий сув оқимларининг мавжуд гидросалоҳиятидан ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдала-

ниш кўламини янада кенгайтириш, соҳага хусусий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш ҳамда шу асосда янги экологик тоза энергия ҳосил қилувчи қувватларни ривожлантириш.

## Ҳисобот йилидаги муҳим воқеалар

Жамият томонидан 2021 йилда умумий қуввати 174 мегаватт тенг 3 та лойиҳа ишга туширилди. Жумладан, «Тўполанг дарёсида Зарчоб-2 кичик ГЭСлар каскадини қурилиши», «Чирчиқ-Бозсув трактида Камолот ГЭСини қурилиши» ҳамда Фарход ГЭС модернизация қилиш.

| 2021 йил даромад кўрсаткичлари | Режа (млрд сўм) | Амалда (млрд сўм) |
|---|---|---|
| Соф тушум | 1 327,8 | 1 073,0 |
| Бошқа даромадлар | 12,1 | 12,1 |
| Молиявий фаолият даромадлар | 0,6 | 0,6 |

| Маҳсулот | Ўлчов бирлиги | 2020 йил | | 2021 йил | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Режа | Амалда | Режа | Амалда |
| Электр энергия ишлаб чиқариш | млн.кВт.с | 6 450 | 5 020 | 6 200 | 5 010 |
| Маҳаллийлаштирилган маҳсулот | млн.долл. | 0,954 | 1,026 | 1,019 | 1,037 |
| Инвестицияларни ўзлаштириш | млн.долл. | 159,4 | 159,4 | 163,5 | 163,5 |
| Фойдаланишга топширилган лойиҳалар | сони | 6 та | 6 та | 3 та | 3 та |















## Корпоратив бошқарув

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5044-сон Фармони ва 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2972-сон Қарорига асосан «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ташкил этилган.

2017 йилда жамият ягона акциядори қарори билан Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармон ижроси юзасидан жамият Кузатув кенгашининг қарорлари асосида Кузатув кенгаши қошида Аудит, Харидлар, Инвестиция ва стратегиялар ҳамда Рағбатлантириш бўйича Қўмиталар ташкил этилиб, Кузатув кенгаши аъзоларидан ҳар бир қўмитага кенгаш аъзоларидан 3 нафардан қўмита аъзолари ва котиблари сайланди ҳамда қўмиталар ишини тартибга солувчи тегишли низомлар тасдиқланди.

## Ютуқлар

Жамият 2020 йилда республикамизда ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида биринчилардан бўлиб «Fitch Ratings» халқаро кредит рейтингининг «B+» (барқарор) даражасини қўлга киритди.

Шунингдек, амалга оширилган тадбирлар натижасида 2021 йилда «Фитч Ратингс» халқаро кредит рейтингининг оширилган «BB-» (барқарор) даражасини қўлга киритиш эришилди.

Мазкур рейтинг даражаси, «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини жаҳоннинг машҳур инвесторлар бозорларига аниқ ва равшан бизнес стартегиясига, шаффоф молиявий ҳисоботларига ва кучли корпоратив бошқарув тизимига эга биринчи ўзбек ишлаб чиқарувчи корхонаси сифатида танитди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон қарорига мувофиқ «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг энергия хосил қилувчи корхоналарида ISO 50001 халқаро стандартинини жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда ISO 37001:2016 «Коррупцияга қарши кураш бошқарув тизими. Фойдаланиш бўйича кўрсатма ва талаблар» халқаро стандартини жорий қилиш мақсадида жамият фаолияти «Cert International» МЧЖ халқаро сертификатлаштириш органи томонидан тегишли аудитдан ўтказилиб, натижада

ISO 37001:2016 бўйича миллий мувофиқлик ҳамда халқаро сертификатлар қўлга киритилди.

## Йирик лойиҳалар

Инвестиция дастурига мувофиқ жамият томонидан умумий қиймати 1 302 млн. доллар жами қуввати 797 МВт бўлган 13 та инвестиция лойиҳалари доирасида қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

2022 йилда жами 185,4 млн. доллар (ўтган йилга нисбатан 113 %), шундан, 104,3 млн. доллар – жамият ўз маблағлари ва 81,2 млн. доллар - хорижий кредит ҳисобига ўзлаштирилиши режалаштирилган.

2022 йилда умумий қуввати 258 МВт ва қиймати 187,0 млн. доллар бўлган 7 та лойиҳалар ишга туширилиши кўзда тутилган. Шундан, 3 та янги қурилиш (Шаудар, ПК 135+50, 102+00 ГЭС қурилиши) ва 4 та модернизация (Тўполанг, ГЭС-1, ГЭС-10, ГЭС-2Б) лойиҳалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги «Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-99-сон қарорига мувофиқ, 2022 йилда 13,6 млрд. сўмлик (ўтган йилга нисбатан 120 %) 6 та янги маҳсулот турини маҳаллийлаштириш режалаштирилган.

## Ижтимоий масъулият

Жамият ва тизимдаги корхоналарда фаолият олиб бораётган барча эркак ва аёл ходимлар учун бир хил шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бу айниқса, ижтимоий масалаларда аниқ кўринади.

Жумладан, тизимда фаолият олиб бораётган барча ходимлар учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ зарурий меҳнат шароитлари яратилган, иш жиҳозлари билан таъминланган.

Жамиятда тизимда фаолият олиб бораётган иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш ва раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш тизими яратилган бўлиб, яқин келажакка мўлжалланган кадрлар захираси шакллантирилган.

Анъанага кўра, 2021 йилда ҳам Жамият томонидан бунёдкорлик ишларининг бош омили бўлган ишчи ходимларга алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчи навбатда ходимларнинг иш ҳақини ошириш, меҳнат қилиш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўртача ойлик иш ҳақи 2021 йилда 5 400 минг сўмга етказилишига эришилди.

Ходимларни соғломлаштириш, уларни куз-қиш фаслида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан текин таъминлаш, самарали меҳнати учун рағбатлантириш тизимли равишда йўлга қўйилди.

# «ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ» АЖ

## Компания тўғрисида маълумот

Жамиятнинг асосий фаолияти иссиқлик электр станциялари ҳамда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи электр марказларини бошқариш ҳамда республика иқтисодиёти ва ахолисининг эхтиёжларини қаноатлантирилишини таъминлаш мақсадида, мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш хисобига, балансда белгиланган миқдорда электр ва иссиқлик энергиясини хосил қилинишини таъминлаш.

**Муҳим фактлар:**

**Ташкил қилинган сана:** 2019 йил.

**Маҳсулотлари:** электр ва иссиқлик энергияси

**Экспорт ҳажми:** мавжуд эмас.

**Экспорт йўналишлари:** мавжуд эмас

**Ходимлар сони:** 128 нафар.

**Эгаллаб турган майдон:** 1 гектар.

**Ишлаб чиқариш майдони:** мавжуд эмас.

Жамиятнинг таркибидаги (тизимдаги) корхоналар 12 та, шундан:

10 та акциядорлик жамиятлари;

1 та маъсулияти чекланган жамият;

1 та унитар корхона.



**А.Ж. Ортиков**



**Ф.М. Абдурахманов**

**Давлат улуши – 100%**

Сайланган кузатув кенгаши аъзолари ва аудитор

**КК раиси:** А.Ж. Ортиқов

**КК аъзолари:** Ж.И. Абруев, Ш.Х. Ходжаев, С.О. Усмонов, Қ.А. Усмонов, Б.А. Маматов.

**Ижро органи:** Ф.М. Абдурахманов.

**Аудитор:** Deloitte

Тизим ташкилотлари томонидан электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш мақсадида Жамиятнинг тегишли бўлинмалари мавжуд. Жамият электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли бошқарув хўжалик субъекти бўлиб, ўз фаолияти давомида таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари, ташкилотлари, корхоналари ва филиалларини услубий бошқаради ва уларнинг ишларини мувофиқлаштиради.

Шу билан бирга, ишлаб чиқарувчи қувватларни замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар асосида, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш Жамият фаолиятининг асосий йуналишлари ва вазифаларидан бирига киради.

## Ҳисобот йилидаги муҳим воқеалар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 апрелдаги 210-F-сонли фармойишига асосан аниқ йўналишлар бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди. Биринчи навбатда инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштирилиши кўриб чиқилди ва «Электр энергетика сектори салоҳиятини ривожлантириш (2-босқич) инвестиция лойиҳаси доирасида 24,5 миллион АҚШ доллари иқтисод қилишга эришилди. Жамиятнинг 2019–2020 йиллар учун тузилган молиявий ва бухгалтерия ҳисоботлари халқаро стандартлар асосида «Катта тўртлик»ка кирувчи Deloitte халқаро компанияси томонидан аудитдан ўтказилди ҳамда ижобий хулосалари олинди. «Катта тўртлик»ка кирувчи KPMG халқаро компанияси томонидан 6 та йўналиш бўйича ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш моделлар ишлаб чиқилди. Ёқилғи самарадорлиги ташаббуси бўйича, шартли ёқилғининг солиштирма сарфини реал вақтда мониторингини олиб бориш учун аналог-рақамли конверторлар ва дастурий таъминот Тошкент ИЭСнинг 4 – блокига синов тариқасида ўрнатилди ва шартли ёқилғининг солиштирма сарфи 2,49 грамм/кВт.с га ёки жорий йил 4 ой давомида 280 миллион сўмлик 424 минг метр куб табиий газ иқтисод қилишга эришилди. Ушбу пилот лойиҳа ўз натижасини берганини инобатга олиб Тахиатош ИЭС, Навоий ИЭС мавжуд энергоблокларда ушбу лойиҳани амалга ошириш ишлари бошланди.

## Барқарор бизнес мақсадлар

Жамиятнинг фаолият мақсади даромад олиш ҳисобланади. Жамият шунингдек, ўз фаолиятини қуйидаги мақсадларда амалга оширади: республика иқтисодиёти ва ахолисини электр ва иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш, электр ва иссиқлик энергияси хосил қилувчи корхоналарни ривожлантиришнинг қиска муддатли ва узоқ муддатли истиқболларини, ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш.

Республиканинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини, энергоресурслар импортига боғлиқ бўлмаган ҳолатда, ички электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобига таъминлаш мақсадида «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2022–2026 йилгача ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилган.

| 2021 йил даромад кўрсаткичлари | Режа (млн. сўм) | Амалда (млн сўм) |
|---|---|---|
| Асосий фаолиятдан тушум | 128 404 | 150 181 |
| Молиявий фаолиятдан тушум | 5 900 | 321 908 |
| Солиққача фойда | 95 647 | 372 326 |
| Соф фойда | 89 831 | 360 147 |

| Маҳсулот | Ўлчов бирлиги | 2020 йил | | 2021 йил | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Режа | Амалда | Режа | Амалда |
| Электр энергияси ишлаб чиқариш | млн.кВт | 51 425,4 | 54 422,1 | 56 703,0 | 60 510,21 |
| Иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш | минг Гкал | 6 932,9 | 6 221,7 | 5 268,8 | 5 599,75 |



Молиявий мақсадлар



Даромад



Гендерлик нисбати



Ишлаб чиқариш суръати

## Корпоратив бошқарув

2020 йил «Иссиқлик электр станциялари» АЖ ягона акциядорининг қарори билан Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 2015 йил 30 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

Жамият ягона акциядори ва кузатув кенгаши қарорлари асосида кузатув кенгаши қошида, кузатув кенгаши аъзоларидан иборат аудит қўмитаси, стратегия ва инвестициялар қўмитаси, тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилди. Қўмиталар ишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

## Ютуқлар

1. Жамиятнинг 2019–2020 йиллар учун тузилган молиявий ва бухгалтерия ҳисоботлари халқаро стандартлар асосида «Катта тўртлик»ка кирувчи «Deloitte&Touche» халқаро компанияси томонидан аудитдан ўтказилди ҳамда ижобий хулосалари олинди.

2. «Катта тўртлик»ка кирувчи КПМГ халқаро компанияси томонидан 6 та йўналиш бўйича ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш моделлар ишлаб чиқилди.

3. Операцион самарадорликни ошириш мақсадида «McKinsey & Company» халқаро консалтинг компанияси томонидан ўрганишлар ўтказилди ва натижада 60 банддан иборат ташаббуслар (йўл харитаси) белгилаб олинди. Белгиланган ташаббусларни амалга ошириш натижасида 2025 йилга келиб, 1,2 триллион сўмлик натижага тезкорлик билан эришиш мумкинлигини 316 миллиард сўм инвестиция киритиш натижасида 3,6 триллион сўмгача молиявий манбалар вужудга келиши бўйича тавсиялари кўрсатиб ўтилди.

4. Марказий аппаратда Иссиқлик электр станциялари ва марказларидаги энергоблокларни барқарор ишлашини мониторинг қилиш ва тезкорлик билан тегишли чораларни кўриш учун мониторинг маркази ташкил этилди.

5. Халқаро кредитларни давлат кафолатисиз жалб қилиш мақсадида жорий йил якунига қадар КПМГ билан тузилган шартномага асосан «Катта учлик»га кирадиган Фитч Ратингс халқаро компанияси кредит рейтингини олиш бўйича шартнома тузиш бўйича Кузатув кенгашининг розилиги олинди.

## Йирик лойиҳалар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги «Энергетика вазирлиги ҳузурида «Миллий диспетчерлик маркази» давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида» 126-сон қарорига мувофиқ Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлигининг «Иссиқлик электр станциялари» АЖ ва «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ тизимидаги ташкилотларни ушбу жамиятларнинг ҳудудий филиаллари этиб қайта ташкил этиш таклифларига розилик берилган. Бугунги кунда тизим корхоналарини филиалларга айлантириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тажрибали инвестиция банкини жалб этиб, 2022 йил якунига қадар «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг, шу жумладан акцияларини оммавий жойлаштириш (ИПО) орқали камида 49 фоиз улушини, шунингдек, «Иссиқлик электр станциялари» АЖдаги 51 фоиз ва ундан юқори миқдордаги давлат улушини хусусийлаштириш ишларини бошлаш кўзда тутилган.

«Иссиқлик электр станциялари» АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида» ПҚ-72-сон Қарорига асосан Ҳукумат кафолати остидаги 4 та йирик лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Қарорда белгиланган муддатда, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида янги 2264 МВт қувватга эга энергоблоклар ишга туширилади. Ушбу лойиҳалар ОТБ, ЕТТБ ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги маблағлари ҳамда станцияларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда.

## Ижтимоий масъулият

«Иссиқлик электр станциялари» АЖ таркибидаги «Талимаржон ИЭС» АЖ тасарруфида болалар оромгоҳи мавжуд. Болалар оромгоҳи 250 ўринли бўлиб, «Талимаржон ИЭС» АЖ ишчи-ходимларининг фарзандларини ёзги таътилда 4-смена соғломлаштириш ва дам олишларини ташкиллаштириш учун мўлжалланган, бугунги кунда тўллиқ қувватда ишламоқда. Болалар оромгоҳи Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида жойлашган (оромгоҳ бўйича маълумотлар илова қилинади).

# «ЎЗАГРОСУҒУРТА» АЖ

## Жамият тўғрисида маълумот

Жамият асосий фаолиятини умумий суғурта тармоғи бўйича 17 та суғурта классларии бўйича амалага ошириб келмоқда, жами 100 тадан ортиқ суғурта маҳсулотларига (суғурта турларига) эга. Бугунги кунда компания томонидан нафақат йирик шаҳарларда, балки мамлакатнинг энг чекка ҳудудларига қадар сифатли суғурта қилиш хизматлари кўрсатилмоқда. Республика бўйлаб жами 191 та суғурта маркази ва 179 та агентлик шаҳобчалари мижозларга қулай ва тезкор хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, компаниянинг юридик ва жисмоний агентлари сони 1000 нафардан ошади.

**Муҳим фактлар:**

**Ташкил қилинган сана:** 1997 йил.

**Маҳсулотлари:** 140 дан ортиқ мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари.

**Устав капитали:** 108,9 млрд. сўм.

**Активлар:** 271,9 млрд. сўм.

**Ходимлар сони:** 1305 нафар.

**Йирик акциядорлар:**

Молия вазирлиги (94,56%),
«Ўзпахтасаноат» АЖ (3,24%),
«Агробанк» АТБ (1,56%)



**М.М. Мирзаев**



**Ш.Г. Расулов**

**Давлат улуши – 94,56%**

Сайланган кузатув кенгаши аъзолари ва аудитор.

**КК раиси:** М. Мирзаев.

**КК аъзолари:** Э. Рустамов, Ф. Карабаев, Х. Мустафаев, А. Мўминов, А. Ниязов, М.Миралиев.

**Ижро органи:** Ш. Расулов.

**Аудитор:** Grant Thornton

## Ҳисобот йилидаги муҳим воқелар

1. «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги билан 2019 йил 21 мартда имзоланган ID 00023293.0-сон шартномага қўшимча келишув асосида Жамият томонидан олинган халқаро рейтингни тасдиқлаш бўйича ишлар амалга оширилиб, 2020 йил декабрь ойида «BB-Stable» халқаро рейтинги «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги томонидан тасдиқланди хамда 2021 йил сентябрь ойида ушбу рейтинг қайта тасдиқланди.

2. Жамиятнинг 2019–2020 йиллар фаолияти якунларини халқаро аудитдан ўтказиш мақсадида «Grant Thornton International» халқаро аудит ташкилоти билан 2020 йил 16 мартда ва 2021 йил 24 мартда шартномалар имзоланиб, аудит жараёни якунланиб ижобий аудит хулосалари олинди.

Шунингдек, Жамият ва «Grant Thornton International» халқаро аудит ташкилоти ўртасида 2022 йил 17 январда аудиторлик хизматларини кўрсатиш юзасидан шартнома имзоланган бўлиб, мазкур шартнома асосида 2021 йил фаолияти якунларини халқаро аудитдан ўтказилди ва ижобий хулоса олинди.

3. Жамиятнинг ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарлари (МҲХС) асосида тайёрлаш жараёнида Жамиятнинг активларини халқаро стандартлар асосида баҳолаш мақсадида, «Veritas» халқаро баҳоловчи ташкилоти билан 2020 йил 6 мартда 02/114-сон шартнома имзоланган бўлиб, Жамиятнинг активлари халқаро стандартлар асосида мустақил баҳолаш ҳисоботи олинди ҳамда ҳисоботларни МҲХС асосида тайёрлаш жараёнида фойдаланилмоқда.

4. Жамиятнинг 2021–2022 йиллар учун мўлжалланган бюджет лойиҳаси ишлаб чиқилди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сон қарорига асосан 19 дона бино-иншоотлари Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат мулки сифатида баланс қийматида ўтказилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 сентябрдаги 757-сон қарорига мувофиқ 22 млрд. сўмлик 64 дона бино-иншоотлари очиқ аукцион орқали ҳамда 1 млрд сўмлик 69 дона эскирган ва ёроқсиз ҳолга келган автотранспорт воситалари сотилди.

6. Жамият тизимида онлайн кўрсатилаётган умумий суғурта хизматлари қамров даражасини оширишга мўлжалланган «Online Polis» ахборот тизими ишлаб чиқилди ва ушбу тизим учун муаллифлик ҳуқуқини олиш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан 2021 йил 5 февралда ахборот тизими муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи DGU 10141-сон гувоҳнома олинди.

7. Жамият ягона ахборот тизимини жорий қилиш бўйича «UzagrosOnline» дастурий таъминоти тизими ишлаб чиқилди ва ушбу тизим учун муаллифлик ҳуқуқини олиш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан 2021 йил 5 февралда ахборот тизими муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи DGU 10142-сонли гувоҳнома олинди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6079-сон Фармонига асосан мажбурий суғурта турлари портфелини шакллантирувчи ахборот тизимини «UzagrosOnline» ягона электрон ахборот тизимига интеграция қилиш мақсадида полисларни онлайн (E-polis) расмийлаштириш ҳамда Жамиятнинг расмий веб сайти орқали ҳам E-polisларни харид қилиш имконияти яратилди.

| Кўрсаткичлар | Режа (млн. сўм) | Амалда (млн. сўм) |
|---|---|---|
| Суғурта мукофотлари | 260 000,0 | 261 033,2 |
| Суғурта товонлари | 61 651,3 | 34 897,5 |
| Суғурта мажбурияти | 91 114 400,0 | 83 570 057,1 |
| Соф фойда | 8 044,4 | 8 115,6 |

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирликлари | 2019 й. | 2020 й. | Ўзгариш, % | 2021 й. | Ўзгариш, % |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **• Устав капитали** | **млрд.сўм** | **109,0** | **109,0** | *100* | **109** | *100* |
| **• Суғурта мукофоти** | **млрд.сўм** | **252,7** | **178,2** | *71* | **261,0** | *146* |
| *шундан, қишлоқ хўжалиги* | **млрд.сўм** | **90,6** | **56,0** | *62* | **2,1** | *4* |
| **• Суғурта товони** | **млрд.сўм** | **97,6** | **91,4** | *94* | **35,3** | *39* |
| *шундан, қишлоқ хўжалиги* | **млрд.сўм** | **64,5** | **44,4** | *69* | **7,8** | *18* |
| **• Суғурта жавобгарлиги** | **трлн.сўм** | **68,7** | **74,3** | *108* | **83,4** | *112* |
| *шундан, қишлоқ хўжалиги* | **трлн.сўм** | **2,2** | **1,4** | *64* | **0,2** | *14* |
| **• Инвестициялар** | **млрд.сўм** | **158,8** | **167,1** | *105* | **156,6** | *94* |
| **• Активлар** | **млрд.сўм** | **283,5** | **293,9** | *104* | **271,9** | *93* |
| **• Қопланмаган зарар** | **млрд.сўм** | **56,7** | **51,6** | *91* | **45,2** | *88* |
| **• Соф фойда** | **млрд.сўм** | **6,2** | **6,7** | *108* | **8,1** | *121* |
| **• Худудий бўлинмалар (марказлар) сони** | **дона** | **216** | **224** | *104* | **213** | *95* |
| **• Ходимлар сони** | **дона** | **1 431** | **1 012** | *71* | **800** | *79* |
| **• Суғурта агентлари сони** | **дона** | **1 832** | **1 146** | *62* | **1305** | *114* |

Суғурта бозори.
Суғурта шартномалари




Суғурта бозори.
Суғурта мукофоти




Суғурта бозори.
Суғурта товони



## Корпоратив бошқарув

«Ўзагросуғурта» АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг 2016 йилдаги қарори билан Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари асосида Кузатув кенгаши қошида Аудит қўмитаси ташкил этилиб, Кузатув кенгаши аъзоларидан 3 нафардан қўмита аъзолари сайланди. Қўмита ишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими самарадорлиги ҳар йили баҳоланиб, Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши муҳокамасига киритилади.

2020 йил якунларини бахолаш натижасида Жамиятга 902 балл берилган. Бу йилги бахолаш ишлари давом этмоқда.

## Ютуқлар

«Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги билан

2019 йил 21 мартда имзоланган ID 00023293.0-сон шартномага қўшимча келишув асосида Жамият томонидан олинган халқаро рейтингни тасдиқлаш бўйича ишлар амалга оширилиб, 2020 йил декабрь ойида «BB-Stable» халқаро рейтинги «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги томонидан тасдиқланди хамда 2021 йил сентябр ойида ушбу рейтинг қайта тасдиқланди.

Жамиятнинг 2021 йил фаолияти якунларини халқаро аудитдан ўтказиш мақсадида «Grant Thornton International» халқаро аудит ташкилоти билан 2022 йил 17 январда шартномалар имзоланиб, аудит жараёни якунланиб ижобий аудит хулосалари олинди.

Жамиятнинг ҳисоботларни молиявий ҳисботнинг халқаро стандарлари (МҲХС) асосида тайёрлаш жараёнида Жамиятнинг активларини халқаро стандартлар асосида баҳолаш мақсадида, «Veritas» халқаро баҳоловчи ташкилоти билан 2020 йил 6 мартда 02/114-сон шартнома имзоланган бўлиб, Жамиятнинг активлари халқаро стандартлар асосида мустақил баҳолаш ҳисоботи олинди ҳамда ҳисоботларни МҲХС асосида тайёрлаш жараёнида фойдаланилмоқда.

Жамиятни трансформация қилиш жарёнида Осиё тараққиёт банки томонидан «Economic Management Improvement Program» лойиҳаси бўйича «Ўзагросуғурта» АЖ фаолияти юзасидан 2022 йил февраль ойидан бошлаб диагностика ўтказилмоқда.

## Йирик лойиҳалар

«Challenge Group – Insurance consultants and Brokers Ltd» Lloyd’s суғурта бозори (Россия) брокери билан 2019 йилдан бери ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирда ушбу брокер билан кирувчи ва чиқувчи қайта суғурта фаолияти доирасида қайта суғурта шартномалари, қайта суғурта слиплари имзоланиб келинмоқда.

«ConsiliumRe» (Lloyd’s of London Broker) суғурта бозори (Лондон) брокери билан 2016 йил 1 апрелда 24/Узагрос-2016 бош келишув имзолаган бўлиб, ҳозирда ушбу брокер билан киривчи ва чиқувчи қайта суғурта фоалияти доирасида қайта суғурта шартномалари, қайта суғурта слиплари имзоланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон Фармони билан 2021–2023 йилларда акциялари фонд биржаси орқали оммавий жойлаштирилиши белгиланган корхоналар рўйхатига «Ўзагросуғурта» АЖ ҳам ўрин олган.

Ушбу Фармон билан 2023 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий эмитентлар ўз акцияларини дастлаб республика фонд биржасида жойлаштиргандан сўнг андеррайтер тавсиясига кўра, хорижий фонд бозорларида жойлаштириши мумкинлиги белгиланган.

# АО «БИОКИМЁ»

## Компания тўғрисида маълумот

Компаниянинг асосий фаолияти этил ректификатланган истеъмол ва техник спирт ишлаб чиқаришдан иборат.

Компания маҳсулотлари ички бозорда сотилади ва юқори баҳоланади. Компания ректификатланган этил спиртнинг икки турини ишлаб чиқаради: истеъмол спирти – буғдой хом ашёсидан техник спирт – эфироальдегид фракция хом ашёсидан тозалаш даражасига қараб, ректификациялаган етил спирти икки нави ишлаб чиқарилади: «Люкс» ва «Алфа».

Бу табиий, экологик тоза, генетик модификацияланган маҳсулотлардан фойдаланмасдан ишлаб чиқарилиши кафолатланган маҳсулотлар. Соҳа мутахассислари махсулотни Ўзбекистондаги энг сифатли ҳисоблайди ва эътироф этади. Сифатни қатъий назорат қилиш ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида амалга оширилади, технологик интизомга қатъий риоя қилинади. Тайёр маҳсулотлар «Алкоголли ичимликлар хавфсизлиги бўйича умумий техник Регламент» ва O`zDSt 3115:2016 «Озиқ-овқат хом ашёсидан тозаланган этил спирти Техник шартлари» стандартида белгиланган меъёрий талабларга жавоб беради.



**Т.Н.Набиев**



**Р.А.Аликулов**

**Давлат улуши –** 51%
Сайланган кузатув кенгаши аъзолари ва аудитор
**КК раиси:** Т.Набиев
**КК аъзолари:** Ф. Ташпулатов, Б. Ахмедов, А.Тугизбаев, О. Хуррамов, А. Ахунов, Ж. Шахобиддинов
**Ижро органи:** Р.Аликулов
**Аудитор:** «FTF-LEA-Audit» МЧЖ

## Муҳим фактлар:

**Ташкил қилинган сана:** 1958 йил.
**Маҳсулотлари:** истеъмол спирти – буғдой хом ашёсидан техник спирт- эфироальдегид фракция хом ашёсидан
**Ходимлар сони:** 330 нафардан кўпроқ.
**Эгаллаб турган майдон:** 18,92 гектар.
**Ишлаб чиқариш майдони:** 51 845,18 квадрат метрдан.
**Компаниянинг асосий ишлаб чиқариш қуввати:** 1 830 дал
**Жамиятда узлуксиз ишни таъминлаш учун қуйидаги ёрдамчи, хизмат кўрсатиш цех ва бўлинмалари мавжуд:** 1. Бошқарув маъмурияти бўлимлари; 2. Буғ-қувват ишлаб чиқариш цехи; кимёвий тозаланган сувни тайёрлаш тармоғи. 3. Буғдой омбори; темир йўл участкаси. 4. Кимёвий-техник назорат лабораторияси; 5. Махсулот-моддий бойликлар омбори; 6. Озуқа ва техник спирт омбори; 7 Озуқа этил спирти ишлаб чиқариш цехи; 8. Техник этил спирти ишлаб чиқариш участкаси; 9. Таъмирлаш-механик цехи; 10. Тозалаш иншоотлари тармоғи; 11. Транспорт цехи; 12. Электроцех; 13. Автоматика ва назорат ўлчов ускуналари бўлими; Ёнғинга қарши автоматика ва сигнализация бўйича тармоғи 14. Тоза ва айланма сув таъминоти участкаси; 15. Хавони компессорлаш участкаси.

## Ҳисобот йилидаги муҳим воқелар

«BIOKIMYO» акциядорлик жамияти томонидан 2021 йил учун ишлаб чиқилган «BIOKIMYO» АЖда ишлаб чиқаришни модернизация ва реконструкция қилиш» режа тадбирларини амалга ошириш бўйича 10463,886 млн. сўмлик ишлар бажарилган. Шу жумладан:
Янги газ қувурини монтаж қилишга 1998,81 млн сўм;
Promass E200 ҳисоблагичини ўрнатишга 1240,76 млн сўм;
100 ўринли боғча қурилишига 1357,49 млн сўм;

2000 тоннали силос учун иккита омборхоналар қурилишига 612,27 млн сўм;
ва бошқаларга 5254,55 млн сўм.

## Барқарор бизнес мақсадлар

Жамиятнинг фаолият мақсади даромад олиш ҳисобланади. Жамият шунингдек, ўз фаолиятини қуйидаги мақсадларда амалга оширади: Ректификатланган этил спирти ишлаб чиқариши соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 октябрь 2022 йилдаги ПФ-6096 сонли «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида «BIOKIMYO» АЖ учун уч йиллик бизнес-режа ва молиявий модель ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа операцион самарадорликни ошириш, молиявий соғломлаштириш, самарали корпоратив бошқарув ва комплаенс хизмати ишини кучайтиришга қаратилган.

Ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишлари:

Мавжуд бозор позицияларини мустаҳкамлаб бориш;

Спиртли ичимликлар бозорининг пасайиши билан боғлиқ рискларнинг камайишини ташкил этишини ташкил этади.

Янги бозор муносабатларига мослашиш (маркетинг, сотиш, R&D соҳасидаги ходимларнинг малакасини ошириш, шунингдек хом ашё ва тайёр маҳсулотларни сақлаш омборларини яратиш)

| 2021 йил даромад кўрсаткичлари | Режа (млн. сўм) | Амалда (млн сўм) |
|---|---|---|
| Соф тушум | 205 825 | 214 467 |
| Операцион тушум | 203 551 | 211 611 |
| Солиққача тушум | 23 315 | 27 928 |
| Соф фойда | 19 650 | 23 505 |










| Маҳсулот | Ўлчов бирлиги | 2020 йил | | 2021 йил | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Режа | Амалда | Режа | Амалда |
| Истеъмол спирти | т.дал | 1 420 | 1 428,30 | 1 450 | 1 454,9 |
| Техник спирт | т.дал | 60 | 85,1 | 80 | 70,2 |



## Корпоратив бошқарув

2016 йил 28 июндан «БИОКИМЁ» АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг қарори билан Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 2015 йил 30 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва 2021 йил 3 мартдан корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари асосида Кузатув кенгаши қошида Аудит, Тайинлаш (танлов) ва мукофотлаш, Стратегия ва инновациялар ва Низоли вазиятларни аниқлаш ва хал этиш бўйича Қўмиталар ташкил этилиб, Кузатув кенгаши аъзоларидан ҳар бир қўмитага кенгаш аъзоларидан 3 нафардан қўмита аъзолари сайланди. Қўмита ишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

## Ютуқлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 июлдаги 456-сонли Қарорига мувофиқ техник кимёвий синов лабораторияси «Акредитация маркази» ДУК томонидан техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш Гувоҳномаси олинди.

Янгийўл шаҳри Хокимининг 2019 йил 26 июнь кунидаги №14566-хҳ-сонли баёнининг 11-бандига асосан 2021 йилда 100 ўринли болалар мактабгача таълим муассаси қурилди. 2022 йилда тугатилган қурилишлар:

а/ корхонамизнинг ишчи-хизматчилари учун 50 ўринли ошхона;

б/ дон заҳирасини ошириш мақсадида, ҳар бирининг ҳажми 2000 тонна бўлган икки дона силослар;

в/ корхона автоуловлари учун замонавий автомобил гаражи

Ҳамда этил спиртини ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида тайёр маҳсулотлар сақлаш омборида ёрдамчи сиғим ўрнатилди.

## Йирик лойиҳалар

2021 йилда, «ҲУДУДГАЗ ТОШКЕНТ» техник шартларига асосан, «Биокиме» АЖ эҳтиёжи учун, Янгийўл газ тақсимлаш станцияси саноат коллекторидан алоҳида газ тармоғи тортиш ишлари бошланди.

2022 йилда корхонамизни барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида Янгийўл шаҳри «Гидролиз» подстанциясидан «БИОХИМ-3» фидери электр заҳира линияси ўтказилди.

2021 йилда «БИОХИМ-1» ва «БИОХИМ-2» фидерлари электр линиялари тўлиқ янгиланди.

## Ижтимоий масъулият

Жамиятимизнинг ишчи-хизматчиларига махсус кийим ва шаҳсий химоя воситалари, зарарли иш жойларда ишлаганларга сут маҳсулоти, ҳар йилги тиббий кўриклар, ҳодимлар суғуртаси, грипга қарши вакциналар, биринчи ёрдам кўрсатиш учун медикаментлар, кир ювиш совуни, бир марталик ниқоблар, бир марталик стакан, антисептикларга бир йиллик харажати ташкил қилди:

– 2019 йилда-367,9 млн. сум

– 2020 йилда-732,2 млн. сум

– 2021 йилда-656,0 млн. сум

Бундан ташқари ходимларимизнинг оила аъзолари вафот этганда, ўз соғлиғини тиклашда, нафақа ёшига етганда, ёшлар турмуш қурганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, ойлик маошига қўшимча озиқ-овқатлар, ногирон фарзандлари борларига, хар ойда ишлаб чиқариш якуни бўйича, Давлат байрамларимизни нишонлаш арафасида мукофот пуллари ва совғалар, йил мобайнида маданий хордик чиқаришлари учун концерт ва театрларга, Республикамизнинг тарихий шаҳарларига зиёрат экскурсияларига, ёз фаслида истироҳат боғлари ва аквапаркларга боришлари учун, Янги йил совғалари ва Президент арчасига қатнашиши учун билетлар ва таклифномалар ҳар бир ходимга бепул тарқатилади. Ходимларимизни соғломлаштириш мақсадида Республикамизнинг турли санаторияларига соғлигини тиклаши учун ҳамда оила аъзоларига (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлар) йўлланмалар берилади.

# ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙСИ

## ПРОФИЛЬ

Ташкил этилган сана:
**21.05.1999 йил**

Ходимлар сони:
**57 киши**

Устав фонди:
**2,3 млрд.сўм**

Мулкчилик шакли:
**Давлат унитар корхонаси**

Таъсисчи
**Давактив (100%)**

Регулятор
**Молия вазирлиги**

Корхонанинг асосий фаолияти:
**депо ҳисобварақлари бўйича қимматли қоғозларни сақлашнинг, уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишнинг ва қимматли қоғозлар ҳаракатининг ягона тизимини таъминлаш**

Халқаро мақоми:
**Аъзолик: ACG, AECSD, ANNA**

## МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙНИНГ МИЖОЗЛАРИ ВА ҲАМКОРЛАРИ

| | |
|---|---|
| Корпоратив қимматли қоғозлар эмитентлари | 634 |
| Депонентлар | 907 782 |
| Инвестиция воситачилари | 51 |
| Инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар | 39 |
| Инвестиция фондлари | 9 |
| Инвестиция фондлари акциядорлари | 49 713 |

www.deponet.uz t.me/UzCSDz

## КОРХОНА ТЎҒРИСИДА




Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси тижорат ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги ЎРҚ-387-сон Қонунига мувофиқ қимматли қоғозлар бозори иштирокчиси сифатида фаолият юритади.
Корхонанинг жорий фаолиятига раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган Бош директор ва унинг ўринбосарлари амалга оширади.
Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси ўз фаолиятини тезкор бошқариш ҳуқуқида ва хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар ҳамда бошқа тушумлар ҳисобига амалга оширади.

## МАҲСУЛОТ (минг сўм)

| | Йил | Режа | Амалда |
|---|---|---|---|
| Депозитар хизматлар | 2020 | 7 435 500 | 8 672 396 |
| | 2021 | 9 985 000 | 10 019 255 |
| Маслаҳат хизматлари | 2020 | 550 000 | 449 357 |
| | 2021 | 720 000 | 389 739 |
| Асосий фаолият ва молия йўналиши бўйича бошқа хизматлар | 2020 | 200 000 | 160 337 |
| | 2021 | 200 000 | 143 582 |
| ЖАМИ | 2020 | 8 185 500 | 9 282 090 |
| | 2021 | 10 905 000 | 10 552 576 |

## 2021 ЙИЛ ДАРОМАД КЎРСАТКИЧЛАРИ (млн.сўм)

| | Режа | Амалда |
|---|---|---|
| Соф тушум | 10 705 | 10 409 |
| Операцион тушум | 4 953 | 4 804 |
| Солиққача тушум | 796 | 768 |
| Соф фойда | 631 | 577 |

## ДАРОМАД (млн.сўм)

| Йил | Даромад | Соф фойда |
|---|---|---|
| 2019 | 6 091 | 231 |
| 2020 | 9 282 | 628 |
| 2021 | 10 553 | 577 |

## РЕНТАБЕЛЛИК (млн.сўм)

| Йил | Режа | Амалда |
|---|---|---|
| 2019 | 0,12 | 0,22 |
| 2020 | 0,11 | 0,23 |
| 2021 | 0,13 | 0,19 |

## КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ, %

| Йил | % |
|---|---|
| 2019 | 121,3 |
| 2020 | 138,7 |

## ГЕНДЕРЛИК НИСБАТИ

| | |
|---|---|
| Эркаклар | 28 |
| Аёллар | 35 |

ЖАМИ: 63

## АУДИТ

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсининг 2021 йилдаги молия-хўжалик фаолияти "Консаудитинформ" МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилди. Аудит текширувги натижаларига кўра, корхонанинг 2021 йилдаги молия-хўжалик фаолияти бўйича ижобий хулоса олинди.

## Корпоратив бошқарув

Ўзбекистон Республикасининг «Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 29.03.2022 йилдаги ЎРҚ-760-сон қонуни ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий депозитарийда халқаро андозалар асосида корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш бўйича ҳужжатлар лойиҳаси ("Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси" давлат корхонасининг кузатув кенгаши тўғрисида, якка ижро этувчи органи тўғрисида, ички аудит хизмати тўғрисида, ахборот сиёсати тўғрисида Низомлар) ишлаб чиқилган.

## Ютуқлар

Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси уч халқаро ташкилотнинг тўлақонли аъзоси ҳисобланади: Осиё-Тинч океани минтақаси марказий депозитарийларининг ассоциацияси (АСГ), Евроосиё марказий депозитарийларининг уюшмаси (АЕССД) ва Миллий рақамловчи агентликлар ассоциациaси (АННА).

2022 йилнинг апрель ойида Миллий рақамловчи агентликлар ассоциацияси (АННА) томонидан Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсига миллий рақамловчи агентлик (МРА) мақоми берилди.

2021 йилда Марказий депозитарийга янги мутлақ функция – чет эллик номинал сақловчиларга депо ҳисобварақлар очиш ва юритиш, шунингдек, эмитент билан тузиладиган шартномага кўра дивиденд ва қимматли қоғозлар қиймати тўлови учун мўлжалланган пул маблағларини олиш ва тўловларни амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Марказий депозитарий Тошкентда ўтказилган қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги уч йирик халқаро тадбир ташкилотчиси ҳисобланади: «Депозитар тизимлар интеграцияси – қимматли қоғозлар бозорида самарали ҳамкорлик асоси» мавзусидаги халқаро семинари (2001 йил), «Ягона депозитар сатҳ – АЕССД иштирокчиларининг самарали ҳамкорлиги» мавзусидаги ВИ халқаро конференция. АЕССД иштирокчилари» (2009 йил), «Ташқи бозорларга чиқиш: муаммолар ва имкониятлар» мавзусидаги ХВ АЕССД халқаро конференцияси (2018 йил).

## Йирик лойиҳалар

«Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» давлат корхонасини акциядорлик жамиятига айлантириш.

Ўзбекистон молиявий воситаларига миллий рақамловчи агентлик мақомида халқаро кодлар бериш.

ИСО 15022 ва 20022 стандартларига мувофиқ молиявий хабарлар форматларини жорий этиш, СWИФТ халқаро молиявий хабарлар тизимига уланиш.

Чет эллик номинал сақловчилар – Слеарстреам ва Еурослеар халқаро марказий депозитарийлари ҳамда МДҲ ва Осиё мамлакатлари миллий марказий депозитарийлари билан корреспондентлик муносабатларини ўрнатиш.

Қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича ҳисоб-китобларни Марказий депозитарий орқали амалга ошириш тизимини жорий этиш.

Марказий депозитарийнинг мижозлари учун масофадан туриб ҳисобварақлар очиш, КЙС/АМЛ ("Мижозингни бил» ва «Даромадларни легаллаштиришга қарши кураш") тизимларидан фойдаланган ҳолда, мижозларни идентификация қилиш ва текшириш.

Ахборот хизматлари кўламини кенгайтириш: «Шахсий кабинет» электрон тизимини ишга тушириш ва еВОТЕ электрон овоз бериш платформаси асосида акциядорлик жамиятларининг Кузатув кенгашлари мажлисларини масофадан туриб ўтказиш.

## Ижтимоий масъулият

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, корхона касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ташкилот ходимларининг фарзандлари учун музейларга саёҳат, театрларга чипталар, Янги йил байрамига совғалар уюштирилмоқда. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун санаторий ва дам олиш масканларида мавсумий даволаниш ва соғломлаштириш ишлари ташкил этилмоқда. Шунингдек, жамоа руҳини мустаҳкамлаш мақсадида йил давомида турли маданий тадбирлар, семинар-тренинглар ўтказилмоқда. давлат байрамлари муносиб тарзда нишонланмоқда. Ходимларнинг муҳим саналари учун бошланғич касаба уюшмаси томонидан эсдалик совғалари ажратилмоқда. Ходимлар Марказий депозитарий офисида қулай иш ва шароитлари билан тўлиқ таъминланган.

# «Тошкент Республика фонд биржаси» АЖ

## Компания тўғрисида маълумот

«Тошкент» Республика фонд биржаси фаолияти республикада олиб борилаётган ислоҳотлар ва акциядорлик жамиятлар очиш сиёсати билан боғлиқ. Жамиятнинг мақсади – биржа товарлари савдоларини амалга оширишда оммавий биржа савдоларини ўрнатилган қоидалар, белгиланган вақтларда ўтказиш орқали шарт-шароитларни яратиш, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш йўли билан қимматли қоғозлар эркин муомаласини таъминлаш ва улар тўғрисида ахборотларни ошкор этиш йўли билан қимматли қоғозлар нархини талаб ва таклиф асосида шакллантириш.

**Муҳим фактлар:**

**Ташкил қилинган сана:** 1994 йил.

**Биржа айланмаси:** 3,3 трлн. сўмдан ортиқ (2022 йилнинг январ-май ҳолатига кўра)

**Бозор капитализацияси:** 99,34 трлн. сўм (01. 06. 2022 й. ҳолатига кўра)

**Биржа аъзолари:** 52 та.

**Биржа котировкалаш варағи рўйҳатига киритилган инструментлар турлари:** акциялар ва облигациялар.



О.Р. Исаков



Г.О. Паресишвили

**Давлат улуши** – 68,75%

Сайланган кузатув кенгаши аъзолари ва аудитор

**КК раиси:** Исаков О.Р.

**КК аъзолари:** Усмонов Б.Ш., Хьюнсу Чои, Ханчил Ким, Раджабов Б.М., Хамдамов Ф.А., Каримов Ф.М.

**Ижро органи:** Паресишвили Г.О.

**Аудитор:** Expert Audit

2022 йил 1 июнь ҳолатига «Тошкент» Республика фонд биржаси биржа котировкалаш варағида 100 та акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлари мавжуд. Улардан:

1. «Stock Market» акциялар бозорида:

«Премиум» тоифасида 1 та акциядорлик жамиятининг акциялари;

«Стандарт» тоифасида 65 та акциядорлик жамиятининг акциялари;

«Транзит» тоифасида 32 та акциядорлик жамиятининг акциялари.

2. «Bond Market» облигациялар бозорида 7 та акциядорлик жамияти ва маъсулияти чекланган жамиятларнинг корпоратив облигациялари мавжуд.

Халқаро ташкилотлар аъзоси: FEAS (Federation of Euro-Asian Stock Exchanges) ва IAE (International Association of Exchanges of CIS Countries).

Жаҳон фонд биржалари билан ҳамкорлик: «NASDAQ» фонд биржаси, Лондон фонд биржаси, «BORSA Istanbul» фонд биржаси, Москва фонд биржаси (MOEX), Қозоғистон фонд биржаси (KASE), Корея фонд биржаси (KRX) ва Япония фонд биржаси (JPX).

## Ҳисобот йилидаги муҳим воқелар

«Тошкент» Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти йил давомида Республикада амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнларида фаол иштирок этди.

Биржа барча асосий кўрсаткичлар бўйича ўтган йилга нисбатан сезиларли ўсишга эришди. Масалан, 2021 йилда битимлар сони ва ҳажми 2020 йилга нисбатан мос равишда 98,2 фоизга ва 118,0 фоиз ошди.

Бундан ташқари, ўтган йили сўнгги 10 йил ичида биринчи марта масъулияти чекланган жамият облигациялари биржа котировкалаш рўйхатига киритилди. Ушбу қоғозлар Республика фонд бозори тарихида валюта курсининг ўзгаришига индексланган биринчи облигация бўлиб, инвесторларга инвестицияларни сўмнинг мумкин бўлган қадрсизланишидан ҳимоя қилиш имконини берди.

Ушбу компаниянинг муваффақияти Ўзбекистон капитал бозоридаги туб ўзгаришлар ва қарз капитали бозори фаоллаша бошлаганининг натижасидир.

Жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда биржа листинги талаблари такомиллаштирилди ва миллий бозорнинг ўзига хос ҳусусиятларига мослаштирилди.

Хусусан, 2021 йил 1 январдан кучга кирган, қимматли қоғозлар ликвидлигини оширишни назарда тутувчи янги таҳрирдаги «Тошкент» РФБ биржа котировкалаш варағи тўғрисида"ги Низом ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Низомда назарда тутилган асосий ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

• "«Тошкент» РФБ биржа котировкалаш варағи тўғрисида"ги ва "«Тошкент» РФБ листинг йиғимлари тўғрисида"ги Низомлар битта Низомга бирлаштирилди;

• биржа котировкалаш варағи рўйхатига киритилган инструментлар турлари 7 тадан 15 тага кўпайтирилди;

• фонд биржасида тўртта тоифа ўрнига иккита асосий тоифа «Премиум» ва «Стандарт» тоифаларини киритилди;

• Янги ахборотларни ошкор қилиш талаблари қўшилди ва улар учун янги шакллар ишлаб чиқилди.

## Барқарор бизнес мақсадлари

Биржа ишини ривожлантириш ва биржа савдолари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, биржа ресурсидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари, шакллари, воситалари ва усуллари тизимини яратиш орқали қимматли қоғозларнинг ликвидлилик даражасини оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6207-сон Фармонида кўрсатилган чора-тадбирларни қўллаш орқали биржа салоҳиятини оширишдан иборат.

«Тошкент» Республика фонд биржасини ривожлантириш мақсадида 2021–2023 йилларда «Тошкент» Республика фонд биржаси АЖни ривожлантириш стратегияси тасдиқланди.

Стратегия биржанинг ривожланиш тенденциялари ва йўналишларини ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини белгилаб берувчи фундаментал ҳужжат ҳисобланади.

| **2021 йил даромадлари тўғрисида маълумотлар** | **Режа бўйича(млн. сўм)** | **Амалда (млн сумов)** |
|---|---|---|
| Соф тушум | 7 600 086 | 7 994 146 |
| Операцион тушум | 4 829 140 | 4 905 066 |
| Солиққача тушум | 1 178 931 | 756 323 |
| Соф фойда | 1 005 081 | 582 473 |










| Асосий кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2020 йил | | 2021 йил | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Режа | Амалда | Режа | Амалда |
| Битимлар ҳажми | млрд сўм | 561,31 | 578,15 | 1 291,81 | 1 260,51 |
| Битимлар сони | дона | | 36 062 | 51 489 | 71 489 |
| Қимматли қоғозлар сони | млрд долл | - | 99,07 | - | 14,18 |






### Корпоратив бошқарув

«Тошкент» РФБ АЖ бошқарув тизимини доимий равишда такомиллаштириб, энг яхши халқаро стандартларга риоя қилишга интилади. «Тошкент» РФБ АЖ акциядорлари, Кузатув кенгаши ва мансабдор шахслари корпоратив бошқарув кодекси ва халқаро корпоратив бошқарув стандартлари талаблари асосида иш олиб боради.

«Тошкент» РФБ АЖнинг олий бошқарув органи акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. «Тошкент» РФБ АЖ оператив фаолиятини Кузатув кенгаши ва Ижроия органи бошқаради.

«Тошкент» АЖ Кузатув кенгаши 9 кишидан иборат бўлиб, улардан бири мустақил хорижий менежер ҳисобланади. Бу ўз навбатида, корпоратив бошқарувнинг шаффофлиги ва самарадорлигини оширади.

### Ютуқлар

«Тошкент» РФБ АЖ Аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш тамойилларига (Womенъс Емпоwермент Принсиплес (WЕПс)) қўшилган Ўзбекистондаги биринчи ва ягона жамиятдир. БМТ қошида ташкил қилинган WЕПс, аёлларнинг бизнесдаги имкониятларини кенгайтириш бўйича тамойиллар тўплами ҳисобланади «Тошкент» РФБ АЖ WЕПс аъзоси сифатида жамиятда хизмат қилаётган аёлларнинг имкониятларини кенгайтирувчи бизнес амалиётларини ривожлантиришга содиқлигини намойиш этиб келмоқда. Жамият жамоада ва бошқарув лавозимларида ҳам гендер мувозанатини сақламоқда.

«Тошкент» РФБ, молиявий фаолиятнинг деярли барча жабҳаларини қамраб олган

«ИИ Халқаро Банк-Молия Форуми"нинг ҳамкор ташкилотчиси сифатида иштирок этди. Форум фаолияти доирасида бир қатор муҳим тадбирлар ва муҳокамалар, жумладан илк бор «МДҲда валюта бозорларини ривожлантириш» мавзуси доирасида капитал бозор ва биржа фаолиятини ривожлантириш масалаларига бағишланган махсус гуруҳ йиғилиши ташкил этилди.

Бундан ташқари, «Тошкент» РФБ «Ўзбекистон: иқтисодийислоҳотлар ютуқлари ва уларнинг истиқболлари» халқаро иқтисодий форумида тижорат ҳамкори сифатида иштирок этади. Тадбирда мамлакатимизда сўнгги беш йилда олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар тажрибаси таҳлил қилинади, иқтисодиётни янада ривожлантириш учун истиқболли ғоялар муҳокама қилинади.

### Йирик лойиҳалар

«Тошкент» РФБ АЖ томонидан қуйидаги лойиҳалар амалга оширилмоқда:

1. Биржа савдо фондларини (Exchange Traded Fuds), шу жумладан олтинга боғлаш (Gold ETF) орқали амалга ошириш.

Бу жаҳон инвестиция ҳамжамиятида, жумладан камроқ тажрибали инвесторлар орасида ЕТФлар энг машҳур инвестиция ва хеджирлаш воситаларидан бири ҳисобланади.

2. Маҳаллий бозор конъюнктурасини ҳамда Ўзбекистонда энг кенг тарқалган дин ислом дини эканлигини ҳисобга олган ҳолда ислом молияси тамойилларига асосланган қимматли қоғозлар ва бошқа биржа воситаларини жорий этиш.

3. Тижорат қоғоз (Commercial Paper) савдосини амалга ошириш.

Биржа облигациялари чиқарилишини тартибга солувчи органда давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайди, қимматли қоғозлар биржанинг ўзи томонидан рўйхатга олинади. Биржа облигацияларини чиқаришда эмиссияни расмийлаштириш учун давлат божи тўлашнинг ҳожати йўқ ҳамда биржа облигациялари проспекти стандартлари корпоратив облигацияларга нисбатан анча эркинроқдир.

Шунга кўра, биржа облигациялари кўринишидаги янги восита компаниялар учун қарзни молиялаштириш воситаларининг кенгроқ рўйхатига кириш имкониятини очиб беради ҳамда соддалиги ва мавжудлиги туфайли камроқ ҳажмли молиялаштиришни топиш учун қулай ҳисобланади.

### Ижтимоий масъулият

Жамият бошқаруви кадрлар сиёсатида асосий меҳнат жамоасини сақлаб қолишга интилади, анъанавий рағбатлантириш шаклларидан ташқари, меҳнат жамоасини маънавий рағбатлантиришни амалга оширади.

Жамият томонидан фаолияти давомида бир катор хайрия ишларини ҳам амалга ошириш, республикадаги меҳрибонлик уйларига, Наврўз умумхалқ байрами, мустақиллик, хайит ва янги йил байрамлари муносабати билан байрам дастурхонлари ташкил этилиши амалга оширилади.

# IV. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРДА АУДИТ

### 4.1. Ташқи аудит

Давлат улуши мавжуд 1 586 та корхоналарнинг 62,3 фоиз ёки 988 тасида 2021 йил якуни бўйича ташқи аудит текшируви ўтказилган.

2021 якунлари бўйича 4 та ҳолатда ташқи аудитор ташкилотлари томонидан салбий фикр билдирилган:

- «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори» МЧЖ;
- Фарғона вилоятида жойлашган «Тоза ҳудуд» ДК;
- «Б.Мирзакаримов номли Бекобод туман биофабрика» МЧЖ;
- «Тошвилоятнур» МЧЖ.

Бугунги кунда қайта аудитдан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

# V. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ

### 5.1. Акциядорлар (иштирокчилар, мулкдорлар) умумий йиғилиши натижалари

Давлат иштирокидаги корхоналарда 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра 2 000 дан ортиқ навбатдаги ва навбатдан ташқари акциядор (иштирокчи)лар умумий йиғишлари ўтказилган, шунингдек муассислар қарорлари қабул қилинган.

Йиғилишларда асосан 2021 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш, бошқарув органлари (кузатув кенгаши, ижроия органи)ни сайлаш ёки амалдаги аъзоларнинг ваколатларини узайтириш. Корхоналарнинг ички меъёрий ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Стратегия талабларига мувофиқлаштириш масалалари кўриб чиқилган.

### 5.2. Кузатув кенгаши таркиби

2022 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши мавжуд 399 та корхоналарда кузатув кенгашлари ташкил этилган. Уларда 1 968 та аъзолик ўринлари мавжуд бўлиб, давлат улуши бўйича 1 337 нафар номзодлар киритилган, шундан 72 нафари мустақил аъзолар бўлса, қолган 1 267 нафар давлат ташкилотлари ходимлари ҳисобланади.

Шунингдек, кузатув кенгаши таркибига 92 нафар аёл номзодлар (4,7 фоиз) киритилган.

### 5.3. Ижроия органи тайинланиши ва таркиби

Давлат иштирокидаги барча корхоналарнинг бошқарув ва назорат органлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ҳамда марказлашган ахборот алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида www.kpi.davaktiv.uz сайтининг корхона кабинетида бошқарув ва назорат органлари бўйича алоҳида бўлим очилиб, корхоналар томонидан тегишли маълумотлар киритиб бориш имконияти яратилди.

Мазкур веб-портал «Давлат мулки» ахборот тизими билан ўзаро боғланган бўлиб, веб-порталдаги маълумотлар автоматик тарзда умумлаштирилади ва таҳлил қилинади.

Ўз навбатида, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига жами 1 337 та корхоналарда яккабошчилик ва 248 тасида коллегиал ижроия органи ташкил этилган. Уларда жами 2 191 та аъзолик ўринлари мавжуд бўлиб, 114 та корхоналарнинг 126 та (5,8 фоиз) раҳбарлик лавозимларида хотин-қизлар фаолият юритиб келмоқда.

Шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарда ижроия органи раҳбарини сайлаш (тайинлаш) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 59, 60, 75, 79-моддаларига асосан ҳамда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32, 34, 39-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сон қарори ҳамда Стратегия талабларига кўра давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия

органи раҳбари ва ўринбосарлари танлов асосида юқори малакали, шу жумладан, хорижий мутахассислар орасидан танлаб олинади ва белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши қарори билан тайинланади.

Юқоридагиларга асосан, давлат иштирокидаги корхоналар ижроия органи таркибидаги раҳбарлик лавозимларига танлов асосида номзодларни сайлаш (тайинлаш) амалиёти йўлга қўйилди, жумладан ҳисобот йилида жами 25 та давлат иштирокидаги корхоналарнинг 35 та раҳбарлик лавозимларига танловлар ўтказилди.

## VI. ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ УСЛУБЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

### 6.1. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари

Давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш ва унга замонавий бошқарув стандартларини жорий этиш мақсадида, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг тамойиллари асосида Корпоратив бошқарув кодекси ишлаб чиқилган ва акциядорлик жамиятларига жорий этиш бўйича тавсия берилган.

Корпоратив бошқарув кодексида асосан қуйидагилар назарда тутилган:

• корпоратив бошқарувнинг илғор услубларини жорий этиш бўйича тавсиялар, жумладан, узоқ муддатли истиқболда ривожланиш стратегияси ва вазифалари, ички назорат тизимлари ва ижро органининг акциядорлар ҳамда инвесторлар билан самарали ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаш;

• акциядорлик жамиятлари фаолиятининг кўлами, тармоқ хусусиятлари ва йўналишларини инобатга олган ҳолда, намунавий ташкилий тузилмани жорий қилиш;

• акциядорлик жамиятлари фаолиятининг очиқлигини ошириш, улар томонидан халқаро стандартлар асосида аудит ва молиявий ҳисобот ахборотини нашр қилиш.

Шунга кўра, давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув тизимининг самарали жорий этилиши ҳолатини ҳар йили камида бир марта баҳолаш бўйича саволнома ишлаб чиқилган.

Ўз навбатида, 2021 йил якуни бўйича Корпоратив бошқарув кодекси қоидалари жорий қилинган 144 та акциядорлик жамиятлари томонидан Корпоратив бошқарув тизими баҳолашдан ўтказилган.

Баҳолаш натижаларига кўра, 45 та акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқариш тизими «юқори», 84 таси «қониқарли» ва 15 таси «Паст» деб баҳоланган.

### 6.2. Давлат иштирокидаги корхоналар веб-сайти ҳолати

Йирик корхоналарнинг (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармони 1-2 иловасидаги корхоналар) 40 тасида (95,2 фоиз) расмий веб-сайтлар мавжуд бўлиб, 2 та корхонанинг (“Ўзбекгеологияқидирув» АЖ, «Humo AIR» МЧЖ) веб-сайти яратилиш жараёнида.

Шунингдек, веб-сайтлари мавжуд корхоналар томонидан жойлаштирилган ахборотлардан келиб чиқиб, уларнинг 10 таси «яхши», 16 таси «қониқарли» ва 14 таси «қониқарсиз» деб баҳоланди.

Корхоналарнинг веб-сайтларида қуйидаги тизимли камчиликлар мавжуд:

– бизнес-режа ижроси ҳолати тўғрисидаги ахборот жойлаштирилмаган (27 тасида жойлаштирилган);

– ривожланиш стратегиясидаги дастурларнинг натижалари кўрсатилмаган (26 тасида жойлаштирилган);

– молиявий ҳисоботлар мавжуд эмас (27 тасида жойлаштирилган);

– корхоналар ва улар таркибидаги корхоналарнинг фойдаланилмаётган, носоҳавий активлари тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилмаган (атиги 6 та корхона жойлаштирган);

– харидлар жадвали ва харидлар тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилмаган (17 тасида жойлаштирилган);

– ижро органининг самарадорлиги кўрсаткичи жойлаштирилмаган (23 тасида жойлаштирилган);

– корпоратив бошқарув тизимининг баҳолаш натижалари кўрсатилмаган (19 тасида жойлаштирилган);

– аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот жойлаштирилмаган (27 тасида жойлаштирилган);

– бошқарув ва назорат органларига тўланган рағбатлантириш миқдори тўғрисидаги маълумотлар очиқланмаган (8 тасида жойлаштирилган);

– мавжуд маълумотлар эса мунтазам янгиланиб борилмайди.

Бундан ташқари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган 1 594 та корхоналарнинг расмий веб-сайтлари ўрганилганда, улардан 234 тасининг веб-сайтлари мавжудлиги аниқланди (шундан, 37 таси «яхши», 96 таси «қониқарли» ва 101 таси «қониқарсиз”).

Давлат иштирокидаги корхоналар веб-сайтларини ўрганиш натижаларига кўра, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ҳамда қонунчилик талабларига мослаштириш бўйича Давактив агентлиги томонидан тегишли кўрсатмалар бериб борилмоқда.

### 6.3. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий ҳисоботини МҲХС бўйича тузишга ўтиш ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон Қарорига асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган корхоналар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаши кўрсатилган.

Шунга кўра, давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини МҲХС асосида тайёрлаш бўйича ишлар бошланди.

Бунда, биринчи навбатда йирик корхоналар ва тижорат банкларнинг ҳисоботлари МҲХС асосида тайёрланиб, улар халқаро аудиторлик ташкилотлари жалб этилган ҳолда аудитдан ўтказилмоқда.

Хусусан, ҳозирда давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларидан (тижорат банклари билан бирга) 66 тасида ҳисоботлар МҲХС асосида тайёрланган. Шундан, 36 таси йирик корхоналар ва тижорат банклари ҳисобланади.

МҲХС асосида тузилган ҳисоботлар корхоналарнинг расмий веб-сайтлари ва Корпоратив ахборот ягона порталида эълон қилиб борилмоқда.

### 6.4. Ички аудит, Мувофиқлик хизмати ва Кузатув кенгашлари қошидаги қўмиталар

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда, шунингдек, активларнинг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларида ички аудитни ташкил этиш белгиланган.

Қонунчилик талабларига кўра, 2021 йил якунига кўра 188 тасида (11,9 фоиз) ички аудит хизмати жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарорида 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланган.

Шунингдек, Стратегиясини амалга ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичларида давлат иштирокидаги корхоналарга комплаенс хизматини жорий этиш:

– 2021 йилга 3 фоиз;

– 2023 йилга 10 фоиз;

– 2025 йилга 20 фоиз этиб белгиланган.

Фаолият юритаётган давлат иштирокидаги 183 та акциядорлик жамиятларидан 44 тасида (24 фоиз) Комплаенс хизмати жорий этилган.

Бугунги кунда Давактив агентлиги томонидан қарорларда белгиланган мақсадли кўрсаткичлар асосида тегишли ишлар амалга оширилмоқда ва келгуси мақсадли кўрсаткич тўлиқ бажарилади.

Давлат улуши мавжуд корхоналар кузатув кенгаши қошида тегишли йўналишлар бўйича (стратегия ва инвестициялар қўмитаси, аудит қўмитаси, тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси) жами 1 585 та корхоналарда 523 та қўмита, шу жумладан, 131 та аудит қўмитаси, 132 та стратегия ва инвестициялар қўмитаси, 132 та тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси ҳамда 129 та коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилган.

## VII. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР СОНИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ҲОЛАТИ

Ўзбекистон мустақилликка эришилгандан кейин давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хусусий секторнинг ролини ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди, хусусан 30,0 мингдан ортиқ давлат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди.

Шунга қарамасдан, иқтисодиётнинг реал сектори соҳасидаги корхоналарда давлат иштироки юқорилигича қолмоқда.

Энг аввало, таъкидлаш жоизки, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокининг юқори даражаси соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга, иқтисодиётга фаол инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилади ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг самарадорлиги пасайиб кетишга олиб келади.

2022 йилнинг 1 август ҳолатига давлат иштирокидаги корхоналар сони 2 082 та (АЖ-224 та, МЧЖ-1 079 та, ДУК-779 та)ни ташкил этиб, деярли ҳар бир давлат органи ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари корхоналарнинг таъсисчилари ҳисобланади. Бундан ташқари, мамлакатда 25,0 мингдан ортиқ давлат муассасалари фаолият юритмоқда (давлат корхоналари ва муассасалари 70 дан ортиқ вазирлик, идоралар ва маҳаллий ҳокимлик органлари томонидан бошқарилмоқда).

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти самарасиз бўлиб (масалан, 2021 йил якунини 347 та корхона зарар билан якунлаган, шунингдек, 700 дан ортиғи паст рентабелли ҳисобланади), бу давлат яхши менеджер эмаслигини яна бир бор тасдиқлайди.

Жаҳон тажрибасига назар соладиган бўлсак, давлат корхоналарининг иқтисодиётдаги улуши Россияда 33 фоиз, Хитойда 30 фоиз, Малайзия ва Сингапурда 15 фоиз, Германияда 18 фоиз, Туркияда 10 фоиз ва Японияда атиги 5 фоизни ташкил қилади.

Жаҳон банки томонидан 2022 йил апрель ойида эълон қилган «Ўзбекистон: мамлакатнинг иккинчи тизимли диагностикаси» номли ҳисоботида мамлакат ЯИМнинг тахминан ярми давлат корхоналари ва давлат тармоқларига тўғри келишини маълум қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожжатномасида давлат компанияларини трансформация қилиш, хусусийлаштириш ҳамда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш мамлакатни тизимли ўзгартиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Шунга кўра, сўнги йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди

1. Давлат иштирокидаги 3 000 та корхоналарни таҳлил қилиш ҳамда уларни ислоҳ қилиш, жумладан сотиш, тугатиш, қайта ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида Ҳукумат томонидан тармоқлар кесимида 8 та ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Ишчи гуруҳлар томонидан ҳар бир корхоналар фаолияти ўрганилиб, таҳлил қилинди ва таклифлар Ҳукумат комиссиясига тақдим этилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди, унга кўра 70 та йирик корхоналарни ислоҳ қилиш (трансформация ва операция самарадорлигини ошириш) 500 дан ортиқ корхоналарни хусусийлаштириш белгиланди (жумладан, ёғ-мой саноати, қурилиш

материаллари, кимё саноати, суғурта ва лизинг, лойиҳалаштириш, нефт-газ, алкоголь махсулотлари, меҳмонхоналар соҳасидаги йирик корхоналар ва б.).

3. 2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш Стратегиясининг асосий йўналишлари сифатида:

• давлат иштирокидаги корхоналарни етарли даражада асослантирмасдан ташкил этилишига қўл қўймаслик;

• хусусий сектор муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокини чеклаш, «сот ёки тушунтир» тамойилини амалиётга кенг жорий этиш;

• давлатнинг иқтисодиётдаги улушини кескин қисқартириш бўйича аниқ мақсадли кўрсаткич сифатида, уларнинг сонини 2021 йилнинг ўзида 30 фоизга, 2025 йилга келиб эса, 75 фоизга қисқартириш;

• ҳар йили давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти стратегияда белгиланган мезонларга мос келишини таҳлил қилиб (хатлов ўтказиб), натижаси юзасидан корхоналарни тугатиш, қайта ташкил қилиш ёки хусусийлаштириш бўйича таклифларни Ҳукуматга киритиш белгиланди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 февралдаги ПФ-6167-сон «Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, хусусийлаштиришнинг замонавий янги услубларини қўллаган ҳолда йирик корхоналарни хусусийлаштириш белгиланди (Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, спирт ишлаб чиқарувчи заводлар, иссиқлик электр станциялари, дон маҳсулотлари корхоналари ва б.)

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июнда 350-сон қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, 593 та давлат иштирокидаги корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатиш (139 тасини қайта ташкил этиш ва 454 тасини тугатиш) белгиланди. Ҳозирда ушбу корхоналарнинг 76 фоизи (450 таси) давлат реестиридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг таъсис этилишида (ташкил этишга ташаббус кўрсатишда) олдиндан монополияга қарши органнинг розилигини олиш тизими жорий этилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-123-сон «Давлат муассасаларини ислоҳ қилишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди, унга кўра бир товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари мавжуд, рақобат ривожланган соҳаларда фаолият юритаётган давлат муассасалари тугатилади ёки хўжалик жамиятларига ўзгартирилган ҳолда хусусий секторга сотиш белгиланди.

8. Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган «Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги Қонунда:

• давлат мулкига эгалик қилишнинг мезонлар аниқ белгилаб қўйилди, бунда давлат мулки ушбу мезонларга мувофиқ бўлгандагина унга эгалик қилиниши;

• давлат мулкига эгалик қилиш мезонларига мувофиқ бўлмаган давлат унитар корхонаси ёки давлат муассасаси хўжалик фаолиятини юритишда бошқа нодавлат юридик шахслар билан тенг шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятининг самарадорлигини, очиқлигини ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда корпоратив бошқарувни жорий этиш мақсадида хўжалик жамияти этиб ўзгартирилиши белгиланди.

9. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги улушини қисқартириш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 3 000 та давлат иштирокидаги корхоналардан 2021 йилда 1 040 таси (35 фоизи)ни сотиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш орқали давлат иштирокидаги корхоналар реестиридан чиқарилди.

10. Жорий йил якунига қадар давлат иштирокидаги корхоналарни иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилади:

• самарали фойдаланиш бўйича амалда қарорлар қабул қилинмаган 600 дан ортиқ давлат иштирокидаги корхоналар ҳамда 25,0 мингдан ортиқ давлат муассасалари фаолияти ўрганиб

чиқилиб, уларни биринчи навбатда хусусийлаштириш, қайта ташкил этиш ва тугатиш юзасидан Ҳукуматга таклиф киритилади;

• «Фарғонаазот» АЖ, «Кварц» АЖ, Қўқон биокимё заводи, Иссиқлик электр станциялари, дон маҳсулотлари каби йирик саноат корхоналарини хусусийлаштириш ишлари якунига етказилади;

• «Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги Қонунини амалиётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилади;

• «Хусусийлаштириш тўғрисида» Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан кўриб чиқилиши таъминланади.

### 7.1. Қайта ташкил қилинган ва тугатилган корхоналар

2021 йил ва 2022 йилнинг ўтган даврида давлат иштирокидаги корхоналарни тугатиш ва қайта ташкил этиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

